

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛПОМИШ ДОСТОНИ

туркий халқлар версиялари

- ❖ Алп Манаши
- ❖ Алпамиша ва Барсинхилу
- ❖ Алпамиша ва довюрак Сандумағач
- ❖ Алпамиш Батир

Таржимон ва нашрга тайёрловчи:

Анвар Бўронов



Тошкент-2020

УЎК 398 (100)

КБК 82.3 (О)

А 54

Алпомиши достони (туркий халқлар версиялари) [Матн] / таржимон ва нашрга тайёрловчи: А.Бўронов. – Тошкент: Muхarrir nashriyoti, 2020. – 180 б.

ISBN 978-9943-6289-7-7

Мазкур китобда “Алпомиши” достонининг олтой, бошқирд, та-тар ва қозоқ версиялари ўзбек тилига таржима қилиниб, жамланган. Шунингдек, достоннинг туркий халқлар версиялари ҳамда улар орасидаги умумийликлар ва фарқлар ҳақида муҳим маълумотлар берилган. Ушбу жамланмага олдиндан ўзбек тилида мавжудлиги ва ўзбек китобхонларига яхши таниши бўлгани учун достоннинг ўзбек ва қорақалпоқ версиялари киритилмади.

Китоб тилшунослик, фольклоршунослик, туркология, аксиология каби йўналишиларда тадқиқот олиб бораётган олимлар, докторантлар ҳамда талабаларга “Алпомиши” достонининг версиялари ва варианtlарини тарихий-қиёсий ўрганиши ҳамда таҳлилий хуносалар қилиши учун қўлланма сифатида тавсия этилади.

УЎК 398 (100)

КБК 82.3 (О)

Такризчилар:

Жаббор Эшонқул,

филология фанлари доктори, профессор

Абдимурод Тилавов,

филология фанлари номзоди, доцент

Ушбу монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Илмий кенгашининг 2020 йил 24 июнданги З-сонли мажлиси қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6289-7-7

© А.Бўронов.

© “Muхarrir nashriyoti”,
Тошкент, 2020 й.

СҮЗБОШИ

*Гўрўғлисиз эл бўлмас, ахир,
Алпомишиз мамлакат йўқдир.*

Усмон Азим

“Алпомиш” достони туркийлар тарихидан сўзловчи энг қадимий шоҳ асарлардан бири, халқ оғзаки ижодининг гўзал ва бетакрор намунасиdir. Достонда узоқ мозийдан бугунга қадар яшаб ўтган аждодларимизнинг эзгу хотираси, қайгулари, қувончлари дардли қўшиқ бўлиб янграйди. Бу қўшиқ уни тинглаган киши қалбига сел бўлиб кириб, миллий ғурур, ватан ва унинг шонли тарихига муҳабbat туйғусини уйғотади.

Достонда туркийлар тарихи, тили, ҳаёти, урфодатлари, қадриятлари равон тил ва юксак бадиий маҳорат билан тасвирланган. Унда она тилимизни асрлар силсиласидан бизгача етказиб келган ҳассос ва ёдкаш баҳшиларнинг қалб қўри, руҳи, нафаси сезилиб туради. Уларнинг маҳорати ва тилга бўлган садоқати самараси ўлароқ, достонда миллатимизнинг руҳи, шаъни, шавкати ва ғурури бўлган она тилимизнинг қадимиј жозибаси, аслияти сақланиб қолган. “Алпомиш” достонининг ilk тадқиқотчиларидан бири, Ўзбекистон халқ шоири Ҳамид Олимжон достон ҳақида қўйидагича фикр билдиради: “Алпомиш” тил жиҳатидан ўзбек тилининг бутун бойлиги ва рангдорлигини акс эттиради. Достон ўзбек халқ тилининг қанчалик ширалиқ, қанчалик ихчам ва ўз ҳаётини ифода қилиш учун қанчалик мукаммал, бой эканини ҳам кўрсатади. Достонда турмушда учрайдиган энг оддий сўзлардан тортиб биз учун нотаниш, лекин били-

шимиз зарур бўлган ҳарбий терминларгача мавжуд. Чорвачиликка оид терминлар ҳадсиз кўп. Буларни биз билмас эдик ва билмасдан туриб, ўзбек тилининг қашшоқлиги ҳақида ёлғон афсоналар ҳам тўқиб юрар эдик. “Алпомиш”да бу кунги адабий тилимиз, матбуот тили учун практик аҳамиятга эга бўлган сўзлар жуда кўпдир”.

“Алпомиш” достони аслида барча туркий халқларнинг маънавий мероси саналади. Татар олимни Фатих Урманче ўзининг тарихий-қиёсий очеркларида бу ҳақда қутидагича фикр билдиради: “Алпомиш эпик образини тарихий ўрганиш, айниқса, қаҳрамонларни унаштириш масаласидаги умумийликларни мотив жиҳатидан қараб ўргансак, чамаси, бу достон қадимда генетик жиҳатдан яқин бўлган барча туркий халқлар, жумладан, қипчоқ, ўғуз ва қарлуқларнинг ҳаммасида мавжуд бўлгани ва кейинчалик шу образ атрофида бошқа ўзига хос афсоналар яралишига олиб келганини кўриш мумкин”.¹

Фатих Урманче айтганидек, “Алпомиш” туркий халқлар бирлигининг рамзи, умуммеросиидир. Аммо бугунги кунгача достоннинг фақат ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, бошқирд, татар ҳамда олтой версияларигина сақланиб қолган ва бизнинг давримизгача етиб келган. “Алпомиш” достони қорақалпоқ тилида “Алпамис”, қозоқ тилида “Алпамис батир”, олтой тилида “Алп Манаш”, бошқирд тилида “Алпамша ва Барсинхилу”, татар тилида “Алпамша ва довюрак Сандугач”² деб номланади. Шунингдек, Фарбий Сибир татарларида “Алп Мямшян” достони ҳам сақланган.

Ушбу китобда “Алпомиш” достонининг олтой, бошқирд, татар ва қозоқ версиялари ўзбек тилига таржима қилиниб, жамланган. Ушбу жамланмага олдин-

¹ Фатих Урманче. Тюркский героический эпос. Казань, ИЯЛИ, 2015. С. 17

² Татар тилида. “Алпамша һәм кыю сандугач” деб номланади.

дан ўзбек тилида мавжуд бўлгани ва ўзбек китобхонла-
рига жуда яхши таниш бўлгани учун достоннинг ўзбек
ва қорақалпок версиялари киритилмади.

ХХ асрнинг 90-йилларида туркиялик олим Метин Эргун “Алпомиш” достонининг барча версияларини турк тилига таржима қилган ва бу иш туркиялик тил-
шунослар ҳамда фольклоршунослар томонидан муҳим ҳодиса сифатида кутиб олинган эди. Ушбу китоб тур-
кий халқлар орасида иккинчи бўлиб амалга оширил-
ган “Алпомиш” достони туркий халқлар версиялари-
нинг тўпламидир.

“Алпомиш” достони туркий версияларининг она тилимизда тақдим этилиши фольклоршунослик, тил-
шунослик, туркология, аксиология каби бир неча йў-
налишларда тадқиқот олиб бораётган олимлар, док-
торантлар ҳамда талабаларга, уларни тарихий-қиёсий ўрганиш ва таҳлилий хулоса қилиш учун кенг йўл
очиб беради.

Анвар Бўронов

“АЛПОМИШ” ДОСТОНИНИНГ ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ВЕРСИЯЛАРИДАГИ УМУМИЙЛИКЛАР ВА ФАРҚЛАР

Халқ оғзаки ижодиёти туркий халқларнинг умумий хусусиятларини кўрсатиб берувчи муҳим омиллардан бири саналади. Туркий халқлар оғзаки ижодиётини тарихий-қиёсий ўрганиш шуну кўрсатадики, дунёдаги барча халқлар сингари туркий халқларнинг миллий шаклланишида ҳам достон, афсона, эртак, мақол, мatal ва топишмоқларнинг аҳамияти жуда катта бўлган.

Туркий халқлар достонларининг мавзулари ҳам ўзига хос бўлиб, улар орасида маънавий, маърифий, дидактик – ахлоқий мавзудаги достонлар алоҳида ажралиб туради. Достон ва эртакларда халқларнинг асрий орзу ва интилишлари мужассамланади ва унда миллий бирлик, озодлик каби эзгу ғоялар олдинга сурилади. Достонларда гўзал бадиий сўз шакллари, ёрқин образлар, турли қочиримлар, афоризм ва ўланлар кенг ўрин олганки, бу туркий халқларда кейинги давр бадиий адабиётининг шаклланишига ҳам тамал тошини қўйган, десак адашмаймиз. “Алпомиш” худди шундай ижод намунаси, туркий халқлар бирлигининг рамзи, чин маънода оригинал қаҳрамонлик достонидир.

Туркий халқлар достонлари ва эртакларининг деярли ҳаммасида умумийлик ёки айнан бир хилликлар учрайди. Аммо шундай бўлса-да, улар орасида каттагина фарқлар ҳам кўзга ташланиб, бу “Алпомиш”нинг бошқа туркий халқлардаги версияларида ҳам яққол кўринади.

“Алпомиш” версиялари асосий ғояси, сюжети ва мазмунига кўра бир-бирига яқин бўлгани учун битта достон сифатида қайд этилади. Шунингдек, фоль-

клоршунослар томонидан яна бир нечта достонлар, жумладан, қыргыз халқининг “Манас”, Шумерларнинг “Гилгамиш”, Гомернинг “Одиссей” достонларини ҳам айрим хусусиятлари ва сюжетлардаги ўхшашликларга кўра “Алпомиш”га яқин экани айтилган. Масалан, дунё халқларининг қаҳрамонлик эпосларини кенг тадқиқ қиласан олим В.М. Жирмунскийнинг “Алпомиш ҳақидағи эпик достонлар ва Гомернинг “Одиссей” достони” номли мақоласида мазкур достоннинг сюжетларини “Одиссея” ҳамда ўғуз-қипчоқларнинг “Кўрқит ота китоби” (“Китаби дедам Коркут”) қаҳрамонлик достонлари билан қиёслаб, уларни генетик ўхшашлигини қайд этади³. Шунингдек, кейинги йилларда корейсларнинг “Жумонг” достони ва “Алпомиш” достони қиёсий ўрганилмоқда. Бунинг исботи ўлароқ, 2014 йилда Жанубий Кореялик олима О Ин Кёнг “Алпомиш” ва “Жумонг” достонлари материаллари асосида ўзбек ва корейс қаҳрамонлик эпослари қиёсий таҳлилига бағишиланган докторлик диссертациясини ёқлади.

Аммо фолькоршуносликда юқорида тилга олинган достонларнинг ҳаммаси алоҳида достон сифатида қайд этилади ва “Алпомиш” достонлари қаторига қўшилмайди. Фақатгина ўзбек халқининг “Алпомиш”, қорақалпоқларнинг “Алпамис”, қозоқларнинг “Алпамис батир”, олтойларнинг “Алп Манаш”, бошқирдларнинг “Алпамиша ва Барсинхилу”, татарларнинг “Алпамиша ва довюрак Сандуғач” ҳамда Ғарбий Сибир татарларининг “Алп Мямшян” достонлари “Алпомиш” достонининг версиялари сифатида қабул қилинади.

Ҳатто қыргыз халқ достони “Манас” ҳам номланиши ва айрим сюжетларига кўра “Алпомиш”га, хусусан, олтойларнинг “Алп Манаш” достонига ўхшаса-да, достондаги воқеаларнинг мазмунан ўзгаргани учун

³ Жирмунский В.М. Эпическое сказание об Алпамыше и “Одиссея” Гомера. Известия АН СССР, 1957. – Т. XVI. – Вып. 2.

алоҳида асар сифатида қайд этилади. Дарҳақиқат, “Манас” достонида қаҳрамонлик қиссалари турли даврларни қамраб олган. Достонда қирғизларнинг она ватани саналган Олатовда, қирғиз хони Ногой хитойлар билан урушда енгилгач, унинг ўғли Жақип Олтойга сургун қилинади. Жақип у ерда қалмоқлар қўлида ишлашга мажбур бўлади ва ўша ердаги олтин конларида ишлаб бойиб кетади. Ўзининг каттагина чорваси ва мулкига эга бўлгач эса элни бирлаштириб ўз улусини тузади. Аммо Худо унга фарзанд бермайди. Худди “Алпомиши” достонидаги каби Жақип ҳам фарзанд илинжида муқаддас жойларни зиёрат қилиб, Худодан ёлвориб фарзанд сўрайди ва қурбонликлар қиласиди. Ниҳоят, унинг хотини ўғил туғиб, исмини Манас деб қўйишади. Манас тез улғайиб, донғи кетган саркардага айлангач, қалмоқлар ва хитойларни енгиб хонликни қўлга олади. Сўнг у она юртига қайтиб, Олатовни душманлардан озод қиласиди. Айнан шу сюжетларига кўра “Манас” достони “Алпомиши” достонига ўхшаб кетади. Манас номи ҳам шаклан олтойларнинг “Алп Манаш” достонидаги Манашибий номига мос келади. Бироқ, шундай бўлса-да, достондаги кейинги воқеалар гоҳ Олатов, гоҳ Хитойда рўй бера бошлайди. Манас гоҳ уйғурлар билан, гоҳи Афғонистон шоҳлари билан урушга киради. Сюжетлар бутунлай ўзгариб, достоннинг моҳияти ҳам ўзгариб кетади. Бундан ташқари, Манас ҳажм жиҳатидан ҳам “Алпомиши” достонидан анча катта ва кўп қиррали бўлиб, халқ достонлари орасида энг йириги ҳисобланади.

“Алпомиши” достонининг тарихи туркийларнинг энг кўҳна, турк хоқонликлари даврига бориб тақалади. Фольклоршунос олимларнинг гипотезалари ва достонларда келтирилган воқеалар таҳлилига кўра, Алпомиши достонларидаги воқеалар асосан икки давр: VI – VIII асрлар ҳамда XVI – XVII асрларни қамраб олган. Аммо бу ундан олдин “Алпомиши” достони бўлмаган, деган маънони бермайди. Чунки тарихий манба ёки факт-

нинг йўқлигини, халқ оғзаки ижоди намуналарига қўллаш унчалик ҳам тўғри эмас.

Алпомиш номидаги қадимги туркій ҳукмдор ва қаҳрамонларнинг унвони саналган “алп” сўзи ҳам достоннинг қадимилигидан дарак беради. “Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луготът турк” асарида “Алп” ботир маъносida келган. Шунингдек, Маҳмуд Кошғарий луғатида “алпағут” сўзи ҳам ишлатилиб, алпларнинг сифати саналтан бу сўз енгилмас маъносida қўлланилади⁴. Бундан кўринадики, “алп” сифати ҳамма ботирлар ёки ҳукмдорлар исмига қўшилмаган. Фақат бутун қўшин билан бир ўзи жант қилишга қодир бўлган, енгилмас жангчилар исмигагина “алп” сифати қўшилган.

“Алпомиш” достони қанчалик узоқ тарихга эга бўлмасин, уни илмий ўрганиш XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларига келибгина йўлга қўйилган. Бу Осиё халқлари, жумладан, туркій халқлар тарихи, тили ва маданиятини ўрганишга эътибор кучайган, ёзма адабиётлар, археологик ёдгорликлар қатори халқ достонлари ҳам кенг тадқиқ қилинаётган давр эди.

1890 йилда Евгений Фёдорович Каль илк бор “Алпомиш” достони ҳақида маълумот ёзib олган. У Термиз шаҳри яқинидаги Солиҳобод маҳалласида тўхтаб ўтар экан, ўзбекларнинг ойинни уруғи⁵ вакили Омонназар бахши қўйлаётган “Алпомиш” достонини тинглаб, буни ўз кундалигига қайд этади. Шу йиллари бошқирд фольклоршуноси Диваев Абубакр Ахматийан ули ҳам қорақалпоқ “Алпамис”ини жиров Жиемурат Бекмухamedов тилидан ёзib олган. 1899 йилга келиб эса қозоқ тилидаги “Алпамис” Қозон шаҳрида “Қиссаи Алфамиш” номи билан чоп этилади.

“Алпомиш” достонининг ўзбек версияси ўша даврда ҳам энг мукаммал ва кўп вариантили бўлгани ҳамда композицион тузилишининг мураккаблигидан келиб

⁴ Девони лугатиг турк. индек-луғат. Тошкент: Фан, 1967. 18-бет

⁵ Ўзбек уруғларидан бири.

чиқиб, уни чоп этиш учун кўп йиллар достоннинг қулай варианти ахтарилган. Улар орасида мукаммалроқ деб топилган, ўзбек халқ бахшиси Фозил Йўлдош сўзидан ёзиб олинган, 13715 мисрадан иборат “Алпомиш” достони 1922 йилда кўллёзма ҳолатига келтирилади.

ХХ аср 30-йилларининг охири, 40-йиллар бошлари га келиб, ўзбек этнологлари ва олимлари томонидан барча “Алпомиш” вариантлари кўриб чиқилгач, янги тадқиқотларга йўл очилади. Шу йиллари Ўзбекистон халқ шоири Ҳамид Олимжон муҳаррирлигидага “Алпомиш” достони рус тилига таржима қилинган.

“Алпомиш” достонларини тарихий-қиёсий ўрганиш ҳам шу йиллари анча ривожланади. Айниқса, В.М.Жирмунскийнинг 1943 йилда “Новый мир” журналида чоп этилган “Ўзбек халқ қаҳрамонлик достонлари: адабий-танқидий таҳлил” номли мақоласида достоннинг мазмун-моҳияти кенг очиб берилган. Жирмунский “Алпомиш” достонининг ўзбек, қорақалпоқ ва қозоқ версияларини қўнғирот версияси деб атаб, “Алп-Манаш” эпосини энг қадимги версия сифатида кўрсатади. Шунингдек, айнан шу мақолада олим “Одиссея” ва “Алпомиш” достонлари сюжетидаги ўхшашликларни инобатга олиб, мазкур достонлар тарихини милоддан аввалги VII асрга тегишли деб белгилаган.⁶

“Алпомиш” достонининг бошқирд, татар ва олтой версиялари мазмуни, ёзилиш услуби ҳамда сюжетига кўра бир-бирига жуда яқин бўлиб, улар ўзбек, қозоқ ва қорақалпоқ версияларига нисбатан кичикроқ достон саналади.

Достонлар ичida “Алп Манаш” достони кўпроқ архаик⁷ хусусиятга эга. Олтойларнинг исломни қабул қилмагани сабаб “Алп Манаш” достонида Манашибий шомонлик хусусиятлари билан гавдаланади. Ҳозирги

⁶ Жирмунский В.М. Эпическое сказание об Алпамыше и “Одиссея” Гомера Известия АН СССР, 1957. – Т. XVI. –Вып. 2

⁷ Архаик (от греч. archaikos – қадимий) – маълум бир тарихий ривожланиш жараёнларининг илк даври

кунда достоннинг Олтой халқ бахшиси Николай Улагашев тилидан ёзиб олинган варианти кенг тарқалган. “Алп Манаш”нинг бошқа достонларга нисбатан лингвистик жиҳатдан устунлиги шундаки, унда форсий ва арабий сўзлар бутунлай қўлланилмайди. Достон қуидаги тўлғовлар билан бошланади:

*Жаш ағаштари бўр сарғарбас,
Жашил кеен Алтайда,
Жайғи қуштари он сўрибас,
Жарашибирғалду кенг жерде
Тоғус тунгей қирлу
Тайға қўлтиғинда...⁸*

Таржимаси:

*Ёши дарахтлари ҳеч сарғаймас
Ям-яшил кенг Олтойда.
Турли қушлар сайраган,
Қўшиқлари кўп жойда,
Тўққиз тенгай тоғ ёнида
Тайғанинг қўлтиғида...*

Олтой халқ бахшиси Николай Улагашев варианти таҳлилига кўра, фольклоршунослар “Алп Манаш”ни туркйилар тарихининг олтой даври, айримлар ўғузларнинг шаклланиш даврида яратилганини қайд этади. Айрим тадқиқотчилар эса “Алп Манаш”да кечган воқеаларни VI асрга оид тарихий воқеалар билан боғлайди.

“Алп Манаш” достонининг бошқа версиялардан яна бир фарқи шуки, ундаги персонажларнинг исмлари бошқа версиялардаги исмлар билан деярли мос келмайди. Алп Манаш номи Алпомишдан кўра кўпроқ Манасга яқинроқ талаффуз қилинади. Достондаги Бойбароқ,

⁸ Н.У.Улагашев. Алып-Манаш. Алатайдинг битиктер чигарар издателствозининг Туулу Алтай бологу. 1985. 1-том. 7 стр

Эрмон чечан, Эрка кў, Кумужек Ару, Хон Чурекай, Оқсоч чол, Оқхон, Эрка Қорақчи, Оққобон, Желбеген одамхўр номларининг бирортаси бошқа версияларда учрамайди. Фақат Манашибийнинг отининг номланиши татар версиясидаги Алпамшанинг Ақбўзатига мос келади.

“Алп Манаш” достони шу пайтгача В.В.Радлов, Г.Н.Потанин, В.М.Жирмунский, Е.М.Мелетинский, С.С.Суразаков. Т.Садалова, Н.Тадина каби ўнлаб етук олимлар томонидан кенг тадқиқ қилинган. Достоннинг ёзиб олиниши ва оммалашшида эса Олтой халқ бахшиси, тўбалар аймоғининг қузен урути вакили Николай Улагашевнинг хизмати каттадир. Н.Улагашев болалигидан ўнлаб устоз кайчиларнинг⁹ достонларини тинглаб ўсади. Уларнинг изидан юриб достонларни ёд олади. Устозлари: юз урути вакили Қидир Ўтлиқов, овулларни кезиб достонлар айтиб юрувчи, сўққабош бахшилар Яймат бахши ва Қобақ Тадижеков, кўзи ожиз бахши Собақ Боченов каби ўнлаб кайчилардан олтой халқининг энг сара достонларни ўрганади ва эл орасида машҳур кайчи бўлиб танилади. Улагашев “Алп Манаш” достонини Яймат бахшидан ўрганган. Улагашевдан эса достонларни энг машҳур олтойшунослардан бири Павел Кучияқ, фольклоршунос Анна Гарф ҳамда Николай Куранаковлар ёзиб олган.

Достоннинг татар версияси “Алпамша ва довюрак Сандуғач” ҳам кичик ҳажмли асар бўлиб, бу эпос услуги ва тузилишига кўра эртак ёки ривоят жанрига яқинроқ саналади. “Алпамша ва довюрак Сандуғач” эпосида Алпамша етим подачи сифатида тасвирланиб, унинг отаси ва онаси ҳақида умуман маълумот берилмайди. Асар қўйидаги сўзлар билан бошланади: “Алпамша ярлы гашләдән чыккан бер малай була. Ул бик күп еллар көтү көтә”¹⁰ (таржимаси: Алпамша ерли(маҳаллий) оиласдан чиқкан бир малай (хизматкор) бўлади. У узоқ ийллар мол боқиб юради.)

⁹ Кайчи – олтойлар бахшини кайчи (куйчи) деб атайди.

¹⁰ Татар халък ижаты: Экиятлэр. Казан, 1977. 1-китап. 268-б.

Эпосда Барчин ўрнида Сандуғач¹¹, образи құлланылады. Сандуғачнинг синглиснинг исми эса Қарлуғаш бўлади. Қултойнинг исми Қилтап шаклида қўлланылади. Қилтап образи ўзбек, қорақалпоқ ва қозоқ версияларидаги каби подачи эмас, аксинча, ўзга юртнинг шоҳи, “Алпамша”нинг рақиби сифатида гавдаланади. Эпосда Сандуғоч довюрак, жасур аёл сифатида тасвирланади. У Қилтап билан бўлган жангларда Алпамшанинг ўрнига якка ўзи жангти кириб, қаҳрамонликлар кўрсатади. Алпамша эса аксинча, эринчоқ, уйқучи ва ялқов сифатида гавдаланади. Шунинг учун эпос “Алпамша ва довюрак Сандуғач” деб номланган бўлса ажаб эмас. Эпос А.Валирова, Ф.Урманче, Ф.Эхмэтова, М.Закиев, М.Бакиров, Т.Галиуллин, М.Гайнетдин, Л.Мухаметзянова каби олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

“Алпамиша ва Барсинхилу” версияси ҳам ўзига хос бўлиб, ундаги персонажлар бошқа достонлардаги персонажлардан характерига кўра бирмунча фарқланади. Достонда татар версиясидан фарқли ўлароқ, Алпамиша – ўзбек, қорақалпоқ ва қозоқ версияларидаги каби отонасининг узоқ куттан фарзанди бўлиб дунёга келади. Қултой образи ўрнида эса асарда Қўлтоба исмли қаҳрамон қатнашади. Аммо “Алпамиша ва Барсинхилу”даги Қўлтоба бошқа версиялардагига нисбатан анча мураккаб образ. Чунки Қўлтоба достонда гоҳи подачи, гоҳи Алпамишанинг тахтини эгаллаб олган душмани ўрнида гавдаланган.

“Алпамиша ва Барсинхилу” достони биринчи марта XIX аср охири – XX аср бошларида А.Г.Бессонов томонидан халқ баҳшиларидан ёзил олинади. Шундан сўнг бошқирдлар яшовчи турли ўлкаларда олиб борилган изланишларда М.А.Бурангулов, С.А.Галин, К.Мэргэн, С.Ф.Миржанова, М.М.Сагитов, С.Г.Сафуанов, Н.Д.Шункаров каби фольклоршунослар томонидан “Алпамиша”, “Алтиешер Алпамиша” каби достоннинг бошқа варианatlари матни ҳам қофозга туширилган.

¹¹ Сандуғоч – булбул.

Бошқирд ва татар халқлари исломни қабул қылган, “Алпамиша ва Барсихилу” ҳамда “Алпамша ва довюрак Сандуғач” достонларида арабий ва форсий сүзлар күп қўлланса-да, исломий элементлар жуда кам учрайди.

Олтой, бошқирд ва татар версияларида Бойсун топоними ва қўнғирот этноними бутунлай тилга олинмаган. Қалмоқлар ҳам душман сифатида кўрсатилмайди. Шунингдек, ҳар учала достонда ҳам Бойбўри ва Бойсари антропонимлари ўрнида бошқа номлар келади. Аммо татар ва бошқирд лексиконида ушбу исмлар кенг қўлланганини инобатга олсак, балки “Алпамша” эпосининг илк варианларида ҳам Бойбўри ва Бойсари образлари бўлганини тахмин қилиш мумкин.

Достоннинг қозоқ, қорақалпоқ ва ўзбек тилидаги версиялари эса олдинги учтасига нисбатан ҳажми жиҳатидан каттароқ ва мураккаб тузилгани билан фарқ қилиб, уларда ислом динининг таъсири кўпроқ сезилади. Шунингдек ҳар учала достонда ҳам Алпомиш қўнғирот уруғидан экани, персонажларнинг нағоз ўқиши ва исломий қадамжоларни зиёрат қилиши каби ҳолатларга кўпроқ аҳамият берилган.

Қозоқ тилидаги “Алпамис батир” достони тарихийлиги, исломийлиги, мантиқийлиги ва сюжет жозибадорлиги билан ажralиб туради. Достон туркий назмнинг содда ва ёқимли ритми билан бошланади:

*Бурунғи ўткан заманда,
Дин мусилман аманда,
Жидели Байсин жеринде,
Қонгират деген элинде
Байбўри деген бай болти,
Тўрт тулиқ¹²и сай болти¹³.*

¹² Тўрт тулиқ – чорванинг тўрт тури: тұя, йилқи, қора мол ва қўй

¹³ Фабдуллин М., Сыдықов Т. Қазақ халқының батырлық жыры, Алматы, 1972.

“Алпамис батир”нинг илк мисраларидан маълум бўладики, достонда ислом динига кенг эътибор берилган. Бундан ташқари, Бойбўри ва Аналиқнинг фарзанд илинжида Хожа Аҳмад Яссавий, Ҳазрат Шашти Азиз ва Бобо Ота мақбараларини зиёрат қилиши ҳам исломга бўлган эътиборни билдиради. Шунингдек, ўзбек версиясидан фарқли ўлароқ, достонда Бойсари исми Сарибой шаклида кўлланилган ва улар бир-бири билан ака-ука эмас, қалин дўст бўлишган. Улардан бири Жидели Байсинда кўнғирот уругининг, иккинчиси Шекти юртида яшовчи шекти уругининг сардори. Сарибойнинг қалмоқлар юртига кетиши ҳам, ўзбек версиясидан фарқ қилиб, у агар Алпомиш ўлиб қолса, қизим беникоҳ туғилган Ултанга қолмасин, деган ўй билан юртдан кетиб қолади. Бу ҳолат қозоқларда ҳанузгача сақланиб келаётган амангерлик, яъни левират¹⁴ никоҳнинг ўша даврларда ҳам бўлганини билдиради. Қадимдан туркий халқларда левират ва экзогам¹⁵ никоҳга катта эътибор берилганини инобатга олсак, достондаги ушбу ҳолатлар Алпомиш эпосининг аслиятига яқинроқ кўринади. Маълумки, левират ва экзогам никоҳга эътибор бериш туркий халқлар исломни қабул қилгач, аста-секин унутилиб борган.

“Алпамис батир” достонидаги яна битта фарқ Ултан образи билан боғлиқdir. Ушбу версияяда Ултан Бойбўрининг эмас Қултайнинг беникоҳ туғилган фарзанди бўлади. Бойбўрининг узоқроқ қариндоши бўлган Қултай қўл остидаги хизматкорларнинг биридан туғилган боласини бефарзанд амакисига тортиқ қиласди.

“Алпамис батир” достонининг айтувчилари, яъни баҳшиларнинг кўпчилиги Жанубий Қозоғистон худудларида яшаган. Шунинг учун Жанубий қозоғистонлик

¹⁴ Левират (лотинча Levir – қайни, қайнаға) – қозоқча Амангерлік – аёлнинг эри вафот этса, эрининг акаси ёки укасига никоҳланиши.

¹⁵ Экзогамия (этн) – (юнонча εξω, echo – ташқарида + γέμος – никоҳ) ўз қабиласидаги, уруғидаги кишига уйланиш ёки эрга тегишни ман қилувчи урф-одат.

С.Ақжоқаев, А.Байтурсынов, Е.Керимбетов, А.Нисанов, Ж.Жақыпов каби оқин-жировлардан ёзib олинган версиялари эл ораси жуда машхур. Аммо улар орасида Султанбек Ақжоқаевдан ёзib олинган версия мұкаммалроқ ва сүзга бой бўлгани учун кўпроқ оммалашган.

“Алпамис батир” илк марта қозоқ этнографи ва шоири Жусипбек Шайхисламули томонидан ёзиб олиниади. Кейинроқ достоннинг бошқа вариантила-ри ҳам Ж.Бекмухамедова, Е.Ахметбековалар томонидан қофозга туширилган. М.Габдуллин, Х.Жумалиев, М.Ауэзов, С.Сейфуллин, Н.Смирнова каби олимлар достон устида тадқиқотлар олиб боришиган.

Қорақалпоқ халқининг “Алпамис” достони ҳам ҳажмининг катталиги, тузилиши ва сюжетига кўра бошқа достонлардан анча фарқ қиласди. Мазкур достонда илк марта қўнғирот этносининг таркибига кирувчи субэтнос тилга олиниб, Алпамиснинг қўнғирот элига қарашли ирғақли уруғидан экани айтилган.

*Ертедеги эййем заманда,
Ол заманнинг қадиминде,
Жийдели Байсин халқинда,
Қонгират деген ел еди,
Руӯи еди ирғақли¹⁶ (ырғақлы)*

Н.Г.Алламбергенованинг “Алпомиш” достони ўзбек, қорақалпоқ версияларида бош қаҳрамон шажараси ва “қўнғирот” этноними талқини” номли мақоласида келтиришича, достоннинг учта вариантида қаҳрамонлар мансуб бўлган уруғ “ирғақли”, тўрттасида “қўнғирот”, фақат биттасида Бойбўри “ойдинли”, Бойсари “эрбилек” уруғи вакили экани айтилган.¹⁷ Қорақалпоқ версия-

¹⁶ Қарақалпақ фольклоры. Алпамыс. Қарақалпақ баспасы. Нокис.1981. 9-бет.

¹⁷ Н.Г.Алламбергенова. “Алпомиш” достони ўзбек, қорақалпоқ версияларида бош қаҳрамон шажараси ва “қўнғирот” этноними талқини. Илим хам Жамийет журнали. Нукус. 2019. 3-сон 59-бет.

сида ҳам қозоқ версиясидаги каби Бойбўри ва Бойсари ака-ука әмас, дўст бўлади. Шу сабаб уларда ҳам ўзаро қудалашиш учун экзогам никоҳга монъелик қилувчи ҳеч қандай элементлар кўринмайди. Бундан маълум бўладики, достоннинг қозоқ ва қорақалпоқ версиялари этник хусусиятларига кўра бир-бирига яқинроқ.

“Алпамис” достонида Байбўри ва Байсари орасидаги муносабат бошқа версиялардан фарқ қиласди. Улар фарзанд истаб, муқаддас қадамжоларга бормайди, пирлардан ҳам мадад сўрамайди. Улар фақат Аллоҳдан фарзанд сўраб, тез орада иккисининг ҳам аёли ҳомиладор бўлади. Бу ҳолат достонда куйидагича тасвирланган:

*Ашилар тавдинг гияси,
Жайилар байдинг түйеси,
Бизлер ўлсек, жўражсан,
Себил қалған Байсиннинг,
Ким бўлади ийеси?
Ендиғи қалған ўмирде,
Қудайдан нийет етейик.*

Шу тариқа икки дўст Худодан ният қилиб сўраб, бири ўғил, бири қизли бўлгач, қудалашишни ният қилишади.

Бошқа версияларда қўли очиқ ва саховатли инсон сифатида тасвирланган Байбўри бу достонда зиқна одам сифатида тасвирланади. Улар фарзандли бўлгач, Байсари қиз фарзанд кўрган бўлса ҳам дарров элга эҳсон сочиб, тўй беради. Аммо У Байбўрини қанча унда-са ҳам шукrona тўйини ўтказмайди. Ниҳоят, Алпомиш етти ёшга тўлгач, Байбўри элга тўй бериб, тўйда Байсарини кўп изза қиласди. Кўпкари ўйинида улар бир-бири билан аразлашиб, Байсари аччиқ устида юртни ташлаб, Тайшихан ерларига кетиб қолади.

“Алпамис” достонининг Қалли Айимбетов томонидан 1934 йилда ёзиб олинган варианти машҳурдир.

Бундан ташқари, Ж.Бекмухаммедов, Е.Нурабуллаев, Х.Ниязов, Т.Тўрениязов каби ўнлаб оқин-жировларнинг варианatlари ҳам кенг тарқалган. Достон И.Т.Сағитов, Н.Давқараев, Қ.Айимбетов, Қ.Мақсетов, С.Баҳадирова, Ж.Хошниязов, К.Алламбергенов, Н.Алламбергенова ва бошқа олимлар томонидан етарлича тадқиқ қилинган.

“Алпомиш” достонининг ўзбек версиясида маданий ва лингвистик синкремтизм¹⁸ кўпроқ учрайди. Унда ислом, сўфиийлик ва бошқа анъанавий эътиқод шакллари қоришуви яққол кўзга ташланади. Достонда илк бора Алпомишга Ҳакимбек деб, нотуркий исмнинг қўйилиши кўпчилик тадқиқотчилар эътиборини тортган. Қолаверса, Шоҳимардон пир образи, форсий достонлар қаҳрамони Рустами достоннинг тўқсон алпининг боши, деб айтилиши ҳам достонни туркий халқлар оғзаки ижоди мезонларидан анча узоқлаштиради.

Достон асосан ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасида айтиб келинган бўлса-да, унда арабча ва форсча сўзлар бошқа версияларга нисбатан кўпроқ учрайди. *Фарзанд, марака, пир, равза, зулфакдор, малак* каби сўзларнинг оғзаки матнда ҳам учраши бахшиларнинг Бухоро хонликлари даврида шаклланган ўзбек тилида сўзлашганидан дарак беради.

Достондаги закот воқеаси ҳам бошқа версияларда учрамайди. Ушбу воқеа сабаб икки ака-уканинг юз кўрмас бўлиб кетиши эса ўша даврда халқнинг ислом руқнларини тўғри қабул қилолмаганидан ёки диний синкремтизмнинг вужудга келганидан далолат беради. Шундай бўлса-да, ўзбек “Алпомиш”и варианtlарининг кўплиги, мазмундорлиги ва бадиий мукаммаллиги билан ажralиб туради.

Ўзбек “Алпомиш”и энг кўп тадқиқ қилинган версия бўлиб, бунда Ҳоди Зариф, Фози Олим Юну-

¹⁸ Синкремтизм (греч. *synkretismos* — қўшилиш, қоришиш) — турли маданият, дин, қадрияллар ёки тилга оид элементларининг қоришуви.

сов, Ҳамид Олимжон, М.Афзалов, Музайяна Алавия, З.Хусайнова, М.Саидов, Баҳодир Саримсоқов, Тўра Мирзаев, Маматкул Жўраев, Шомирза Турдимов, Жаббор Эшонқул, Н.Мадраҳимова каби фольклоршунос олимларнинг хизматлари бекиёс.

Достонни Йўлдош бахши, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир, Пўлкан шоир каби ўнлаб бахшилар куйлаб, авлодларга мерос қолдириб келган. Алпомиши" достонининг бадиий жиҳатдан энг мукаммал вариантини 1928 йилда ўзбек фольклоршуносларининг устози Ҳоди Зариф раҳбарлигига Маҳмуд Зариф Фозил Йўлдош ўғлидан икки ой давомида тўлиқ ёзib олади. Бугунги кунда достоннинг Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Фарғона ва Тошкент вилояти бахшилари томонидан куйлаб келинган қирқдан ошиқ варианти овозли ва ёзма матнларда сақланиб қолган. Фольклоршунос олим, филология фанлари доктори, профессор Тўра Мирзаев улардан ўттиздан зиёдини яхлит тизим сифатида монографик тадқиқ этган.

"Алпомиши" достони туркий халқлар версиялари бирбиридан қанчалик фарқ қилмасин, бу фарқлар достонлардаги умумий хусусиятлардан устунлик қилолмайди. Уларнинг барчасида Алпомиши – юрт озодлиги ва халқ манфаати учун курашувчи ботир-алп сифатида гавдаланган. Қаҳрамонлар ўз муҳаббати, оиласи ва элнинг шаъни учун курашади. Достонлардаги умумийликлар айниқса сюжетларда яққол кўринган. Мисол учун, Алпомишининг камони борлиги ёки унинг ўрага ташлашиш воқеаси ҳамма достонларда деярли бир хил мазмунда тасвирланади. Аммо камоннинг вазни ва ўрадан қутқарилиш воқеаси бир мунча фарқланади. Шунингдек, Алпомишининг ухлаб қолиш воқеаси ҳам турлича бўлиб, бошқирд, олтой ва татарча вариантларида Алпомиши ўз-ўзидан чарчаб ёки зерикишдан ухлаб қолади. Ҳатто олтойча версиясида Алп Манашибнинг бобоси,

унинг отаси Бойбароқни, қизи Эрмон чечанни ўғирлаб кетгани учун “боланг катта бўлиб қучга тўлгач, бир йил қаттиқ ухлаб қолсин” деб қарғагани айтилиб, шу қарғиш сабаб Алп Манаш айни Оқхоннинг юртига етганда ухлаб қолади.¹⁹ Ўзбек, қозоқ ва қорақалпоқ вариантларида эса Алпомиши заҳарланиб ёки мастиликдан уйқуга кетади.

“Алпомиши” достонларидағи умумийлик достон қаҳрамонининг оти, унинг танланиши ва номида ҳам кўринади. Ўзбек, қорақалпоқ ва қозоқ версияларида отлар номи бир хил, “Бойчибор” деб номланган. Фақат ўзбек тилидаги “ч” товушининг “ш” тарзида талаффуз қилиниши ҳисобига қозоқ ва қорақалпоқ тилларида “Байшубар” дея талаффуз қилинади. Бойчибор номининг этимологиясига эътибор берсак, бу ном “бой” ва “чибор” сўзлари бирикмасидан ҳосил бўлиб, “бой” туркий тилда бой, эга, эр, тўқинлик маъноларида келади. “Чибор” ўзбек адабий тилида, чипор тарзида талаффуз қилинади ва ола, чаекар маъносида қўлланилади. Ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасида “чипор”, “чибор” шаклида талаффуз қилинади. Шунинг учун достонда қўнғирот диалекти талаффузидаги аслий ном “Бойчибор” сақлаб қолинган. “Бойчибор” номи “Алп Манаш”да ва “Алпамша”да “Ақбўзат” шаклида келади. Агар “бўз”нинг кўк рангни англатишига эътибор берилса, бу номлар ҳам отнинг “чипор”сифатига мосдир. Қолаверса, “Алп Манаш” достонида:

*Бар-чоқур атқа минген
Байбарақ дегеен баатир журтуду.
Таржимаси
Ола-чипор отга минган
Бойбароқ деган ботир яшади.*

¹⁹ Н.У.Улагашев. Алып Манаш. Тулу Алтай, Алтайдынг бичиктер чигарар издательвозы, 1985. стр-9.

Ёки

*Ақ-боро атқа минген
Алп Манаш баатир болду.
Таржимаси
Оқ-бўз ола отга минган
Алп Манаш ботир бўлди, –*

деган мисралар бўлиб, бундаги “бар-чоқур” ўзбек тилида “чипор” маъносини “ақ-боро” эса “оқ ва қўк ола” маъносини беради. Аммо “Алпамиша ва Барсинхилу” достонида Алпамишанинг оти “Қолеран” деб номланниши бу қаторга унчалик мос эмас. “Қолеран” аслида бошқирд тилида бошқача талаффуз қилинади:

*Қолтәба ағай, Қолтәба ағай,
Қолйерәнеч бирсе, ағай,
Бирсе, ағай!*

Алпамиша Қўлтобадан Қолеранни сўрагандан айнан шундай “Қолйерән” деб талаффуз қиласди. Бироқ “Алпамиша ва Барсинхилу”да Ақбўзат ёки Бойчибор номи келмаса-да, бошқирд халқ эпослари орасида алоҳида “Ақбўзат” номли эпос сақланиб қолган.

Достонлардаги умумийликлар “Барчин”, “Қарлуғоч”, “Қултой” номларида ҳам кўринади. *Барчин* исми бошқирд вариантида *Барсин(хилу)*, қозоқ ва қорақалпоқ вариантида *Баршин*, (*Гул*)*баршин* шаклида келиши улар орасидаги фонетик фарқ билан биргага, умумий хусусиятни ҳам кўрсатади ва сўзнинг этимологиясини очиб беришга имконият яратади. Бошқирд версиясидаги “барсин” сўзи “барс” ўзагидан олинган. Бу сўз этимологиясини ўрганиш шуни кўрсатадики, “барсин” қадимги туркий тилда мавжуд бўлган “барс” зооними билан боғлиқдир. “Барс” асли туркий сўз бўлиб, бу ҳақда Макс Фасмернинг этимологик луғатида “барс” сўзи ёввойи ҳайвон номи экани келтирилади ва олим сўзнинг келиб чиқиши туркий экани ва “қоплон” маъносини беришини *туркман*, *хива*, *қадимги*

турк, уйғур, татар тилларида қўлланилишига кўра тасдиқлаб ўтади.²⁰

Ўзбек, қозоқ ва бошқирд тилларининг компаративистик таҳлиллари шуни кўрсатдики, Барсин исми ҳам антропоним сифатида барс ўзагидан олинган бўлиб, ўзига шаклан ўхшаш *Балхин ва Ёрқин* (қипчоқ вариантида *Жорқин*) исмлари – балхлик аёл ва ёргу юзли аёл маъносини бергани каби барсдек, қоплондек аёл маъносини беради.

Халқ оғзаки ижодида сўзларнинг фонетик ўзгариши кўп кузатилган. Чунки оғзаки ижодда асл сўзларнинг сақланиши учун ёзма манбалардаги каби ўзгармаслик имконияти йўқ. Шундан хulosса қилинса, Барсиннинг қозоқ тилида *Баршинга*, ўзбек тилида *Барчинга* айланиши оддий фонетик ўзгариш ҳосиласи экани маълум бўлиб, бу туркий тилларнинг ўзига хос фонетик хусусиятига тўла мос келган.

Шу ўринда талафузда туркий тилдаги “с”, “ш” ва “ч” ҳарфларининг ўзгаришини айнан бошқирд, қозоқ ва ўзбек тили мисолида ҳам кўриш мумкин:

№	Бошқирдча сўзлар	Қозоқча сўзлар	Ўзбекча сўзлар	Рус тилида мазмуни
1	Сәй	шай	чой	чай
2	Эскән	ишу	ичмоқ	пить
3	Сәс	шаш	соch	волос
4	суртан	шортан	чўртан	щука
5	Барсин	Баршин	Барчин	исм

“Алпомиш” достонларини тарихий-қиёсий ўрганиш яна шуни кўрсатдики, уларда сюжет, воқеалар ривожи, қаҳрамонларининг исми, касби корига кўра фарқлар жуда кўп бўлса-да, бу уларнинг моҳиятига деярли таъсир қилмайди.

²⁰ Барс. барыс (корень) – Макс Фасмер. Этимологический словарь русского языка. Москва, Прогресс, 1986. Стр-128.

Күйидеги жадвалда достондардаги қаҳрамонларнинг исмлари көлтирилган:

т/р	Достон номи	Боп қаҳрамон	Огаси ва онасининг исми	Сингили-сининг исми	Севи-лисдининг исми	Үғли	Севигиси ота-онаси	Оги	Дүшмани
1	“Алпомиш” ўзбек версияси	Алпомиш	Огаси: Байбұры, Онаси: Кунтугумыш	Қалдиғоғ	Барчин	Ёңтор	Отағы: Бойсари	Бойчыбор	Ултон тоз, Тойлахон
2	“Алпамис” қозоқ версияси	Алпамис	Огаси: Байбұры, онаси: Аналық	Қарлуғаш	Гулбар-шин	Жадидер	Отағы: Сарыбай	Бойшубар	Ултан, Тайшиқхан
3	“Алпамис” қоракалпок версияси	Алпамис	Огаси: Байбұры, онаси: Ақбилақ	Қансулұв	Гулбар-шин	Жадидер	Отағы: Байсари Онаст. Жантiles	Байшубар	Ултан Тайшиқхан, Караман
4	“Алпамиша мен Барсын-хилу” Баш-Кирдіверсияси	Алпамиша	Огаси: Ақкубакхон	Қарлуғаш	Барсын-хилу	Айдар	Айлархон	Колеран	Күлтоба, Бұдярхон
5	“Алпамша” Татар версияси	Алпамша	- (Алпампа етим)		Сандугач	-	Огасининг исми берілмаган	Ақбұзат	Қылтап
6	“Алип Манағаш” Олтой версияси	Манағаш	Огаси: Байзарқ, Онаси: Эрмөн Четан	Эрка КҮ	Күмүжек АРУ	-	Отағы: Киргизхон	Ақбұзат	Оқхон ва Оққобон

“Алпомиш” достонларининг яна бир ўзига хос хусусияти топонимлар билан боғлиқ. Айниңса, ўзбек, қозоқ ва қорақалпоқ версияларида Алпомишнинг ватани сифатида тилга олинадиган Жийдали Бойсун топоними олимлар орасида ҳар доим баҳс ва мунозараларга сабаб бўлиб келган. Жумладан, қозогистонлик этнологлар томонидан келтирилган манбаларда Жийдали Бойсун ва Жер Уюқ топонимларига нафакат достондаги оддий жой, балки миллат бирлиги таъминланган, адолат қарор топган жаннатмонанд ер сифатида қаралган²¹. Чунки Жийдали Бойсун атамасини “Алпомиш” достонидан ташқари туркий халқларнинг улуғ шоирларидан бири, файласуф Асан Қайғи²² ўз асарларида тилга олар экан, уни одамларнинг асрий орзуси бўлган “отамакон” сифатида тасвирлайди.

Бугунги кунда этнолог олимлар достондаги Бойсун топонимини республикамизнинг Сурхондарё вилоятида жойлашган Бойсун тумани номи билан боғлашади. Буни Қозогистонлик этнолог олимлар ҳам эътироф этишади. Аммо шу ўринда айтиш керак, қозоқ тилидаги “Алпамис Батир” достонида “Жийдали Бойсун” – “Жидели Байсын” шаклида келади. Агар *Бойсун*, *Байсин*, *Байсын* шаклидаги сўзларни бир хил, деб қўллайдиган бўлсак, Байсын овули Қозогистон Республикаси, Қизилурда обласи, Чияли туманида ҳам мавжудлигини инобатга олиш даркор. Қолаверса қозоқ халқида Байсин антропоним сифатида ҳам кенг қўлланилади ва ҳозирги кунда ҳам Қозогистонда минглаб фамилияси *Бойсынов* бўлган кишиларни топиш мумкин. Жи-

²¹ Д.А.Алибековна. Феномен утопии в казахском миропонимании: историко-философский анализ. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата философских наук Республика Казахстан. Алматы, 2007. Стр. 16.

²² Ҳасан Қайғи, Асан Қайғи (1460 йил в.э.) – файласуф, оқин, шоир, давлат араби. Улуғ Муҳаммад даврида Сарой ва Қозонbekларидан бўлган. Ижоди Хоразм ўзбеклари, қорақалпоқ ва қозоқлар орасида кенг тарқалган.

дели Бойсун топоними достоннинг бошқирд, татар ва олтойча варианларда тилга олинмайди. Аммо татар, бошқирд, шунингдек, қирғиз халқыда ҳам *Байсин* ёки *Байсын* исми күп учрайди. Шунингдек, Россия Федерациясининг Тверь ўлкаси таркибига киругучи, Қозон-Екатеринбург йўналишидаги Октябрск туманида ҳам 1668 йилдан Байсин қишлоғи мавжуд бўлгани ва бу қишлоқ айнан Кўнғир ўрмон-дашти яқинида эканини инобатга олсақ, Бойсун топонимининг географияси анча кенг экани маълум бўлади.

“Алпомиш” достони версияларидаги этнонимларнинг қўлланилишида ҳам жуда кўп умумийлик ва фарқлар мавжуд. Уларнинг орасида энг кўп тилга олинадиган этнос, албатта бу – қўнғирот этноси саналади. Кўнғирот этноси билан боғлиқ умумийлик асосан ўзбек, қорақалпоқ ва қозоқ варианларига хос бўлиб, улар фақат талафуз қилинишидаги маълум фонетик ўзгаришлар билангида фарқланади. Аслида, кўнғирот сўзи қипчоқ тили талафузида қоңырат ёки ташдидланган “ң” билан қоңырат шаклида талафуз қилинади. Бошқирд, татар ва олтой версияларида қўнғирот уруғи тилга олинмаган. Шунингдек, қалмиқ ёки қалмоқ этнонимлари ҳам фақат ўзбек, қозоқ ва қорақалпоқ версияларидагина учрайди. Жумладан, қозоқ варианларида жунгор этноними ҳам тилга олиниади.

Достондаги қалмоқ, жунгор этнонимлари билан бирга Тайчахон номининг тилга олинганига эътибор берсак, “Алпомиш” достони мазмунига XVI – XVII асрларда ҳам ўзгаришишлар киритилганини кўриш мумкин. Чунки мусулмон туркийларнинг ойротлар таркибига бирлашган қалмоқ, дербэт, кўкнор, хўшоут ва бошқа қабилалар билан урушлари даври айнан XVI – XVII асрларга тўғри келади. Шунинг учун мазкур урушлар даври жунгорлар таркибида бўлган олтойларнинг “Алп Манаш” достонида ушбу этнонимлар учрамайди.

Қалмиқлар тарихини ўрганиш шуни кўрсатадики, улар ҳозирги Қалмиқия ерларига ҳам айнан XVII асрларда борган, унгача эса Шимолий Қозогистон ва Шарқий Сибир ҳудудларида яшаган. Демак, “Алпомиш” достонидаги воқеалар маълум бир тарихий воқеликларни ўзида акс эттиради. Қолаверса, Марказий Осиё ва Сибир ҳудудларида Қалмақ қирилған, Қалмақ қирғин каби то-понимларнинг шу кунгача сақланиб келаётгани ҳам достонларни тадқиқ қилишда янгича қарашларни юзага келтирмоқда.

“Алпомиш” достони версияларидағи қалмоқ этнонимининг таҳлили яна бир муҳим хулосанни келтириб чиқаради. Достоннинг ўзбек, қозоқ ва қорақалпоқ версияларида айнан қалмоқлар ва жунғорлар ёт ҳалқлар сифатида тасвирланган. Қалмоқ (қалмоқча хальмг, хальмгуд; мўғулча халимаг) этноси мўғул ҳалқларининг ойрот гуруҳига киради. Мўғул ҳалқларининг бирортасида, на мўғул, на бурят ва на қалмоқларда “Алпомиш” достони ёки унга яқин бўлган достон бор. Мўғул достонлари ҳар жиҳатдан, тили, этнологияси, сюжети ва айтилиш услугуга кўра ҳам туркий достонлардан фарқ қиласди. Мўғулшунос Н.Н.Поппенинг таъкидлашича: “Бизгача етиб келган мўғул эпосларида асосан кўчманчи феодализми аристократиясининг доҳийси Чингизхон сиймоси ижобий образ сифатида гавдаланган”²³. Уларда асосан Чингизхон аждодлари ва авлодлари билан боғлиқ воқеа ва ҳодисалар тасвирланиб, этнослар орасида туркий уруғлар, хусусан, қўнғирот этноними учрамайди. Демак, бундан хулоса қилиш мумкинки, “Алпомиш” достонини сақлаб келаётган ҳалқлар мўғул ҳалқларига на тил, на этник жиҳатдан яқин эмас, аксинча, соф туркий ҳалқлардир.

“Алпомиш” достони инсоният тарихининг илк дав-

²³ Н.Н.Поппе. Халха-монгольский героический эпос. Издательство Академии наук СССР. Москва, 1937 . Стр-5.

ларидан шаклланган мерос саналади. Шунинг учун узоқ ўтмишдан шу кунгача етиб келган бу улкан мерос версияларининг сюжети ва ундаги воқеаларнинг тасвирланишига кўра ўзгаришларга учраганини табиий ҳол сифатида қабул қилиш мумкин. Энг асосийси эса, орадан асрлар ўтса-да, бу достон ўз мазмуни ва моҳиятини ўзгартиргани, ҳамон ёш авлодни тарбиялашда, уларда инсон камолоти учун зарур бўлган қаҳрамонлик, ботирлик, жўмардлик каби хислатлар, шунингдек, меҳнатсеварлик, аҳиллик, ҳалоллик каби ахлоқий сифатларни шакллантиришда кўмак бериб келаётгани қувонарлидир.

“Алпомиш” – миллий ўзликни англаш, миллий тикланиш ва миллий юксалиш достонидир. Алпомиш достонини ўқиган ҳар бир инсон, қадим наволар, баёзлар ва созларларнинг сеҳри, содда ва равон туркий тилнинг түғёнларини қалбида ҳис қиласи. Қадим элнинг урф-одатлари, қадриятлари этник сийрати, тийнатини англаб, ўзида миллий ғурур ҳиссини туюди. Шу ҳис билан яшаб, улғайиб, юксалиб боради.

Анвар Бўронов

АЛП МАНАШ

Олтой халқ достони

Үрмөнлари доим яшил, кенг бепоён Олтойда²⁴, түккіз тенгай тоғ ёнида, Тайғанинг²⁵ құлтиғида, түккіз турда тусланган Қоракүл²⁶ қирғоғида, қушлар тинмай сайраган, баҳшилари күп жойда, Еру Осмон билан тенг яралған үрмөнлар түлғоғида, ола қоплондек от сурувчи Бойбароқ ботир туғилди. У қоплон каби абжир бўлиб ўсади. Эл ичидә олачипор от миниб, донг таратди. Курашларда елкаси ер кўрмади. Унинг икки кўзи ораси ўттиз қўй ўтласа, икки елкасининг орасида ўттиз айғир ўтса бўладиган даражада кенг эди. Бойбароқнинг қошлиари тайғанинг үрмөнидан ҳам қалин, кўзлари юлдузлардай ёрқин, тишлари мисдай ўтқир, қиличи кескир эди.

Тонг юлдузидан гўзал Эрмон Чечан туғилганда эса ой ва юлдузлар нур таратиб, дунё нурафшон бўлди. У қамишдай тез ўсиб улғайди. Болалигиданоқ чопқириликда отларни ортда қолдирди.

Кунлардан бир кун Бойбароқ Эрмон Чечаннинг олдига бориб, ўнг тиззада чўйкалади, сулув қизнинг қўлларини қаттиқ сиқиб, тишлари орасидан қатъий овоз чиқариб деди:

– Энди биз абадий ажралмаймиз!

– Албатта, бирга бўламиз! – жавоб қилди Эрмон Чечан отта мингашиб. Шу он Бойбароқ метиндай Олачипор отига қамчи босди. Улар довул бўлиб кетдилар. Эрмон Чечаннинг оқсаб қолган отаси уларни қувиб

²⁴ Олтой – бу ерда “Олтой” топоними остида қадимдан шундай номланиб келган тоғли, үрмөнли, ярим чўл ва тундрадан иборат жуда катта худудлар назарда тутилган.

²⁵ Тайға (тайга) – Шимолий мұтадил зонанинг географик пастки қисмларида асосан арча, қарағайнинг бореал турлари билан қопланған үрмөнли худудлар.

²⁶ Қоракүл - Олтой Республикасидаги энг гўзал кўллардан бири. Бағаташ довони тагида, Бий ва Хотун дарёларининг бўлининш жойида жойлашған. Қоракүлдан Тўра дарёси ажралиб чиқади. р.

етолмади, дардини айта олмади, ортга қайтаролмади. Улар бир ўғил, бир қызы фарзандли бўлишди. Ўғлига Алп Манаш, қизига Эрка Кў, деб исм қўйишди.

Йил ўтиб Бойбароқ ботир эски юртига келди, тўғри Эрмон Чечаннинг отасиникига бориб, елкасидан янги овланган қоплонни ерга, чолнинг оёқлари остига ташлаб деди:

– Эй чол агар хоҳласанг мени мана шу қоплондайин ўлдир. Сенинг Эрмон қизингни мен олиб кетдим. Қизинг менга ўғил туғиб берди, отини Алп Манаш қўйдим.

Ота дийдаси қотиб йиғлади... Ёмон тилак тилади.. “Боланг катта бўлиб кучга тўлгач, бир йил тўлиқ ухлаб қолсин”, деб қарғанди. Бу унинг бир йил фарзандидан ажралиб, хат-хабарсиз қолгани учун күёвига аччиғи бўлди.

Орадан йиллар ўтиб Алп Манаш улғайди. У бобосини кўрмай ўсади. Бобосининг дуосидан бехабар бўлди. Бойбароқ ва Эрмон унга қайлиқ топишиди. Улар ўғилларига Қирғиз хоннинг Кумужек Ару исмли маржондай қизини келин қилишиди.

Бир куни Алп Манаш боболардан қолган донолик китобини олиб варақлай бошлади. У Олтойда нималар бўлаётгани, ким қаерда яшashi ҳақида билмоқчи бўлди. Китобни ўқир экан Осмон ва Ер бирлашадиган жойда, улкан дарё ортида хукмронлик қилувчи золим Оқхон ва унинг Эрка Қорақчи исмли қизи борлиги ҳақида билиб олди.

Айтишларича, унинг қизига кўп ботирлар совчи қўйган қўлинин сўраган, аммо у ерга борган ҳеч қайси алп тирик қайтмаган, барини Хон ўлдирган эмиш.

Алп Манаш буни эшишиб газабланди, бир чўпчида-да отга минди, алпларнинг ўчини олайин деб катта дарё тарафга йўл солди. Манаш тунлари ухламади, кундузлари тинмади, йўл юрди, йўл юрса ҳам мўл юрди. Қанча тог ошди, қанча дарёлардан ўтди. Манашбийнинг оқ оти қайшишдай чайир бўлди. Ой юрса-да чидади, оч юрса-да чидади, охири манзилга етди.

Уларнинг олдидан катта дарё чиқди. Дарёда сувлар пишқириб, ўркач-ўркач бўлиб оқди. Қирғоқларга урилиб, тўлиб-тошиб оқди. Манашибий кечув қидирди. Топмади. Қирғоқ бўйлаб югурди. Бир жойда тўнкарилиб ётган икки саржин энли, тўқсон саржин узунликдаги қайиқни кўриб қолди. Манашибий севиниб қайиқни кўтариб кўрди. Қайиқ тагида худди оққушдай тўлғониб ётган оппоқ соқолли чолга кўзи тушди.

– Э-ей, болам! Алп Манашим! – деб сўз бошлади чол,
– нега бу ерларга келдинг? Сенга нима камлик қилди?
Қаерга бормоқчисан?

Манашибийнинг чолни эшиттиси келмади. Силтаб ҳам ташламади. Чолнинг қадоқ қўлларини сиқиб ўпди-да:

– Бобо, мени дарёдан ўтказиб қўйинг! – деди.

Чол унга сўз таъсир қилмаслигини билиб, бошқа сўз демади. Жимгина қайиқни сувга туширди-да, кема тумшуғига ўтирди.

Манашибий ҳам фурсатни бой бермай қуйруқ қисмига чиқди. Севимли отини югани билан сувга судради. От сузгиси келмади, аммо Манашибий ҳам бўш келмади. Улар дарё ўртасигача сузиб бордилар. Шунда чол йиғлай бошлади.

– Нега йиғлайсиз? – сўради Манаш.

– Сени деб, болам, – деди чол, – ахир мен нариги қирғоққа қанча-қанча ботирларни ташидим, улардан ҳеч орқага қайтгани, дардини айтгани бўлмади!

Манашибий оппоқ ойдай хуржунидан тўққиз қиррали ўқ олди ва чолга тутди:

– Эй бобо, – деди Манаш, – менинг ўлик ёки тириклигимни шу ўққа қараб биласиз.

Манашибий қирғоққа тушиб уст бошини қоқди. Ақбўзати ҳам қирғоққа чиқиб, силкиниб-силкиниб баданини қуритди.

Алп Манаш отни эгарлаб, сакраб эгарга минди-ю, чунонам бақирдики, гўёки юз баҳодир бақиргандай.

У отга қамчи босди, от дупури чунонам дунёни тутдикі, гүё юзта момоқалдироқ гумбурлагандай. Йиғидан ўзини тутолмаган чол орқасига йиқилиб тушди. Кўз очиб қараса, алпдан фақат чанг қолган.

От водийда чангитиб чопди, ботқоқ намчил ерлар унинг изи билан тўлди. Тепаликларни товони билан тепиб, катта тоғларга кўқрак кериб ўтди. Охири бир манзилга етди.

Куёш чиқар вақтда Манашибийнинг оти бир қоя устида тўхтади. Бу ердан Оқхоннинг қўтони бўй бериб кўринди.

Манашибийнинг оти буёғига бир қадам ҳам жилмади. Тўрт оёгини тираб туриб олди.

– Эй, эй! – деди Алп Манаш, – нега турибсан, оёғингта тош бойладингми ?

– Алп Манаш, орқага қайт, – сўз қотди Ақбўзат, – қара бу ерлардан Оқхоннинг қўтонига қараб қанча излар кетган, аммо биронтаси ҳам қайтмаган.

– Сенинг сиртинг бир тўшамчи, ичинг ичак-човоқ, бошинг калла-почча бўлса, нимангга маслаҳат берасан? Эй от, олға юр! – деди қамчи босиб Алп Манаш, – мен ўламанми, тирик қоламанми, сендан сўрамайман.

Манашибий ғазабда қаҳри қаттиқ ва аёвсиз бўларди, аччиқ-аччиқ отнинг белига тепди. Ақбўзат бир тўлғониб қуشدай учди, тоғ сувидай пастга энди. У йиғлаб юурди, кўз ёшлари кўз пардасини ёпиб йўлларни кўрмай қолди. Бир жойга етишганда Манашибий от юганини тортди. Тушиб от айилини бўшатди. Сўнг бошига эгарни қўйди-да уйқуга кетди. Ақбўзат оппоқ юлдузга айланди-да осмонга учиб кетди.

Эртаси Оқхоннинг тўртта сирри чўпонлари қўйларини ўтлатиб шу ерга келишди, узоқдан водийга қараб, бегона тепалик пайдо бўлганини кўришди. Тепалиқдан қуюн кўтарилиб турибди. Унинг бўронига юз ийллик дараҳтлар қулаб тушган. Тоғ дарёсининг суви оргта қайтиб, ўзанида турмайди.

Чўпонлар кўркувдан юраги ёрилиб, қочиб Хон ёнига боришиди. Улардан бири воқеани баён қилди:

– Ҳов анави водийда янги тепалик кўрдик. Тепаликдан бут аралаш қуюн чиқмоқда. Қуюн бўрон бўлиб дарахтларни қулатмоқда.

– Алдаяпсиз, дангасалар, ишёқмаслар! – бақирди Оқхон. У жаҳл билан қиличини кўтариб, бир зарбда уч чўпоннинг бошини кесиб ташлади.

Унинг ёнида турган етти бошли Желбеген одамхўр номли ёрдамчисининг тирик қолган тўртинчи чўпонга раҳми келди.

– Рухсат беринг! – деди у хонга, – ўзим бориб кўриб келаман нима гаплигини.

Аммо Оқхон кўтариб турган қиличи билан тўртинчи чўпоннинг ҳам бошини кесди.

Қорабет Желбеген ўзи минадиган кўк буқасини эгарлади. Бўладиган ишларни олдиндан сезган буқа бир ҳезланиб, тисланди. Жунлари тип-тикка бўлди.

Улар энди водийга яқинлашган эдилар шу пайт бир довул уларни ўз комига торта бошлиди. Желбеннинг етти бошидаги ўн тўрт кўзи чиққудек бўлиб ерга ёпишиди, буқаси қўрқанидан тилини чиқариб водийдан жон-жаҳди билан қочиб чиқиб, осмонга учди. Унга осилиб Желбеген ҳам кўкка кўтарилди. Фақат осмоннинг совуқ ерига етгач, улар ўзларига келишиди ва Желбеген орқага қараб ерда ухлаб ётган Манашибийни кўрди. Унинг боши икки тепалик ўртасидаги қоядай ястанган, нафас олганда дарахтлар-у ўт ўланни домига тортар, нафас чиқарганда шамолига дараҳт ва буталар синиб кетарди. Ҳар нафасига дарё суви бир қайтар ва зўрга ўзанига тушиб оларди.

Желбеген ўлар жонда Оқхоннинг ўтовига келди:

– У ерда ётган махлук, – деди у, – одам десанг одам, қоя десанг қоя эмас. Бир каттакон махлук водийда ухлаб ётибида.

Оқхон аламдан чинқириб бақырди. Узоқ яқын ботирларини чақырди. Бутун қүшинини йиғиб йўлга бошлади, ўргада ўзи қадам ташлади.

Қора тоғнинг бошидан Манашибий аниқ кўринди. Манашибий худди бегуноҳ боладай ором олиб қўлларини чўзиб ухларди. Тўрт томонга кўкрагини очиб, олдига ўқ ёйини сочиб ором ухлаб ётибди. Мерган жангчилар унинг чап кўкрагини мўлжаллаб ўқ отишди. Аммо тош қояга теккандек, ўқлар учлари қайрилиб ерга қайтиб тушаверди. Жангчилар яна яқын боришли, яна отиб кўришли, аммо самара бўлмади. Манашибийнинг устига чиқиб отишди, қилич уришли. Қанча қилич ва ёй ўқлари дарз кетиб ишдан чиқди, аммо Манашибийнинг баданида тирналгандай жароҳат ҳам пайдо бўлмади.

Оқхон жангчиларни тўхтатди. Улар ўқ ёй ўрнига энди бел ва кетмонлар олишли. Оқхоннинг амри билан тўқсон саржинли ўра қазиб унга алпни йиқитишли. Атрофидан тош қалаб, оёқ-қўлларини ерга маҳкамлаб, занжирбанд қилиб қоқишли. Манашибий зиндонда қолди. Оқхон алпнинг қуролларини олишга буюрди, аммо унинг яроғини ҳеч ким бир зарбда кўтара олмади.

Манашибий тўққиз ой ухлаб ётди. Тўққиз ойдан сўнг кўзини очиб осмонни кўрмади. Оёги тўққиз, қўли тўққиз жойидан занжирланган. Тўпиқдан тиззагача занжирлар осилган. Бир силтанди туролмади.

Занжирларнинг оғири юракка тушди. Манашибийнинг ҳуши бошидан учди. Манашибий ҳеч қўшиқ айтмаган эди. Айтмаса ўладигандай бўлди. Кўшиқ айтди, қўшиғига Бойбароқ отасини-да, Эрмон Чечан энасин-да қўшиб айтди. Ерка Кў синглисини эслаб айтди, Кумужук Ару ёрини эслаб айтди Ақбўзатим деб бўзлаб айтди. Бирор эшитсин, деб кўзлаб айтди.

Ёз ўтиб, куз келди, қиши ўтиб баҳор келди, Олтойда бир қуш қолмади, бари Манашибийнинг бошига йиғилди, аламли қўшиғини тинглар бўлди. Аммо ҳеч ким ёрдамга келмади. Манашибийнинг ҳолини билмади.

Баланд учар ғозлар дунё бўйлаб Манашибийнинг ҳолини одамларга етазишиди. Бир куни бир ғоз йиғлаб келиб Манашибийнинг кўкрагига қўнди. Хурсандчиликдан Манашибий чуқур нафас олди. Тўққиз занжир узилди.

Алп Манаш ғознинг қанотларини силаб айтар бўлди:

*Осмон учар дўстим Ғоз!
Ерда юрап дўстим Ғоз!
Сувда сузар дўстим Ғоз!
Менинг содик дўстим бўл!
Сен сувларда чўкмагин,
Осмонларда учиб бор,
Қанотингга хат ёзай,
Овулимга олиб бор!*

Манашибий ғознинг қанотларига хат ёзди. Ғозни ўпидунга ёлворди:

– Хатимни отам Бойбароққа олиб бор. Меҳрибоним онам Эрмон Чечанг ғамларимдан хабар бер. Синглим Эрка Кўга салом айт. Қайлиғим Кумужек Аруга офтобдай иссиқ саломимни етказ. Бориб дўстларимга айт:

*Манаш қора зиндоңда ётибди,
Бошига қоя тошлиар ботибди,
Бутунлай ғамга чўмилибди,
Тириклий гўрга кўмилибди!*

*Бор шундай де, учар отим
Дардим етказ, зўр қанотим,
Сувда чўкмас, ерда юрап,
Бор умидим – хаёл отим.*

*Қанотингни кенг ёзиб бор,
Осмонларда учиб боргин.
Хатимни то етказгунча,
Дардларимни қучиб боргин!*

Оқ ғоз зиндөндан учиб чиқди. Қанотларини қоқиб-қоқиб булутларга күтарили. Учиб-учиб оқшом чоғи овулга етди. Пастлаб-пастлаб Бойбароқнинг сувлоғига кўнар бўлди. Тун кундайин бўлиб, ой ёруғ бўлди. Хипча-бел Эрка Кўбу тун сувлоқда ўйнаб юрарди. У сувлоқларда кафтлари билан сувдати ой аксини тутмоқчи бўлар шодон-шодон кулиб ўйнарди. Бирдан ой нури ўчди. Эрка Кў тепага қаради, тепада оппоқ қанотларини қоқиб, ғоз осилиб турарди. Эрка Кў қанотига хат ёзилган ғозни ушлади-ю бағрига босиб уйга жўнади. Бойбароқ ва Эрмон Чечан ғознинг қанотларига ёзилган дардномани шам ёруғида йиглаб-ийелаб ўқишиди. Аммо нима қилишни билишмади.

Шунда соф дурдай покиза Кумужек Ару эслаб қолди. Болаликда Манашибийнинг Оқ қобон деган дўсти бўларди. Улар бирга айиқ овлардилар. “Ундан ёрдам сўрайлик”, дея укаси Хон Чурекайни Оқ Қобоннинг ҳузурига юборди.

Хон Чурекайнинг айтганига чидамай, Оқ Қобон зудлик билан Бойбароқнинг овулига келди. Ғозни ушлаб хатни ўзи ўқиди. Фурсатни ўтказмай йўлга отлан-ди.

Эрмон Чечан Оқ Қобонга сара овқатлардан едирди. Сўнг Манашибий учун нон қиласай деб ҳамир қориди. Ҳамир қориётиб бармоқларини тишлаб қонатди:

– Менинг қоним сени кутқарсин, болам, – деди. Нонни ёпиб Оқ Қобонни йўлга кузатди.

Оқ Қобон Манашибий йўлидан борди. Дўстимни қутқарайин, деб катта дарё тарафга йўл солди. Оқ Қобон тунлари ухламади, кундузлари тинмади. Йўл юрди, йўл юрса-да мўл юрди. Қанча тоғ ошди, қанча дарёлардан ўтди. Олдидан катта дарё чиқди. Дарёда сувлар пишқириб, ўркач-ўркач бўлиб оқди. Қирғоқларга урилиб тўлиб-тошиб оқди.

Оқ Қобон Оқ чолга дуч келди. Чол уни дарёдан ўтказиб қўйди. Излаб-излаб Манашибий ётган жойни топди.

Зиндон ёнига отини бойлади. Бутун аламини қалбига жойлади. Сўнг Манашибийга қараб бақирди:

– Сен! – деди Оқ Қобон – Ёзган хатингда отангни, онангни, синглингни эслабсан, хотинингга салом йўллабсан. Барини унутмабсан, менга эса бир оғиз салом демабсан. Қани, ким сени қутқаради энди. Ҳеч ким! Ҳеч ким!!!

У шундай деб бақирди-да, сўнг баланд бир қояни қўпориб Манашибийнинг устига ташлади. Ўзи эса дарахтзор орасида ўтириб Манашибийга аталган нонларни еб олибди. Нонни еб, олдингидан ўн чандон кучли бўлиб ортига қайтибди.

Қирғоқда уни Оқ чол кутиб турган экан. Оқ Қобон унинг қайифига ўтиргач, ўкириб йиғлаб юборибди.

– Дўсттинам Манаш, – бўзлабди у, – нега сени тирик топмадим?. Қўлларини бошига қўйиб, ҳали тўймаган дунёга тўйиб, абадий уйқуга кетган дўстима-а-а.....

Оқ соч чол ҳам ўзини тутиб туролмабди. Йиғлаб юборибди. Аммо шу пайт Манашибий бериб кетган ўқ ёдига тушиб, хуржунидан тўққиз қиррали ўқни қўлига олибди.

– Эҳ, – дебди у ичида, – ўқни занг босибди, Манаши ни ғам босибди. Ўқ сал-пал кўкарибди Манашибий дард кўтарибди. Манашининг ҳоли ёмон, аммо ҳали у омон.

Шу пайт кўз ёшларни артаётган Оқ Қобон чолнинг қўлидан ўқни олибди ва ҳаяжонда уни дарёга тушириб юборибди. Улар қирғоққа етгач Оқ Қобон отига минибдида, Бойбароқнинг овулита жўнабди. Овулга ета-ета тоҳ эгарнинг ўнги, тоҳ сўлига оғишиб, юқ ташлаб ўкира бошлабди.

– Ой дўстимдан айрилдим, бий дўстимдан айрилдим, жон дўстимдан айрилдим, хон дўстимдан айрилдим, уни қутқаролмадим, уни қутқариш учун эртароқ боролмадим, бир кунгина кечикдим. Эрта кетган дўстим-а, кўкка кетган дўстим-а!

Унинг йиғиси бутун овулни тутиб кетибди. Бойбароқ хон йиғлабди. Она Эрмон йиғлабди. Ҳовучлаб кўз ёш тўкиб Эрка Кў жон йиғлабди. Кумужек қон йиғлабди. Бор оломон йиғлабди. Бутун осмон йиғлабди...

Шунда осмондан юлдуз учибди. Бир учеб ерга ту-

шибди. Юлдуз ерга тушіб от бўлибди. Гўё оқ қанот бўлибди. Ер тепиниб кишинабди, ҳовуридан тушмабди. Ёлғонга чидолмабди, ҳеч тоқати қолмабди. Кишинабди-да кишинабди, ғазабидан тушмабди. Кишнашидан ер титраб, тоғлар ёрилай дебди, касаллар дардан ариб, ўлик тирилай дебди. Манашибийнинг оти эгасига қайтибди.

Манашибий зиндан туриб осмон тубини кўрибди. Ақбўзатини танибди. Унинг учганини кўрибди, ерга тушганини кўрибди. Юракка илинж бўлибди, қалбига севинч бўлибди.

От чоҳга орқа туриб, думини Манашибийга туширибди. Унинг думи сомон йўлидай оппоқ экан. Бироқ Алпни у тортолмабди. Манашибий бир қўзголиб от думини юлиб олибди. От сапчиб қочиб қолибди, думи Манашибда қолибди.

От оғриққа чидолмай, айикдайин ўкирибди, буқадайин бўкирибди, ўзин ҳар ёнга урибди, кийиклардай югурибди. Тоғ тошларни топтабди, аммо тиним топмабди, оғир бориб бошини катта теракка урибди, ётибди-да хўп инграпибди, жудаям кўп инграпибди.

Шу пайт терак қулабди, тоғу тош зириллабди. Ақбўзат жойидан туриб теракни чоҳга туширибди. Манашибий ўрнидан қалқибди. Терак уни турғизибди, тўқсон занжирни узибди. Манашибий теракка осилиб ер юзига чиқиб, Ақбўзатини қучоқлаб аччиқ-аччиқ йиглабди.

– Раҳмат, сенга, содиқ дўстим, мени кечир – деб йиглабди.

Йигидан Алп Манашибийн билакларига куч тўлиб, ёшлари отнинг ёлларини ювибди. Отнинг ёллари ялъял ёниб, тонгдаги шудрингдек товланиб, шудрингдаги майсадек иккиси покланибди.

Буни кўрган Оқхоннинг малайлари тезда бу хабарни унга етказибдилар.

Оқхон кўшин тўплабди. Ўзи холдор кўкиш бурул отини минибди. Оловранг қизғиши отини миниб, қизи

Эрка Қорақчи унинг ёнида турибди. Улар қўшини билан Манашибийга қараб босиб келибдилар. Шамширлар овози дунёни тутиб, ёйлардан отилган ўқлар илондай вишиллаб учибди. Тиғларнинг товушидан юракларга ҳадик тушибди.

Алп Манаш ҳеч нарсани эшитмабди. Алп Манаш ҳеч кимни кўрмабди. Алп Манаш фақат Оқхонни кўрибди. Алп Манаш фақат Эрка Қорақчини эшитибди. Уларга қараб тикка борибди. Ёвнинг отган ўқлари унга таъсир қилмади.

Манашибий секин шамширини қинидан чиқарибдида, уни боши узра баланд кўтариб, шу ерда ўсган бойтегракка чунонам урибдики, терак қоқ иккига бўлиниб кетибди. Фурсатни бой бермай шартта Оқхонни тутибдида, холдор оти билан қўшиб теракнинг орасига тиқиб қистириб қўйибди. Бармоқлари билан теракнинг икки бўлагини бириктириб чунонам қисибди, Оқхон эзгиланиб, йўқ бўлибди.

Манашибий энди қўлига тўқмоғини олиб, саккиз қиррали тўқмоғи билан Эрка Қорақчининг икки кўзи орасига чунонам урибди, бечора тилка-тилка бўлиб кетибди.

Оқхоннинг қўшини буни кўриб тош қотибди. Нима қиласини билмай бошлари қотибди. Кўркувдан ранглари оқариб кетибди.

Манашибий уларга юзланибди:

– Мен сиз билан уришмайман, – дебди у. – Сиз Оқхоннинг зулмида эдингиз. У нима буюрса бажардингиз. Энди озодсиз. Ўзингизга бошлиқ танлаб тинч яшайверинг. Манашибий халқ билан уришмайди. У золим хонларни уради. У халқни таловчи бийларни уради. Мендан кўрқманг, асло сизларга тегмайман.

Манашибий сўзини тугаллабди-ю, ўз юрти сари отбурибди. Киндик қони тўкилган юрти, Ватани сари отсурибди. Ақбўзати бўзлаб кишинабди, Манашибий ял-ял яшнабди. Она соғинчи бир тортса, Ота соғинчи бир тор-

тибди. Ёр соғинчи бир тортибди. Эл соғинчи минг тортибди. Манашибий елдек елибди. Дарёга етиб келибди.

Дарёга келгач эса Ақбұзат қирчанғи ҳарип бер отта айланиб қолибди. Манашибийнинг ўзи эса митти пашмалоқдай одамга айланибди. Бундайларни олтойликлар “Тош тарақай” дейди. Ботир Алп башараси хунук, томоғыда ғүрраси ияғидан олдинга чиқиб турадиган құштомоқ бир одамга айланибди, уни күрган одам юз бурадиган бўлибди. Сочлари патак-патақ бўлиб кўзини ёпиб тушганлигидан жудаям хунук кўринар экан.

Дарё ёқасида уларни кемасида кутиб олган Оқ соч чол барибир Манашибийни танибди. Пахмоқ соchlар орасидан унинг кўзларидағи оловни кўрибди, аммо билдиrmабди.

– Кел, Тош тарақай, – гап бошлабди у, – кемамга мин, сени нариги қирғоққа олиб ўтаман. Сўраганнинг айби йўқ, мабодо, сенинг Алп Манаш, деган ботир ўғлинг йўқми? – тусмолланибди чол.

Тош тарақай ишшайиб:

– Мен дунёда кўп ботирларни кўрдим, эшийтдим. Алп Манаш деганини эшийтмадим. Мен кўп алплар тўғрисида қўшиқлар айтдим. Аммо Алп Манаш хақида қўшиқ йўқ, – дебди.

Чол қошларини чимириб жиddийлашиб олибди-да:

– Ҳали айтишмади, энди айтишади, – дебди.

У хуржунидан тўққиз қиррали ўқни олиб давом этибди:

– Бу ўқни менга Манашибий совға қилган. Бу ўқни унга хиёнат қилган дўсти Оқ Қобон сувга чўктирди. Мен уч йил сув тубидан бу ўқни ахтардим. Кеча топдим. Ўқ янги бўлиб турибди. Шундан Алп Манаш ўлмаганлитини билдим.

Кема қирғоққа етгач Тош тарақай сакраб тошлоққа тушибди ва бирдан Манашибийга айланибди. Унинг ёнида эса гўзал Ақбұзат пайдо бўлибди. Чол буни кўриб кеманинг тубига юзларини босиб таъзим қилибди-да, гапира кетибди:

– Эй кўзимнинг нури, қалбимнинг чироғи Манашибий! Сени кўриб мен қувончдан нима қилишимни билмаяпман. Бироқ сенга жуда совуқ хабарим бор. Сен кетгач дўстинг Оқ Қобон жойингни эгаллади. Сени ўлди, деб айтиб ўзини хон, деб эълон қилди. Бутун Оқ Қобон тўй қилмоқда. Соф дурдай покиза Кумужек Аруни хотинликка олмоқда.

Буни эшитган Манашибийнинг қовоқлари уюлибди. Кўзига қон тўлибди. У яна Тош тарақайга айланиб, дардли юриш билан қирчангни отида Бойбароқхон овулуга йўл олибди.

Йўлда унга биринчи бўлиб қайниси Хон Чурекей дуч келибди.

– Эй Тош, йўл бўлсин? – дебди у.

– Баҳодир алп – Оқ Қобоннинг улуг тўйига, – жавоб қилибди Тош йиғлаб.

– Эйй.. тўхта, – дебди қайниси, – Алп Манашибийн ўлгандан сўнг биз учун бошқа алп қолмади. Сен нега йиғлаяпсан ахир?

– Ўзим шунчаки йиғлаяпман. Мен ҳам одамлардай одам бўлсайдим, Тош тарақай бўлмасайдим сенинг опанг Кумужек Аруга уйланардим, ҳеч кимга хафа қилдирмасдим.

– Э-э-э... сен қизиқ экансан, кўп нарсани орзу қилма, ундан кўра менга эргаш Тош тарақай, тўйда бирга ўтирамиз, – шундай дея Хон Чурекей от чоптирибди. Унинг тўқиз яшар оти йўртиб-йўртиб чопибди. Тош Тарақайнинг қирчангиси эса ҳамчин билан саваласа-да зўрга юрармиш. Тош Тарақай унинг қовурғасига аччиғланиб тепар, Хон Чурекай устидан кулиб масхара қилас экан. Бироқ юра-юра кўзини узиб олдинга қараса, Тош Тарақай олдинда кетяпти. У қизиқиб Тошни қувиб ўтибди. Яна олдинга қараса, яна Тош Тарақай олдинда. Улар шундай қувлашиб Бойбароқхоннинг ўтовига етишди.

Одамлар зиёфат устида ўтиришибди. Қимиз, қазиқарта, гўштлар тортилган – дастурхон тўкин сочин. Ароқнинг эса адади йўқ. Одамлар ўрмондаги дарахтларча, водийдаги майсаларча. Ит эгасини танимайди.

Манашибий қайлигини ахтарибди. Излаб-излаб то-пибди. Қараса Кумужек Ару олти қиралы оппоқ ўтовда ўтирибди. Шаршарадай соchlарини олти аёл тараб ту-рибди. Тош Тарақай секин эшикни очибди, мунгли овозда куйлай бошлабди:

*Сочларингни икки қилиб ўрибсан,
Севганингни бунча тез унутибсан.
Севгинг китобини энди ёпдингми?
Ўзингга яхшироқ қайлиқ топдингми?*

Бунга жавобан Кумужек Ару йиғлаб жавоб берибди:

*Сочларимни ахир ўзим ўрмадим,
Севганимни ҳам унутмадим.
Алпим ўлганига ҳеч ишонмайман,
Бошқа одамга мен асло қўнмайман!.*

Шу пайт ўтовга Оқ Қобон келиб қолибди ва Тош Тарақайни қувиб юборибди.

– Йўқол, қўтири тарақай, – дея Тош тарақайни ҳақо-ратлабди у ва ўтовдан илиб отибди.

Бироқ Тош Тарақай яна қайтиб келиб, яна куйлай бошлабди:

*Бу қозонларда энди Оқ Қобон овқат ейди,
Бу тўшакда тунлари Оқ Қобон ухлар энди.
Бу қозонлардан энди Алп Манаш овқат емас,
Бу тўшакда тунлари Алп Манаш ухлай олмас.*

Кумужек Ару жавоб қилибди:
Қозондан ким нима еса, еяверади,
Одамлар не десалар, деяверади.
Аммо бу тўшакка Қобон келолмас,
Манашдан бошқаси яқин йўлолмас.

Кумужек Ару шу пайт ўрнидан туриб кетди. Унинг соchlари шаршаранинг биллур сувларидек жилола-нибди. У Тош Тарақайга интилибди. Буни сезиб қолган Оқ Қобон Тош Тарақайни қува кетибди. Тош водийдан

ўтиб баланд тоғларга қочибди. Унинг орқасидан Оқ Қобон ўқ отмоқчи бўлиб камонида мўлжалга олибди. Ўқ ёйнинг торидан ажралмай Топ Тарақай яна қўшиқ бошлабди:

Агар Ақбўзат тирик бўлса не қиласан, Кумужек?

Кумужек Ару жавоб беради:

*Ақбўзатни кўрсам агар, олтин ёлин силайман,
Манашибийнинг тириклигин тилайман.*

*Агар Бийим тирик бўлса, уни ўпиб қучгайман,
Бошқа ҳеч кимни демасман, дея қасам ичгайман!*

Манашибийга ёрининг садоқати куч берибди. Ва ниҳоят соф дурдай покиза Кумужек Арунинг ёнида Алп Манаш қад кўтарибди. У Оқ Қобонни ортга қувиб кирибди. Оқ Қобон қочарга жой топмай, бир думалаб турнага айланибди-ю, ўтов чангарогидан осмонга учибди. Алп Манаш унинг ортидан оқ ўқини отибди, ўқ бориб турнага етибди, турнани ялаб ўтибди, патини талаб ўтибди. Аммо Оқ Қобон қутулиб кетибди. Унинг насли турналар бўлиб, шундан буён одамларга яқин учмайдиган, баландлаб учадиган бўлибди. Унинг баданида оқ ўқнинг излари қолибди.

Шундан буён олтойликлар турна гўштини емайдилар.

– Эҳ, аҳмоқ қуш, – дейишади улар, – қанчалик ифлос бўлма қонинг одамники, йўқса сени бутунлай қириб юборардик!.

Оқ Қобон кетгач, юрт Манашибийнинг тириклигини нишонлабди. Манашибий қирқ кеча, қирқ кундуз тўй қилибди. Юртдан зулм ариб, Манашибий хон бўлибди. Тилларда достон бўлибди. Бу достон тиллардан тилларга, авлоддан-авлодга ўтибди. Бизларгаям етибди...

Олтойнинг ҳар бир боласи Манашга, ҳар бир қизи Кумужек Аруга ўхшасам, дейди.

МАНАШБИЙ ТИЛЛАРДА АБАДИЙ ЯШАЙДИ!

МАНАШБИЙ ДИЛЛАРДА АБАДИЙ ЯШАЙДИ!

АЛПАМИША ВА БАРСИНХИЛУ

Бошқырд халқ әпоси

Қадим ўтган замонда Айлархон ва Аққубяқхон қүшни бўлиб яшаган, иккиси жуда қалин дўст экан. Улар бирга овга чиқар, от минищда, курашда, достон айтишда мусобақа ўйнар, бирга ўйин-кулгу билан вақтичоғлиқ қилишар экан. Аммо уларнинг иккиси-нинг ҳам фарзанди йўқ экан ва бу уларни доим қайғуга солар экан.

Орадан йиллар, ойлар ўтиб, кунлардан бир кун, Аққубяқхон тўқсонни қаршилаганда унинг саксон ёшли хотини ўғил туғиб берибди. Кўп ўтмай улар яна бир қизлик ҳам бўлибди. Аққубяқхоннинг бундан вақти хуш бўлиб, қалби анча таскин топибди.

Бу орада Айлархоннинг ҳам уйига қут кириб, унинг ҳам саксон ёшли хотини сулувлиқда тенги йўқ бир қиз туғиб берибди. Айлархон хурсандчилигининг чеки йўқ, қизининг юзи ойдан ойдин, қуёшдан нурли экан. Улар сулув қизга Барсинхилу деб исм қўйишибди.

Аққубяқхоннинг ўғли алпкелбат ва эпчил бола бўлиб туғилибди. У бир кунда бир ойга, бир ойда бир йилга улғаяр экан. Бола шундай қилиб, бир кунлигига оёққа турибди, икки кунлигига кўчага ўзи юриб чиқиб, югуришга тушибди. Бошқа болалар билан бирлашиб, чиллак ҳам ўйнай бошлабди. Бундан ҳайратга тушган Аққубяқхон уйига юртнинг энг катта башоратчи-синчисини чақирибди. Синчи²⁷ келиб болани кўргач, шундай дебди: “Болакайнинг бундай тез ўсаётганидан ҳайратга тушманлар. У ҳали забардаст алп бўлиб улғаяди. Шунинг учун келинглар, унинг исмини Алпамиша қўямиз!”

Аққубяқхоннинг Алпамишадан кейин тутилган

²⁷ Синчи – синчиклаб қаровчи, отларни ва одамларнинг руҳий ҳолатини юзига қараб билиш қобилиятига эга киши.

қизига эса Қарлуғас, деб исм қўйишипти. Аммо Аққубяқхоннинг фарзандли бўлиб тотган бу қувончлари кўпга чўзилмай, тез орада вафот этибди. Орадан йиллар ўтиб Алпамиша бақувват ва довюрак йигит бўлиб улгайибди. У эл орасида ҳақиқий ботир бўлиб довруғ қозонибди. Ботир оёқ қўйган ердан сув тошиб чиқар, тошга ўтиrsa тош уваланиб кетар, тоққа кўз тикса тоғ ҳам эгилар экан. Устига устак, у омадли овчи, тенгсиз мерган, қурай²⁸ чалишда ҳам моҳир экан. Унинг бу фазилатлари шавкатига шавкат, шухратига шуҳрат қўшар экан.

Энди Айларханнинг қизига келсак, у ҳам ақлли ва эп-чил қиз бўлиб ўсибди. Болалигидан курашларда кўплаб ботир йигитларнинг елкасини ерга текизиб, полвон қиз бўлиб танилибди. Гўзаллиги тилларга тушиб, унга совчи юборган ошиқларнинг саноғи бўлмабди. Айлархоннинг остонасидан элчи-ю совчилар аrimайдиган бўлибди. Ҳатто дунёниг бир четида яшайдиган Будярхон ҳам уни ўғлига сўраттириб совчи қўйибди.

Айлархон келган совчиларга бир жавобни айтар экан:

– Қизимнинг хоҳишига қарши бормайман, у кимни хоҳласа ўшани куёв қиласман!

Кунлар кетидан кунлар ўтиб, Барсинхилунинг куёв танлаш пайти ҳам етиб келибди. Барсинхилу ўзининг орзуларида яшайдиган йигитни кутар, уни соғинар экан. Шу сабаб унинг қалбини ғам босибди. Ўша ғам унинг юзларига ўтиб, ойдай юзига сариққина сепкиллар тушибди.

Қиз доим отаси совға қилган арғумоққа миниб ўй суриб юрар, сиқилса ўрмон ва тоғларга сайр қиласар, аммо қалбини қамраб олган ғам-туссани аритолмас экан. Бир куни унинг аҳволини кўрган бир келинчак унга шундай дебди:

²⁸ Қурай – бошқирдлар сибизиги.

*Заҳиллик қамрабди юзларингни,
Ғам-ғусса қоплабди кўзларингни,
Барсинхилу, синглим, бери кел,
Менга айт сирингни, сўзларингни.
Айт қалбинг тўрига кирган ким?
Хаёлинг боғида юрган ким?*

Барчиной жавоб қилибди:
*Сен мени қийнама, тегмагин, янга,
Менинг дардларимни англагин, янга.
Заҳиллик қамради ойдек юзларим,
Ғам-ғусса қоплади нурли кўзларим!
Туну қун юрагим ўртайди, ўртайди,
Бу дарддан ёш жоним қартайди.
Дардимга дармон бўл, янгажон,
Ғамлардан фориғ қил, янгажон!*

Зийрак келин унинг сўзларидан гап нимадалигини тушуниб етибди ва шундай депти:

*Сен мени сирдош деб билгин, сулув қиз,
Сирларингни ошкор қилган, сулув қиз.*

Барсинхилу жавоб берди:
*Орзусидир ҳар сулувнинг,
Бир алп ботир – тулпор минган,
Бу қайғуси ҳар бир қизнинг,
Ҳар сулув қалбига синган,
Орзуси суйгани бўлмоқ,
Тулпор минган мард йигитнинг!*

Келин айтибди:
*Бу юртларда аллар қўпдир,
Номдор, ботир мардлар қўпдир,
Хушин олган сулув қизнинг
Суйган ёрин биз биламизми?*

Барсинхилу айтади:
*Ким туғилса ботир бўлиб,
Учар кўкда шотир бўлиб,*

Камон тортса ёйдай эгар,
 Юрагига дардин тугар,
 Тошга чикса тошлар синар,
 Қояларга чикса қулар,
 Тогларга қасд қилса агар,
 Тог йиқилиб, яксон бўлар.
 Юрагида пинҳон асрар,
 Ватанини, юрт шаънини,
 Бир ҳамлада қутқу солиб,
 Яксон қилар душманини.
 Қурай чалар оқил ботир
 Дами ўткир, қалби тоза.
 Қувват олар тани агар,
 Қўшиқ айтса овозидан.
 Кўлнинг кўрки қамиш бўлар,
 Алпнинг шаъни қутлуғ бўлар,
 Номус учун қилинган иш,
 Барчасидан улут бўлар!
 Ким ўзини йигит билса,
 Ори бўлар, лафзи бўлар,
 Агар ўзин иззат қилса,
 Ҳақ сўз унинг сўзи бўлар,
 Отга миниб элни кезар,
 Алп йигитлар элни безар.
 Шундай ботир бўлса агар,
 Мен бошидан сочардим зар.
 Агар бўлса, келсин, майли,
 Барсин кимдир, билсин, майли.
 Келиб, синаб кўрсин, майли,
 Кураш тушиб, енга олса,
 Жўмард бўлиб кўнглим олса,
 Мен юрагим унга берай,
 Барсин унинг ёри бўлсин!

Барсихилунинг бу ҳолини ҳамма эшитди. Аммо бу гапларни Айлархонга бошқача етказишиди. Барсихи-

лу ўзи танлаб, отасидан рухсатсиз эрга тегмоқчи, деб айтишди. Шу сабаб Айлархон қизини ёнига чақириб, унга әлнинг қадимги одатларига амал қилиши керак-лиги, уни бузиб бўлмаслигини, тегса фақат хоннинг ўғлига тегишини эслатиб қўйди. Аммо Барсинхилу бунга кўнмади:

– Мен хонга ҳам, шоҳга ҳам тегмайман. Ким мени курашда енга олса ўшангта тегаман!

Айлархон унга гап топиб бера олмади. Барсинхилу катта майдонни тайёрлаб бутун мамлакатга хабар тарқатди. Ким күёвликка номзод бўлса, келиб кураш тушсин. Барсинхилуни ким курашда енгса, унга турмушга чиқади, деб айттириди. Буни эшитган турли элларнинг баҳодирлари Барсинхилуни енгиб, унга куёв бўлиш нияти билан Айлархоннинг юртига қараб кела бошлади. Барсинхилу эса дугоналари билан улкан тоғнинг тепасига чодир тикиб, ўша ерда яшаб турди.

Йигитлар бир-бир кела бошлади. Барсинхилу ўзи билан кураш тушган йигитларни осмондан келтириб урди. Турли элларнинг ва номдор уруғларнинг вакиллари қиздан енгилиб, шарманда бўлишди.

Бу гаплардан хабар топган Алпамиша онасига юзланиб, ундан рухсат сўради:

– Она, мен бу қизни енгаман ва шу ерга бошлаб келаман, менга оқ фотиҳа беринг!

Онаси эса унга рухсат бермади ва ёлвора бошлади:

*Борма, болам, бормагин,
Асло бора кўрмагин.
У қиз ўзи бир бало,
Ер кўрмаган елкаси,
Бир полвон қўли синган,
Яна бирин елкаси.
Борма, болам бормагин!*

Алпамиша айтди:

Барсинхилунинг ёнига,

*Курашган майдонига,
Онажон, мен борайин,
Бориб уни енгайин,
Енгач эса шу ерга
Уни олиб келайин.*

Алпамиша онасидан ёлвориб сўради ва онасининг кўнгли юмшаб, унга оқ йўл тилаб, оқ фотиҳа берди. Шундан сўнг, Алпамиша ундан йўлга чиқиши учун от беришини сўради. Онаси эса:

– Менинг уюримда сенга муносиб отим йўқ. Аммо отанг ўлгандан сўнг, Қолеран деган каттагина қулунимизни мен ҳурматли Қўлтобага берган эдим. Бориб ундан сўраб кўр, – дея маслаҳат берди.

Алпамишанинг синглиси Қарлуғас унга олтмиш аршинлик ипак арқон тўқиди. Алпамиша уни олиб Қўлтобанинг уйига борди ва сўрай бошлади:

*Қўлтоба оғай, Қўлтоба оғай,
Менга Қолеранни берсанг оғай,
Яйлов тўла саман отларни,
Дала тўла тўриқ отларни,
Эвазига мен сенга берай!*

Қўлтоба деди:
Яйлов тўла саман отлар,
Дала тўла тўриқ отлар
Ўз-ўзинга сийлов, иним,
Отларимнинг йўлбошчиси,
Малла отни беролмайман,
Келса ҳам ким!

Алпамиша деди:
Қўлтоба оғай, Қўлтоба оғай,
Менга Қолеранни бер, оғай,
Мени туққан онам ҳам,
Акам деган Қарлуғас синглим ҳам,
Сенга бўлсин Қўлтоба оғай!

Бу сўзларни эшитган Қўлтоба қувончда ҳайқириб юборди. Алпомишига уюр орасидан Қолеран номли малла отни тутиб олишга рухсат берди. Алпамиша Қарлуғас тиккан арқон билан отни тутишга уринди. У уюрга яқин келиши билан от ўзини ҳар томонга уриб, атрофдаги дараҳтларни оддий бир новда каби синдира бошлади. Уни тутмоқчи бўлган Алпамишани ҳам гоҳи кўкка отди, гоҳи ерга урди. Токи Алпамиша унга сувлиқ ва юганни солиб тинчлантиргунча улар узоқ курашишди. Охири Алпамиша отни эгарлаб унга минди ва Қўлтобанинг юртидан кетиш жойига келиб шундай деди:

*Қўлтоба оғай, Қўлтоба оғай,
Менга қўлингни бер, оғай.
Қўлни бериб менга яна,
Розилигингни бер, оғай.*

Қўлтоба унга қўлини тутди. Шу пайт Алпамиша унинг қўлини шундай сиқдики, бечора чидай олмай бақиришга тушди:

– Вой-й! Қўлларим кафtingда қарсиллаб кетди, жоним оғриди, қўйвор, инижон!

Алпамиша баттар сиқди. Қўлтоба янада қаттиқ бақирди:

– Қўлларим кафtingда қарсиллаб оғрир, инимсанку, қўлимни қўйвор!

Алпамиша уни шунчалар қийнадики, охири Қўлтоба оғриққа чидай олмай, Қолерандан келадиган ҳақдан ҳам воз кечди.

*Яйлов тўла саман отларни,
Дала тўла тўриқ отларни,
Саноқсиз пода молларингни,
Отар тўла қўйларингни,
Сенинг түкқан онангни ҳам,
Азиз синглинг Қарлуғасни ҳам
Қайтиб бердим, қўйвор, инижон!*

Унинг жони шунчалар ширин эдики, жон талвасасида ҳамма нарсадан воз кечди. Шундан сўнг Алпамиша Айлархоннинг мамлакатига йўл олди. У йўл юрди, йўл юрса ҳам мўл юрди. Қараса, улкан тоғнинг устида Барсинхилу икки қўлини белига қўйиб, кейинги ботирни кутганча мағур турибди. Алпамиша тоғнинг этагидан туриб қизга ҳайқирди:

– Сен ё ўзинг тоғдан тушиб менинг ёнимга келасан ва мен билан кетасан, ёки сени курашда енгиб, барibir келин қилиб олиб кетаман!

– Шундайми? Енгишга уриниб қўр! – Барсинхилу унга шундай жавоб бериб, тоғ тепасидан Алпамишага қаратиб тегирмонтошдай келадиган тошни думалатиб юборди.

Алпамиша ерни ларзага солиб, қулоқларни қоматта келтириб, думалаб келаётган тошни кутиб олиб шундай тепдики, тош орқага йўналиб тоғ устига қайтиб чиқиб кетди ва тўғри Барсинхилунинг устига етиб борди. Қиз ўзини зўрга қутқариб қолди. Шунда у жаҳл билан уйдай келадиган тошни пастга думалатиб юборди. Алпамиша эса яна тошни нигоҳлари билан кутиб олди ва бир тепки билан орқага қайтарди. Уйдай келадиган тош қайтар йўлда тоғнинг ярмини емириб кетди ва Барсинхилу тоғнинг иккинчи ярмида яна зўрга жон сақлаб қолди. Алпамиша унинг ёнига чиқиб курашга чақирди. Улар орасида кураш бошланди. Алпамиша Барсинхилуни тутиб шиддат билан осмонга отди ва ерга тушганда лат емасин, деб яна уни қўлларида тутиб қолди. Шундан сўнг қиз унга бошини эгиб, шундай деди:

– Мен сеникиман, сен меникисан!

Алпамиша ва Барсинхилу шундай қилиб бир-бирига этишди. Аммо ота-оналарининг олдига бормай, анча вақт тоғ тепасидаги чодирда бирга яшаб юришди. Вақт ўтиб, Барсинхилу ҳомиладор бўлгач, Алпамишани ота-онаси билан таништиришга аҳд қилди. У Алпами-

шани Қолеран отли отига миндириб, отаси Айлархон ҳұзурига етаклаб келди. Барсихилу Алпамишани отасининг ўн икки қирралы оппоқ уйига бошлаб кирди ва шундай күйлай бошлади:

*Турғын, ота, тур, отажон,
Тур, белингни бойла, ота!
Мен үзимга күёв топдым,
Фотиха бер, құлла, Ота!
Қирлар тұла ола отлар,
Водий тұла малла отлар,
Күёвингни сийла, Ота!*

Айлархон унга жавоб берди:

– Кет бу ердан! Менинг эрга берадиган қизим йўқ, куевим ҳам йўқ менинг!

Шунда Барсихилу күзларида ёш билан Онасига қараб қўшиқ бошлади:

*Турғын она, тур онажон!
Кўзимдаги ёшига қара, кўр, онажон!
Мени сўраб күёв келди,
Кўлингни бер, ҳол сўр, Она!
Қирлар тұла ола отлар,
Водий тұла малла отлар,
Күёвингни сийла, Она!*

Шундан сўнг Барсихилунинг онаси чолига юзланиб деди:

– Ёлғиз қизимизни изиллатиб йиғлатиб қўямизми?
Тур күёвга қўлингни бер!

Айлархон хоҳлаб-хоҳламай ўрнидан турди ва Алпамишага қўлинни чўзди. Шундай сўнг у қизи ва күёви учун шундай тўй қилиб бердики, бундай тўйни

қадимда ҳам ҳеч ким қилмаган, бундай түйни ҳали оқсоқоллар ҳам күрмаган эди.

Түйдан сүнг Алпамиша Барсихилуни ўз юрги-га олиб кетди, улар у ерда ғам ва ташвишларни тенг баҳам күриб баҳтли яшашди.

Кунлардан бир кун чопар келиб юртга Будярхоннинг лашкарлари босиб келаётгани ҳақида хабар етказди. Будярхон Барсихилуни ўғлига келин қилмоқчи бўлиб совчи қўйган, аммо ниятига етолмаган эди. Шунинг аламига чидай олмай уруш қилиб, Барсихилуни куч билан олиб қўймоқчи бўлди.

Алпамиша ўз аргумоғига минди, олмос қиличини тақди, камони ва найзасини қўлга олди, онаси, отаси, синглиси ва севимли хотини Барсихилу билан хайрлашиб жангта отланди.

Бу орада Будярхон ер юзини чумолидай босган катта қўшини билан яқин келиб қолган эди. Алпамиша душман қўшинларини олмос қиличи билан бирин-кетин қира бошлади. Жанг уч кеча ва уч кундуз давом этди. Будярхон саросимага тушиб, чекинишни бошлади ва қочиб қолди.

Алпамиша ботир ҳали дам олиб, куч тўплаб олишга ултурмай туриб, Будярхон яна қўшин тўплади ва Айлархон мамлакатига ҳужум бошлади. Қони қайнаган Алпамиша ғазаб билан яна душманларга ташланди ва улар орасида шафқатсиз жанг бошланди. Қонлар дарё бўлиб оқди. Тилка-пора бўлган Будярхон қўшини эса тумтарақай қочишни бошлади.

Жанг қилиб чарчаган Алпамиша Қолераннинг югариларини ечиб, ўтлаш учун яйловга қўйиб юборди-да ухлаш учун ётди. У кам эмас, кўп эмас олти кун, олти тун ухлади. У уйкуга кетиши билан Будярхоннинг айғоқчилари пайдо бўлишди. Қолеран эгасини уйғотиш учун кишинади, пишқирди, аммо Алапамиша донг қотиб ётди, уйғонмади.

Айғоқчилар тезда Будярхонга Алпамиша мурдадай қотиб ухлаб ётгани хабарини етказишиди. Будярхон тезлик билан қўшинидан қолган қутган аскарлари билан

келиб Алпамишани темир занжирлар билан боғлаб аравага юклади-да ўзининг хонлигига олиб кетди. Олиб келиб Алпамишани чуқур қазилган ўра – зиндонга ташлади, Қолеранни эса тошсаройга қамаб қўйди.

Алпамиша ниҳоят уйқудан уйғонди. Қараса, қўл-оёғи боғланган, бутун бадани занжир билан ўраб ташланган, ўзи эса чуқур ва қоронғу зиндонда ётибди. У шунча уринса ҳам занжирдан холос бўла олмади. Зиндондан чиқишнинг эса умуман иложи йўқ. У минг азоб билан уриниб, зўрга қўлларини ечди.

Алпамиша очдан ўлмаслиги учун Будярхон зиндонга бир эчкини туширди ва уни боқиб туриш учун ҳашак ҳам ташлаб қўйди. У бу билан Алпамишанинг емогини таъмин қилди. Алпамиша шу эчкини эмиб, сутини ичиб ётди.

Кунлардан бир кун Алпамиша чалқанча ётиб, осмонга тикилганча қўшиқ куйлаб ётган эди, тўсатдан осмонда учиб кетаётган ғозларни кўриб қолди ва уларга қараб қўшиқ айта бошлади:

*Эй оппоқ ғоз, оппоқ ғоз,
Кел ёнимга, келгин, ғоз.
Сенинг қанотинг қоғоз,
Қанотингга хат ёзай,
Менинг юртимга бориб,
Хатни ёримга етказ!*

*Ғозлар жавоб беришди:
Сен бизни отдинг кўлда,
Қўймадинг ҳатто чўлда,
Энди жимиб ётавер,
Бизлардан кўмак кутма!*

Улар шундай дея учишда давом этишди. Улардан ортда қолиб яна бир ғоз келаётган эди. Алпамиша унга қараб куйлади:

*Эй оппоқ ғоз, оппоқ ғоз,
Кел ёнимга, құнғин, ғоз.
Сенинг қанотинг қоғоз,
Қанотингга хат ёзай,
Менинг юртимга бориб,
Хатни ёримга етказ!*

Буни эшиттан ғоз пастлай бошлади ва қанотларини көңг ёзганча түғри зиндонга келиб құнди. Алпамиша қўлини кесиб, ғознинг қанотларига хат ёзди. Сўнг ғозга деди:

– Менинг юртимга учиб бор, у ерда ўн икки қиррали уйни кўрасан, ўша уйга етгач, хат ёзилган патингни ташлаб юбор.

Ғоз хатни олиб учди. Алпамишанинг юртидаги яйловга борди ва яйлов устида айланиб уча бошлади. Шу пайт тўсатдан Алпамиша айтган ўн икки қиррали уйдан бир болакай чиқиб, ғозни камони билан мўлжалга ола бошлади. Бу Алпамиша тутқунликда ётганда туғилган ўғли Айдар эди.

Ғоз ундан чўчиб, пастлай олмади ва баланддан хатни ташлаб юборди. Хат ёзилган оппоқ пат силкина-силкина учиб, ўн икки қиррали уйнинг олдига эмас, Қўлтоба яшайдиган қора уйнинг олдига бориб тушди. Қўлтоба хатни ўқиб, ҳамма нарсани англаб етди. Аммо бу ҳақда эса ҳеч кимга лом-мим демади.

Алпамишанинг қайтиб келмаётганидан хавотир олган Айлархон уни излаш учун чопарларини юборди. Чопарлар дунё кезиб, кўп юришди, охири Будярхоннинг тор-мор қилинган қўшинига дуч келишди. Шу ердаги дараҳт тагида улар Алпамишанинг ўзидан бошқа ҳеч ким кўтара олмайдиган, икки аршин келадиган алпкамонини ва унинг олмос учли найзасини ҳам кўришди. Улар шу аслаҳаларни олиб, уйга қайтишди. Чопарлар келиб ҳаммага Алпамишани ўлган, деб айтишди. Аммо Барсихилу уларга ишонмади ва эрини ўлгунча кутишга қарор қилди.

Күлтоба Алпамишанинг юртида эга йүқлигидан фойдаланыб, ҳамма нарсага эга чиқиб олди. Қарлуғасни ўзининг хизматкорига айлантирди. Барсихилуны эса хотин қилиб олмоқчи бўлди. У тинмай Барсихилуга совчи жўнатар, Барсихилу эса доим унга рад жавобини берар эди. Барсихилу совчиларнинг кети узилмагач, айёрлик қилиб вақтни чўзишга ўтди. У айёрлик қилиб, “ким Алпамишанинг камонидан ўқ отиб, уни олтин узукдан ўтказа олса, унга эрга тегаман”, деб гап тарқатди. Барсихилу бу ишни билиб қилди. Чунки у билардики, Алпамишанинг камонини ўзидан бошқа ҳеч ким кўтаролмасди.

Бу ёқда Барсихилу вақтни чўзиш учун айёрлик қилиб турганда, биз яна Алпамишанинг олдига қайтамиз.

Алпамиша хатига жавоб келмагандан кейин жуда ҳам тушкунликка тушиб қолди. Яхшиям унинг этик кўнжида қурай сақлаб юриш одати бор эди ва зерикканда вақти-вақти билан ундан мунгли қуйлар чалиб, хуморини ёзар эди.

Будярхоннинг учта қизи бўлиб, кунларнинг бирида улар Алпамиша чалаётган қурайнинг овозини эшишиб қолишиди ва куйнинг оҳангига мафтун бўлиб зиндан томонга келишиди. Улар ўрага қараб, у ерда ётган қудратда ва ҳуснда тенгсиз йигитни кўришиди. Йигит ўтирганча мунгли куй чалар эди.

Алпамиша тепада қизларни кўриб чалишни тўхтатди.

Шунда қизлар унга деди:

Алпамиша, сен бизга бир боқсанг эди,

Қурай чалиб қалбга олов ёқсанг эди.

Икки-учта қўшиқ айтиб, хон қизларин

Хурсанд қилсанг қани эди гул юзларин!

Алпамиша эса уларни ялинтирас, куй чалмас эди. Сўнг уларга қараб деди:

– Сизлар учун чин юрақдан қүшиқ айтиб беролмайман. Күрмаяпсизми? Оёқларим кишанланган, қорним оч, күй чалиб сизни хурсанд қилиш учун кучим ҳам йүқ!

Қизларнинг Алпамишага ёрдам бергиси келибди, аммо қўлидан ҳеч нарса келмай уйига қайтишибди.

Эртасига хоннинг кенжা қизи отасининг сандигидан билдирамасдан олтин тангалар ўғирлаб, шу пулга мардикор ёллабди ва Алпамиша ётган зинданга ён тарафдан ўра қаздира бошлабди. Ўра қазилгач, у шу ерга ҳар куни келадиган бўлибди. У ҳар куни Алпамишага овқат келтирар экан. Бу орада Алпамиша кундан кун ўзига келиб, кучга тўлиб борибди. Бир куни у хоннинг қизига шундай дебди:

– Агар сен менинг бу холатимдан қутқаришни истасанг, отангнинг сандигидан менинг олтин сопли, олмос қиличимни олиб келиб бер. Мен ўша қиличимсиз бу занжирларни уза олмайман.

Эртасига қиз унга қиличини келтирибди. Олмос қилич билан Алпамиша занжирлардан холос бўлибди. Занжирлардан қутулагач эса яна ўн беш кун ўрада қолиб, занжирлар ботиб пайдо қилган заҳмларнинг кетишини кутибди.

Алпамиша тўла тузалиб, қувватга киргач хоннинг қизи ундан келиб сўрабди:

– Бу зиндандан қутулишинг учун мен сенга яна нима ёрдам берай?

Алпамиша унга шундай жавоб қилибди:

– Сенинг бунга кучинг етмайди. Мен сенга ўзимнинг рўмолчамни бераман. Отангнинг тошсаройида менинг отим Қолеран бор. Сен шу саройнинг эшиги олдига бориб менинг рўмолчамни ёқиб тутат. Агар Қолеран буни сезиб, у ердан чиқа олса албатта бу ерни топиб келади ва мени қутқаради.

У шу сўзларни айтиб, қизга рўмолчасини тутқазибди. Қиз эса Қолеран қамалган саройнинг олдига бориб,

рўмолнчани тутатибди. Қолеран бу ҳидни исқаб хўжайини тирик эканини билибди ва ўзини ҳар ёнга ура бошлабди. Олд оёқларини кўтариб саройнинг темир эшиклирини шундай тегибдики, эшик чил-чил бўлиб синиб, сочилиб кетибди. Ўзи эса зиндан томонга чопибди.

Қолераннинг бўйнида Қарлугаст тўқиган олтмиш саржинли²⁹ ипак арқон уралган эди. Хоннинг қизи унинг бир учини Қолераннинг бўйнида қолдириб, иккичи учини зинданга ташлабди. Алпамиша ипак арқон орқали зиндандан чиқибди. Қўлига олмос қиличини олиб тўғри хоннинг саройига йўл олибди. Сарой дарвазаси олдида тўхтаб бор овозида бақир бошлабди:

– Будярхон, маккорлигинг учун сенинг бошингни танантдан жудо қилишим керак эди. Аммо учта оқила қизларинг ҳаққи сенга тегмайман!

Шу сўзларни айтиб Алпамиша Ватанига йўл олибди.

Йўлда ўзига таниш бўлган отлар уюрига дуч келибди.

– Уюр кимники? – сўрабди у чўпондан.

– Олдин Алпамишанини эди, ҳозир Қўлтобанини, – жавоб қилибди чўпон.

– Ким сенга кўпроқ ёқади, Алпамишами ёки Қўлтоба? – сўрабди яна Алпамиша.

– Менга Қўлтоба ёқади, – жавоб қилибди чўпон – олдин Алпамиша хон эди, Қўлтоба бош чўпон эди, мен эса оддий чўпон эдим. Алпамиша ўлгач Қўлтоба хон, мен эса бош чўпон бўлдим.

Алпамиша бир чертиб чўпонни ўлдирибди ва олға юрибди.

Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Олдидан сиғирлар подаси чиқибди.

– Кимнинг подаси? – сўрабди Алпамиша.

– Қўлтобаҳоннинг подаси, – қўлида арқон эшиб турган ҳолда жавоб қилибди чўпон.

– Арқонни нега эшяпсан?

– Агар Алпамиша Қўлтобани енгса, уни шу арқон би-

²⁹ Саржин – уч газга ёки 2,134 метрга тенг узунлик ўлчови.

лан дорга осади. Агар Қўлтоба Алпамишани енгса, уни ҳам шу дорга осади, – жавоб қилибди чўпон.

Алпамиша бу чўпонни ҳам бир чертиб ўлдирибдида яна олға юрибди.

Йўлда унга қўй боқиб юрган болакай учрабди. Унинг бир қўлида қалин ҳасип, иккинчи қўлида думба ёти бор экан. Болакай уларни галма-галдан еб туарар экан.

– Бугун кимнингдир тўйи бўляптими? – сўрабди унинг қўлидаги байрам таомларини кўрган Алпамиша. Болакай жавоб қилибди:

– Яйловда катта мусобақа бўляпти. Ким камондан ўқ узид Барсинхилунинг олтин узутидан ўтказа олса, ўша Барсинхилуни хотинликка олар экан. Қўлтоба байрам қилиб, бугун Алпамишанинг энг семиз отларини ва қўйларини сўйишга буюрди. Менга эса емак учун қўлимдагиларни беришди.

Болакай шу гапларни айтар экан, кўз ёшларини тўхтата олмади. Алпамиша болакайга синчиклаб қаради ва олдида ўзининг ўғли турганини фаҳмлади. Аммо унга ўзини танитмади. Фақат шу ерда кийимларини ечиб, ўғлининг йиртиқ-ямоқ кийимларига алмаштириди. Янги кийимларини эса болакайга қолдирди.

Алпамиша шу ҳолда Барсинхилунинг мерганлик мусобақаси ўтказилаётган майдонга жўнади. Мусобақада турли жойлардан ҳар хил мерганлар келиб, ердан анча баландга осилган олтин узукдан ўқни ўтказишга уринашарди. Аммо улардан ҳеч ким алпкамонга ўқни жойлаб, икки қулочини ёйиб торта олмасди.

Алпамиша одамлар орасидан ўтиб, Қўлтоба қўр тўқиб ўтирган тахтга яқин келди ва деди:

– Қўлтоба ағай, менга ҳам камондан отиб кўришга рухсат берсанг!

– Йўқол, бор кет, жулдурвақи! Сендан минг чандон зўр йигитлар эплай олмаган ишни сен эплайсанми? – дея Қўлтоба уни қувиб солди.

Алпамиша яна ундан яна то Құлтоба рухсат бергүнча ялиниб сүрайверди.

Рухсат берилгач, Алпамиша ўзининг ўқи ва камонини күриб ҳатто йиғлаб ҳам олди. Одамлар әшитмасин деб, ўзига ўзи ғудрандид: “әх отамдан қолган камонгинам-а”...

Шундан сўнг Алпамиша камонини ердан енгилтина кўтариб олди ва узук тарафга ўқ узди. Узук бехос жаранглаб кетди ва иккига бўлинниб ерга тушди. Шундагина Құлтоба жулдур кийим кийган чўпоннинг Алпамиша эканини билди.

*Қўлларимни сиқиб синдиримай,
Қочиб кетай, ҳолимни билай,
Қани менинг эски ҳунарим?
Бориб отбоқарлигимни қиласай!*

Құлтоба шундай дея, қўрққанча отлар уюри томон югура бошлади. Алапамиша дарров камонига иккичи ўқни жойлаб, у билан қочаётган Құлтобани отиб ўлдирди. Буни кузатиб турган Барсинхилу ва Қарлуғас унинг ёнига чопиб келишиди ва уни қучоқлаб йиғлашга тушишиди. Бу орада Алпамишанинг янги кийимларини кийган ўғли Айдар ҳам етиб келди. Алпамишанинг қувончи ичига сиғмас эди. У онасини излади: “Нега онам кўринмайди, онам қани?”

Онаси Барсинхилу яна эрсираб, эрга тегиши учун мусобақа ўтказяпти, деб келинига аччиқ қилиб уйга қамалиб олган эди. Барсинхилу Алпамиша билан унинг уйи ёнига келди:

– Қайнона, эшикни оч!

– Кет бу ердан! Сен эрингга хиёнат қылдинг, сен билан гаплашмайман! – жавоб қилди қайнона.

Шунда Барсинхилу ўлан айта бошлади:

*Тур, қайнона, тур, қайнона,
Белинг бойла, юр, қайнона,*

*Аламамиша ўғлинг – юртнинг беги,
Қайтиб келди, кўр, қайнона!*

Барсинхилунинг бу сўзларини эшитган она эшикларни ланг очди.

Алпамиша онаси билан дийдорлашди. Алпнинг Ватнга қайтгани шарафига катта байрам қилишди ва бу байрам уч кеча, уч кундуз давом этди. Кенг майдонда от пойга, кичик майдонда тойчоқ пойга ўтказилди. Сэсэнчилар³⁰ ўзаро қўшиқ айтишда бахс бойлашди. Ботирлар чаққонликда ўзаро курашишди. Болакайлар тўрут оёқ туриб ҳайвонлардай сузиш-сузиш ўйнашди. От пойгада Қолеран ғолиб бўлди, курашда Алпамиша устун бўлди, мугуз сузишда эса Алпамишанинг ўғли Айдар биринчиликни олди.

Алпамиша юртга қайтгач, мамлакатда тинчлик ва адолат қарор топди. Айтишларича, халқ ҳам ҳеч нарсага зориқмай, эркин яшай бошлади.

³⁰ Бошқирдча: сэсэнчи- қўшиқчи.

АЛПАМША ВА ДОВЮРАК САНДУГАЧ

Татар халқ эпоси

Қадим-қадим замонларда, ерли оиладан чиққан Алпамша отли бир навқирон чўпон яшаган экан. Үнинг на яқин қариндошлари, на дўстлари бор экан. Алпамша бирорларнинг молини боқар, туну кун кенг далада кезиб юрар экан.

Илк баҳор кунларининг бирида Алпамша кўлнинг қирғоғида яраланган гознинг жўжасини кўриб қолибди ва бундан беҳад қувониб кетибди. У жўжағозни кўлдан чиқариб олиб, овқат бериб боқибди. Ёз ўтганда миттигина жўжағоз каттакон ғозга айланибди. Фоз хонаки бўлиб улғайибди. У Алпамшадан бир қадам ҳам узоқ кетмас, доим унга эргашиб юрар экан. Шу орада куз келиб, ғозлар галаси жанубга уча бошлибди. Кунлардан бир кун ғоз шу галалардан бирига қўшилиб олиб, узоқ ўлкаларга учиб кетибди. Алпамша эса яна ёлғиз қолибди. У “мен уни қутқариб олдим, бокдим, меҳримни бердим. Бу бераҳм эса мени ташлаб кетди!” – дея ғамга ботибди.

Шу пайт үнинг ёнига қандайдир чол келибди.

– Эй, Алпамша! Подшоҳ ўтказаётган ботирлар мусобақасига бор. Унутма, айтишларича, ким шумусобақада енгиб чиқса, унга подшоҳ ўз қизи Сандугачни ва подшоликнинг ярим давлатини берар экан, – дебди.

– Мен қандай ботирлар билан беллашаман? Бундай мусобақаларга менинг кучим етмайди! – жавоб берибди Алпамша.

Чол эса сўзида туриб олибди:

– Таклифимни рад қилма! Сенинг кучинг ва журъатинг ҳеч қандай ботирникидан кам эмас. Қолаверса, шарт ҳам унчалик қийин эмас: тоғнинг тепасига учта

тегирмон тошини кўтариб чиқиши ва подшоҳнинг оёғи остига олиб бориб ташлаш керак, тамом. Ким биринчи шу ишни бажарса, ўша мусобақада енган ҳисобланади.

Алпамшанинг дастлаб мусобақага боргиси келмади. Эртасига эса чидаб туролмади: жиллақурса донгдор ботирларни узоқдан кўрарман, деб мусобақа майдонига борди. Майдонга юздан ортиқ ботирлар тўпланишди. Уларнинг ҳаммаси бир қаторга тизилиб, мусобақа бошланишини кута бошлашди. Алпамша ҳам олдинга юриб, қимтинибгина алплар турган қаторнинг четига бориб турди. Ботирлар кўз қири билан унга қарашар, мийигида кулишарди. Ботирлар жуда яхши кийинишган, Алпамша чўпоннинг кийимлари эса увадаси чиқиб кетган эди.

Мусобақа бошланди. Ботирлар бирин-кетин тегирмонтошларни биттадан олиб кўтаришди ва тоққа чиқа бошлашди. Алпамша эса бирданига иккита тегирмontoшни кўтарди. Бирини иккинчисига уриб синдириди. Сўнг синган яримталикларини қўлтиқ тагига олди-да, яна икки қўлига биттадан тегирмontoш олиб, илдам қадамлар билан тоққа қараб чиқа бошлади. Халқ буни кўриб туар ва ажабланарди: қаранг, кўринишидан оддийгина йигит, аммо бир зумда номдор ботирлардан ўзиб кетди-я! Чиндан ҳам Алпамша биринчи бўлиб тоғ тепасига чиқиб келди ва оғир тегирмontoшларни подшоҳнинг оёқлари тагига ташлади.

Подшоҳ мусобақада чўпон ғолиб чиққанидан ранжиди, аммо нима ҳам қиларди, тақдир шу экан. У Алпамшани ўз ёнига ўтиргизишига, ўзига тенг кўришига тўғри келди. Мусобақа тутагач эса, ботирни саройга етаклаб келди ва шу куни тўйни бошлаб юборишди. Алпамша ва унинг ёшгина ёри Сандуғачни қутлаш учун тўйга кўп меҳмон келди. Подшо ярим подшолигини Алпамшага бериб шундай деди:

– Ярим подшоликка мен жавоб бераман, ярмисига сен қара!

Аммо шу куни дабдурустдан саройга кутилмаган совчилар келиб қолишиді. Улар құшни юрт подшоси Қылтапдан Сандуғачға совчи бўлиб келишгандай. Қылтап совчилар орқали:

– Сандуғачни берса берсин, бермаса тортиб оламан! – деб айттириб юборган экан. Улар Сандуғач Алпамшага текканини эшитиб ажабланишиді. Шу сабаб совчилар уйига қайтиб бу хабарни Қылтапга етказишиді. Қылтап номсиз бир ботирнинг подшоҳ қизига уйланганини эшитиб, ғазаби қўзғади. У жаҳл устида Сандуғачга куч билан эгалик қилишни ният қилди ва қўшниларга қарши уруш очди.

Бу орада Алпамша ҳам жангга тайёргарлик кўра бошлади. У подшоҳнинг ёнига келиб ниятини айтди:

– Мен душманлар билан жанг қилишни истайман! Мен билан севимли хотиним Сандуғач ҳам бирга кетади. Менга энг яхши иккита от берсангиз!

– Розиман, ўзларингиз отхонага боринглар ва отларни танлаб олинглар! – деди подшоҳ.

Алпамша ва Сандуғач отхонага боришиді, бўлмадан бўлмага ўтиб, ўзларига муносиб от ахтаришиді. Подшоҳнинг отхонасидағи отларнинг ҳаммаси яхши эди, фақат Алпамша қайси бирини думидан тутиб ўзига тортса, ўша от таппа ётиб, ўлиб қоларди. Алпамша ва Сандуғач отхонада узоқ вақт юришиді, аммо, ўзларига муносиб отни топиши қийин кечди. Ниҳоят Алпамша отхонанинг бир бурчагида турган пастбўйли бир тулпорни кўриб қолди. Унга яқин бориб, думидан тортиб кўрди. Тулпор эса жойидан ҳам жилмади: қандай турган бўлса шундай турди.

– Мана шундай отни истаган эдим! – қувониб кетди Алпамша.

Шундан сўнг улар Сандуғачға от ахтаришиді. Яна узоқ вақт ўзларини уринтиришиді. Улар қайси отни танлашса, бориб думидан тутиб тортиб кўрар, от эса таппа ётиб, ўлиб қоларди. Ниҳоят, унга ҳам от топил-

ди. Отхонанинг яна бир қоронғу бурчагидан кичикроқ бир тулпорни топишиди. Алпамша унинг думидан тортиб кўрди, тулпор эса қулогини ҳам қимирлатмади: ҳайкалдай қотиб турди.

– Ана, тулпор! – ҳайқирди Алпамша.

Алпамша ва Сандугач отларни танлаб саройга қайтишиди. Ҳамма билан хайрлашиб, қўшинларга бош бўлиб сафарга отланишиди.

Подшоҳ уларни жангта мусиқа чалдириб, тантана билан кузатмоқчи бўлди. Аммо Алпамша кўнмади.

– Қўйинг, урушга дабдаба билан кирмайлик, – деди.

Шундай қилиб улар йўлга чиқишиди. Кун юришиди, тун юришиди – ниҳоят, иккаласи Қилтапнинг салтана-тига ҳам етиб боришиди. Шунда Алпамша деди:

– Сен шу ерда қўшин билан қоласан, мен эса Қилтапнинг отхонасига кириб, бир замонлар у сенинг отангдан олиб қўйган Ақбўзатни топиб келаман. Биз фақат мана шу отнинг ёрдами билангина баттол Қилтапни енгишимииз мумкин!

Алпамша тонгда туриб, яширинча Қилтапнинг отхонасига кирди. Аммо Ақбўзатни топа олмади. У отхонадан Қилтап ухлаб ётган боқقا ўтди. Қилтапнинг бошига бориб шундай деб, айтиб турди:

*Қилтап оғай,
Қилтап оғай,
Ақбўзатинг бергин, оғай,
Менга отни бериб ўзинг,
Сандугачни ол, олақўй!*

У бу қўшиқни икки марта қайтаргач, сулув Сандугачнинг номи уйқусираб турган Қилтапни қувонтириб юборди. У уйқусираб, ўзи ҳам билмаган ҳолда Ақбўзатнинг қаерда сақланаётгани, унинг тонг сахарда сув ичиш учун кўл ёнига тушишини ва уни боқقا отлардан қандай қилиб ажратиши мумкинлигини батафсил айтиб берди. У буни кимга айтганини ўзи ҳам билмади.

Алпамшага айнан шу керак әди. У тезлик билан Сандуғачнинг ёнига қайтди. Улар икковлашиб елдек учиб, Қилтап айтган күл бўйига жўнашди. Етиб келгач, бир дараҳт ортига беркиниб олишди. Орадан бир оз муддат ўтиб, ўрмондан олтита от югуриб чиқди ва сув ичиш учун кўлга томон йўналишди. Алпамша улар орқасидан Ақбўзатни бир қараашда таниди. Писиб бориб унинг бўйнига тилло юган солди. Ақбўзат қоққан қозиқдай қотиб қолди. Алпамша ва Сандуғач тулпорларини кўл бўйида қолдириб, Ақбўзатга минишди ва қўшин ёнига қайтишди. Қўшин ҳамон Қилтап салтанининг чегараларида турар әди. Алпамша қўшинни сафга турғазиб, душманни кута бошлади.

Орадан кун, ҳафта ўтди амммо Қилтапнинг қўшини кўринмади. Ботир узоқ кутишдан зерикиб кетди ва хотинини чақириб шундай деди:

– Ўн икки кун, ўн икки тун мен мижжак қоқмадим. Рухсат берсанг мен чодирга кириб ухлайман. Мобода, Қилтапнинг қўшини кўринса мени уйғотасан. Фақат унутма мен жуда қаттиқ ухлайман, шунинг учун мени уйғотиши осон эмас! Агар сен манглайимга чўп қўйиб, болға билан уни қоқсанг туриб кетаман.

Алпамша ўз чодирига кириб, бошини ерга қўйди ва ботирларнинг уйқусига кетди. У энди уйқуга кетган ҳам әдики, узоқдан Қилтапнинг қўшини кўринди. Сандуғачнинг эрига раҳми келди, уни уйғоттиси келмади. Шунинг учун Алпамшани безовта қилмасликка, ўзи қўшинга бош бўлиб жангта киришга қарор қилди. Сандуғач бир сақраб Ақбўзатга минди ва қўшинни жангта бошлади. Сандуғоч жасур аёл әди: Қилтапнинг қўшинларини тор-мор қилди ва душманлар тумтарақай қочишга тушди. Алпамша эса ҳамон қаттиқ ухлар әди. У ҳатто жангнинг шовқинларини ҳам, аёлининг қайтганини ҳам, жангдан чарчаб қайтган, унинг чодирига боғланган Ақбўзатнинг кишинашини ҳам сезмади.

Қилтапнинг мағлуб бўлган саркардалари уйлари-га қайтишиди ва бошларига тушган кулфатни Қилтапга сўзлаб беришди. Уларга буни айтиш қийин бўлса-да, ўзларини мағлуб этган довюрак ботир ҳақида сўзлашдан ўзларини тийишполмади. Бу гаплар Қилтапни қизиқтириб қўйди. Кўшинга ўзи бош бўлиб жангга киришга, ўша ботир билан ўзи курашишга аҳд қилди.

Сандуғач ўтовидан туриб кузатар экан, ўзи томон келаётган Қилтап бошчилигидаги улкан бир қўшинга кўзи тушди. Сандуғач Алпамшани уйғотмоқчи бўлди, аммо яна унга раҳми келди. Яна ўтган галдаги каби ўзи қўшинга бош бўлиб жангга киришга қарор берди. Сандуғач мардона жанг қилди. У шундай жанг қилдики, яна бир бора ғалаба қилиш учун унда имконият пайдо бўлди. У бу жангни ҳам енгиши мумкин эди, бироқ айни жанг қизигандан теккан дайди ўқ уни яралаб қўйди. Сандуғач беихтиёр ухлаб ётган Алпамша ва Ақбўзатни эслади, аммо уларнинг ёнига қайта олмас, атрофни Қилтапнинг жангчилари ўраб олган эди. Алпамша ботирнинг йигитлари бу орада Сандуғачни қутқариб олишди ва отга миндириб тезлик билан отасининг саройига олиб қочиб кетишиди.

Қилтап Алпамша ётган чодирга от чоптириб бостириб кирди ва уни ухлаб ётган ҳолда асирга олди. Қилтап чуқур ўра қаздириб, унга Алпамшани ташлашни ва чиқиб кета олмаслиги учун ўрани мустаҳкам панжара билан ёпишни буюрди. Сўнг Қилтап хурсандчилигини яширолмай:

— Энди менинг Сандуғачга уйланишимга ҳеч ким қаршилик қила олмайди! – дея ҳаволанди.

Қилтап саройига қайтгач, дарров Сандуғачнинг отасига совчи жўнатиб, уларга лутф ва илтифот билан бўлса ҳам, дўқ ва пўписа билан бўлса ҳам ишни битириб келишни буюрди. Аммо совчилар бу сафар ҳам натижасиз қайтишиди. Сандуғачнинг отаси уларнинг ҳамма аврашу насиҳатларига битта жавоб қайтарди:

– Алпамша қайтмаса, мен ҳеч нарса демайман. Менинг эрка қизим Сандуғач нима деса, ўша бўлади.

Алпамша эса бу пайт уйкуда ётарди. У йигирма тўрт кун донг қотиб ухлади. Сўнг уйқудан туриб, анча вақт қаерда ётганини билолмади. Ўрада ётганини ва боши узра темир панжара борлигини кўргачгина асир тушганини англаб етди. Алпамша ўтирганча ғуссага ботди.

Алпамша бошини кўтариб кўкка кўз тикди. Осмонда учиб бораётган ғозларга кўзи тушиб: “Уларнинг орасида мен боқиб олган ғоз йўқмикан?” деб ўйлади. У дардини қўшиқ қилиб куйлади:

*Оқ ғозлар, оппоқ ғозлар,
Қанотлари қоғозлар!
Бормайсизми
бизнинг ёққа?
Гар борсангиз бизнинг ёққа,
Қанотингизга хат ёзай,
Севган ёримга тутқазинг,
Холимдан хабар етказинг.*

Галада Алпамша боқиб олган ғоз ҳам бор эди, у таниш овозни эшитиб орқага қайтди. Қайтиб темир панжара устига қўнди ва бир қараашда дўсти Алпамшани таниди. Ғоз қанотлари орасидан битта патни юлиб олди-да, хат ёзиш учун уни ботирга ташлади. Алпамша патни олди-да унга хат ёзди. У хатида ўзи учун нон, сув ва қўбиз келтиришларини сўради. Хатнинг охирида эса, шундай сўзларни битиб қўйди: “Менинг қалин дўстларимни то-пинглар. Улардан бирига мен юз танга берганман, яна бирига эса бигиз бериб чориқ тўқишини ўргаттанман. Балки улар яхшиликларимга яхшилик қайтарар...”

Ғоз хат ёзилган патини олиб осмонга кўтарилди ва учиб кетди. У учиб манзилга етди. Сандуғач ўтирган уйнинг дераза токчасига қўнди ва хатни ташлади-ю қайтиб учиб кетди. Буни эса Сандуғачнинг синглиси кўриб қолди ва хатни олиб опасига етказди. Сандуғач

хатни ўқиб, эрининг эсон-омон эканини билди ва бу хабардан қувониб кетди. Вақтни кеттазмай, дарров Алпамша юз танга берган дўстининг уйига кетди. Етиб боргач, Алпамша ундан ёрдам сўраётганини айтди:

– Мен Алпамшага нон, бир меш сув, қўбизини берай олиб бориб бер, – деди.

– Менинг вақтим йўқ! – жавоб қилди қарздор. – Мен унга ёрдам беролмайман.

Сандуғач у ердан чиқиб Алпамша бигиз берган иккинчи кишига борди. У одам Сандуғачнинг дардини тинглади ва ҳеч сўз демай йўлга отланди. У аравасини тўлдириб нон, бир меш сув, қўбизни олиб манзилга жўнади. Бир кун юрди, икки кун юрди аммо ҳеч ердан темир панжарани топмади.

У панжаранинг ер билан бир текис турганини билмади. Балки Алпамшанинг ёнгинасидан ўтиб кетгандир, буни ҳам билмади. Шу пайт дўстининг оёқ товушларини эшитган Алпамша қўшиқ куйлади:

*Дўп этган,
Дўп-дўп этган,
Айиқми, бўримикан?
Ё мен юз танга берган
Дўстиммикан,
Дўстиммикан?*

Алпамша бу қўшиқни куйлаб, кутди – жавоб бўйлади. Шунда у олдингидан ҳам баландроқ куйлай бошлади:

*Дўп этган,
Дўп-дўп этган,
Айиқмикан, бўримикан?
Ёки мен бигиз берган
Дўстиммикан,
Дўстиммикан?*

Алпамша бу қүшиқни айтгач, дўсти темир панжарали зинданга яқын келди.

– Эй дўстим, сен қаердасан? – деб сўради

Икки дўст роса гаплашиб ўтиришди. Дўсти Алпамшага нон, сув ва қўбизни берди. Кечга яқын у уйга қайтди. Алпамшага дўстидан айрилиш қийин бўлди. Хайрлашув олди унга деди:

– Менинг хотинимга айт, мени икки йил кутсин. Сўнг яна икки йил кутсин. Сўнг яна бир йил кутсин, деди. Бу вақт ичида мен қайтаман. Қайтмасам майли ихтиёри ўзида...

Дўсти кетди. Алпамша ёлғиз қолди. Ғамгин бўлди. Аммо қорни тўйди. Кўлига қўбизини олиб қайғу тўла қўшиғини бошлиди. Ўзи куйлади, ўзи ўйнади, ўз кўнглини ўзи чоғ қилди. Фақат зиндан чиқа олмади.

Бу орада ёвуз Қилтап жини суймайдиган Алпамшани унутмаган экан, уни ўлдиришга қарор қилди. У ўзининг қизи ва унинг қари энагасини чақириб уларга буюрди:

– Бир челакка оғу солиб, сахрого боринглар, у ерда бизнинг душманимиз Алпамша бор. Оғуни ўша Алпамшанинг устига сепинглар! Ўша оғуда унинг суяги ҳам қолмай эриб, чириб кетсин.

Аёллар челакни олиб сахрого жўнашди. Кечга бориб, Алпамша ётган манзилга етишди. Улар сал нарида отларини қолдириб, пиёда ўрага боришмоқчи бўлишди. Қилтапнинг қизи олдинда, ҳар тамонни кузатиб борар, унинг энагаси эса шапкўр экан ва шу сабаб унинг изидан челакни кўтариб борар экан. Тўсатдан шоҳнинг қизи ғамли қўбиз овозини эшитиб қолибди. Кимдир қўбиз чалиб қўшиқ айтар, унинг ширали овозига бутун олам тўхтаб қолгандай туюлар экан. Қилтапнинг қизи қўшиқни мафтун бўлиб тинглабди. У бу қўшиқни Алпамша айтаётганини англаш етибди ва ортга қараб энагага дебди:

– Момо, тўхта, шу ерда бироз ўтирайлик. Бу сахрода ҳеч нарса кўринмаяпти.

Улар ўтирганда Алпамша яна қўшиқ айтибди:

*Олдин келар,
Олдин келар,
Олддагиси қулиб, келар.
Ортдагиси куйлаб келар.
Бу қандайин
ажаб ишлар,
Ҳамма қўриб,
ҳайрон қолар.*

Шунда қиз деди:

– Мен бу ерда ҳеч бир зиндонни кўрмадим. Алпамша бу ерда йўқقا ўхшайди. Кел оғуни бирон чуқурликка тўкамиз-да, бориб отамга Алпамшанинг устига тўқдик, деб айтамиз.

Шундай қилиб, улар оғуни бошқа бир чуқурга тўкибди ва бироз ўтиришибди.

Қилтапга эса унинг буйругини тўлиқ бажардик, деб айтишибди.

Орадан бир неча кун ўтиб Қилтапдан қизи от миниб сайд қилиш учун рухсат сўрабди:

– Мен саҳрога от минишга чиқсан, майлим? – дебди. Қилтап қизига рад жавобини бера олмабди. Хоҳлаганча сайд қилиши мумкинлигини айтибди. Шунда қиз энг учқур аргумоққа миниб, елдай учиб чўлга етибди. Алпамша ётган ўранинг ёнига бориб, темир панжаранинг ёнида чўккалабди-да, ботирга шундай дебди:

– Эй ботир, сен бу ўрада нима қилиб ётибсан? Нима учун сени бундай жазолашди?

– Мени бу ҳолга солган сенинг отанг – Қилтап бўлади, у мени ўлдирмоқчи! – дебди Алпамша.

– Сенинг озодликка чиқишингга ёрдам бераман! Шунда мени ўзингга дўст тутасанми? – деди ҳаяжонланиб Қилтапнинг қизи.

– Ҳа, – деди, – Алпамша сен менга ёрдам бергинг келса, аввал кийим бош олиб кел.

– Мен сенга кийим олиб келаман, одамларни ҳам бошлаб келаман ва қутқараман.

– Йўқ, – эътиroz билдири Алпамша, – ҳеч кимни бошлаб келма. Агар ёрдам бергинг келса, менга манави панжарани кеса оладиган бир олмос келтир. Бундай олмос сенинг отангнинг сандигида бор. Сандиқ эса подшоҳнинг ётоқхонасида. Ётоқхона эшигини икки қопогон ит қўриқлайди. Улар сени у ерга қўймайди. Шунинг учун аввал сен итларнинг жигига тегиб, жунбушга келтир. Улар талашиб сенинг кийимларингни йиртиб ташласин. Сўнгра эса отангдан итларни жазолашини сўра. У итларни жазолаётганда, сен тезда ётоқхонага кириб сандиқдан олмосларни ол ва менга келтириб бер.

Қиз Алпамша айтгандай қилди. У саройга қайтиб, Қилтапнинг ётоги ёнига келди. Эшикни қўриқлаётган итлар келиб, унга ташланишди ва кўйлагини йиртишиди. Қиз йиғлаб отасини чақирди. Отаси итларни уриб ҳайдар экан, қиз сандиқдан олмосни олиб ўз хонасига кетди. У ердан Алпамшага кийимлар олди ва тўтри ботирнинг ёнига югорди. У Алпамшага кийимларни бериб, энди нима қилишини сўради. Шунда Алпамша деди:

– Олмос билан панжаранинг темир чивиқларини кесиб кўр. Мен эса сенга пастдан ёрдам бераман. Балки мен шунда панжарани синдириб озодликка чиқа оларман.

Қилтапнинг қизи панжарани кесишга тушди, Алпамша эса бутун кучин йиғиб темир панжарани синдиришга урина бошлади. Оёқлари билан панжарани тепиб синдириди. Панжара уч-тўртга бўлакланиб, сочилиб кетди.

Алпамша озодликка чиқди. У Ақбўзатни топган булоқ ёнига бориб ювинди. Қилтапнинг қизи келтирган кийимларни кийиб, эски кийимларини ўзи билан олди-да саройга жўнади.

Қилтапнинг қизи уни ўз бўлмасига олиб кирди ва дам олиш учун ётқизди. Алпамша ётар, аммо ухлай олмасди. У пиллапояга чиқиб, анча ўй суриб турди ва тўсатда шу яқинда отнинг кишинаганини эшилти. Алпамша Ақбўзатнинг овозини таниди, унга талпинди ва олдига етди. Ақбўзат унга одам каби сўзлаб деди:

– Ярим тунда мен отхонанинг эшигини бузиб чиқаман ва пиллапоянинг ёнига келаман. Сен мени кут ва келганимда устимга миниб ол ва мен сени ёвуз Қилтапдан қутқараман.

Ярим тунда Алпамша уйнинг пиллапоясига чиқди. Шу он Ақбўзат ҳам етиб келди ва улар елдек учиб қочишиди. Қилтап бу пайт қаттиқ уйқуда эди ва у ҳеч нарсани сезмади.

Алпамша ҳали хаёлларини йиғиб ултурмасидан Ақбўзат уни Сандуғач яшайдиган шаҳарга етказиб келди. Алпамша отдан тушди ва у билан хайрлашар экан келишиб олди: агар унга от керак бўлса, ҳуштак чалса, Ақбўзат буни эшитиб етиб келадиган бўлди.

Ақбўзат туёқлари билан тепсиниб, ёлларини силкитди, сўнгра эса елдек учиб кетди. Алпамша эски чўпонча кийимини кийиб шаҳарга кирди.

Шаҳар четида унинг кўзи кўримсиз бир кулбага тушди. Бориб кулбанинг эшигини тақиллатди. Кулбадан бир кампир чиқиб келди. Кампир Алпамшани хуш кутиб олди, уйга киритди, тўрга ўтқазиб саволга тутди: Кимсан? Қаердан келдинг? Қаёқقا кетяпсан?

Алпамша кампирга ўзини этиқдўз, деб танитди. Шаҳарга иш излаб келдим, деди.

– Сен ўз вақтида келибсан, болам! – деди унга хурсанд бўлиб кампир – бугун ўз хунарингни кўрсат: бизнинг подшоҳимизнинг қизига тўйга кийиш учун бир читек³¹ тикиб бергинки ҳаммага бирдай ёқсин. Шунда ошифинг олчи бўлиб, ҳамма сенга буюртма берадиган бўлади.

³¹ Читек – татарларнинг гуллар билан безаб тикиладиган аёллар этиги.

Алпамша:

– Хўп, тикаман, – деди.

Алпамша тун бўйи читек тикди ва тонгтacha уни тайёр қилди.

Эрталаб тургач, кампирга деди:

– Кеча туш кўрдим, тушимга каптарлар кирибди, энди нима бўлар экан-а?

Кампир деди:

– Хотининг борми?

– Бор эди, бироқ унинг қайдা эканини билмайман.

Мен бошқа шаҳарда эдим, у бошқа шаҳарда эди.

У ўзининг подшоҳ, кўёви эканини яширди. Кампир ҳам унинг ҳолини тушунди:

– Сенинг хотининг бир фарзандли бўлган, боланг ўғил бўлса керак!

Эрталаб кампир самоварда чой дамлади, Алпамша билан нонушта қилди.

Шу пайт кўчадан гўёки тўп отгандай гумбурлаган овоз келди. Нима бўлди экан?

— Нега отишяпти? – Алпамша ҳовлиқиб кўчага югуриб чиқди – Бу ерда уруш бўляптими?

— Хавотир олма, болам, ҳеч ким тўп отаётгани йўқ. Одамлар Алпамша душманлар устидан ғалаба қозонганлиги шарафига қурилган катта минорани қулатишяпти. Айтишларича, ўша Алпамша деганлари олдин бўлган-у, ҳозир йўқолиб қолган эмиш. Баъзи одамлар айтишларича, у ўзи ҳеч қачон ботир ҳам бўлмаган, ғолиб ҳам бўлмаган, подшоҳнинг қизига ҳам ёлғон йўл билан уйланган экан. Шунинг учун подшоҳ ўзига муносиб куёв топиб, унга Сандуғачни никоҳлаб беряпти. Бир-икки ой ичида уларнинг тўйи бўлади.

Алпамша кампирни тинглаб бўлгач, ўйланиб қолди, тақдир менга бир синов юборганга ўхшайди. Нима қилсан экан?”

Сўнг кампирга деди:

– Моможон, илтимос, мана шу читекни подшоҳнинг

қизига олиб бориб берсангиз. У читекни кийиб кўрсинг ва агар бу унга ёқса, арзимас совға сифатида олиб қолсин. Ва яна айтингки, агар хоҳласа, мен унга бошмоқ ҳам тикиб беришими мумкин.

Кампир читекни олиб саройга жўнади. Таъзим билан уни подшоҳнинг қизига тутқазар экан, шундай деди:

– Ушбу арзимас совғани тӯёна сифатида бир ёш этиқдўз номидан қабул қил!

Сандуғачга читек жуда ёқди. Кийиб кўрди, ўзига мос экан.

– Моможон, ўша этиқдўзни бизникига бошлаб келинг! Мен унга хона ажратиб бераман ва у бизга янги бошмоқлар тикиб беради, – деди Сандуғач.

Кампир унга жавоб қилди:

– Мен айтган этиқдўз шунчалар қашшоқчи, саройга кийиб келишга кийими ҳам йўқ. Шунинг учун, агар сиз тикишга керакли нарсаларни берсангиз, у тикиб бераверади.

Сандуғач кампирни тушунди. Унга совға саломлар ва тикишга керакли нарсаларни бериб, уйига кузатди. Алпамша ундан-да яхши оёқ кийимлар тиқди, унга ҳам ҳаққини яхши тўлашди.

Бир ой ўтиб тўй куни ҳам етиб келди. Кампир Алпамшани чақирди:

– Ўғлим, фалон куни тўй бошланади. Сен ҳам саройга бор! Тўй таомларидан еб, подшоҳнинг қизини табриклиб қайт.

– Моможон, ахир мени саройга яқин ҳам йўлатишмайди. Ўзингиз кийимларимнинг аҳволини кўриб турибсиз-ку!

– Тўй куни саройга ҳаммани киритишади. Кўрқмай боравер! Майли, мен ҳам сен билан бирга бораман, – деди кампир.

Алпамша елкасига тўрваҳалтасини ташлаб саройга жўнади. Йўлда Алпамша ўзининг номига қурилган ми-норага қаради. Уни йиқитишган экан.

Алпамша подшоҳ саройига боргач, айланиб ҳамма хоналарни бир-бир күздан кечирди. Охири Сандуғач синглиси Қарлуғач билан кийим тикиб ўтирган хона-ни топди. Эшикни очиб останада тұхтади. Сандуғач бу гадой йигитни күриб деди:

— Сиздай ёш йигитта тиланчилік уят эмасми?!

– Сен мен бошимдан кечирғанларни билганингда әди, бундай демасдинг, аксинча, менга раҳминг келган бўлар эди.

Шунда Сандуғач ўрнидан туриб унинг тўрваҳалта-сига тўлдириб ун солди. Аммо гадой йигит унга эъти-роз билдириди:

– Мен очман. Нон ёполнасам, унни нима қиласман. Менга яхшиси нон бер!

Унга Сандуғач яримта нон тутқазди. Алпамша бу нонни эшикка етмай бир ямлаб еб қўйди-да деди:

– Эҳ, сен подшо қизи бўлатуриб, менга бутун нон ҳам беролмадинг. Буни еб олай, мен сендан ҳали яна нон сўрайман.

Шунда Сандуғачнинг синглиси унга катта бир бўлак нон тутқазди. Алпамша нонни олиб опа-сингилларга раҳмат айтди ва секин хонадан ташқарига чиқди. Ал-памша оч әди ва шунинг учун ҳам останада туриб нон-ни кавшай бошлади.

Бу пайт Сандуғачга синглиси:

– Бу гадой жезнэммикан-а³², гавдаси жуда ўхшар экан! – деди.

– Қайси жезненг? – деди Сандуғач.

– Алпамша жезнем, – деди Қарлуғач.

– Ҳа, балки менинг эримдир?! У қайтиб келиб, менинг тўйдан хурсандми ёки хафалигимни билиш учун кузатиб юргандир? – каловланиб қолди Сандуғач, – қани, уни чақирайлик-чи, яхшилаб кўрайлик, ким экан у? Менинг эримнинг бошида каттагина холи бор әди. Уни чақириб, яна нон узатамиз ва шу орада мен нон-

³² Жезне (тат: жизнә) – почча.

ни бехосдан ерга тушириб юборган бўламан. У нонни олишга эгилганда сен унинг бошидан телпагини юлиб оласан ва кўрамиз, бошида холи бормикан ёки йўқми?

У ҳали гапини тугатмасдан туриб, Алпамша ўзи қайтиб кирди ва шундай деди:

– Мен сиз берган ноннинг ҳаммасини еб бўлдим.
Менга яна нон беринг!

Сандуғач унга яна нон тутди, аммо унинг қўлига етказмай ерга ташлаб юборди. Алпамша нонни олиш учун ерга эгилганда, синглиси бошидан телпагини юлиб олди. Улар гадойнинг бошида холи борлигини кўриб Алпамша ботирни таниб олишди. Опа-сингиллар уни қўлтиқлаб олиб меҳмонлар ўтирган хонага етаклашди. Тўрга ўтқазишибди ва энг лазиз таомлар билан меҳмон қила бошлишди.

Подшоҳ буни кўриб, аччиқланди ва уларга қараб бақира бошлади:

– Сиз нима учун гадойга бунча ҳурмат кўрсатяпсиз?
Бир марта Сандуғачга чўпон эр чиқиб, Алпамшанинг саройимга киргани ҳам етади. Иккинчи марта мен бунга йўл қўймайман! Бу ялангоёқни кўзимдан тез йўқотинглар!

Подшоҳ шу сўзларни айтиб, жаҳл билан хонани тарк этди.

Сандуғач билан синглиси эса икковлашиб Алпамша ботирнинг қорнини тўйғазишибди. Тўйгунча дийдорлашиб, чақчақлашиб ўтиришибди. Сўнгра эса бошқа хонада онаси билан суҳбатлашиб ўтирган отасининг ёнига боришибди. Бу ерда янги күёв ҳам бор эди.

Сандуғач отасининг ёнига кириб шундай деди:

– Ота, мен ҳеч кимга эрга тегмайман, чунки менинг ўз эрим Алпамша қайтиб келди.

Подшоҳ айтди:

– Алпамшани ҳамма жасур, абжир ботир, деб билар эди – у билан ҳеч ким майдонда беллаша олмас эди.
Қани, сен етаклаб келган одам, бирон бир иши билан

Алпамшалигини исботласин-чи?! Акс холда, мен сенга ҳам, унга ҳам ишонмайман!

Улар бирга Алпамшанинг ёнига чиқишиди. Бўлган гапни Алпамшага айтишиди.

– Яхши, – деди Алпамша. – Ҳозир менинг чақиришим билан бу ерга Ақбўзат келади. Ақбўзат менинг каби Сандуғачнинг ҳам отидир. Мен унга минаман ва шаҳарнинг бош кўчасидан от чоптириб ўтаман. Отнинг чопишидан осмонга шундай тўфон кўтариладики, ҳамма шундан фақат Алпамшагина бу отни шундай минишини билиб олади.

Алпамша шундай деб, пиллапояга чиқди ва ҳуштак чалди. Шу онда қаттиқ кишинаганча Ақбўзат етиб келди. Сандуғач отни тилло эгар билан билан эгарлаб, тиллодан юган тақди. Алпамша отга ўтириб шаҳарнинг шоҳ кўчасидан юра бошлади. Ақбўзатнинг оёқларидан ўт чақнаб, чанг-тўзон кўтарилди ва тўфонга айланиб, ер юзи силкина бошлади.

Алпамша ўзига аatab қурилган минора ёнига борди ва у ерда ўзининг камонини кўрди. Кўрдик, унинг камонини қирқ йигит бирлашиб жойидан қўзғатолмай турган экан:

– Менинг камоним сизга нега керак бўлиб қолди? – сўради улардан Алпамша ботир.

– Биз уни кўтариб, ундан минорани охиригача қулатиш учун ўққа тутмоқчимиз, – дейишиди унга йигитлар.

Алпамша ботир камонни бир қўли билан кўтарди ва осмонга қаратса ўқ узди. Халқ буни кўриб ҳайратта тушди: Ботирнинг бир ўқ отганини кўриб подшоҳнинг ҳамма йигитлари қочиб кетишиди. Сандуғачга уйла-наётган йигит ҳам буни кўриб секингина саройдан чиқиб, қочиб қолди.

Алпамша ботир ва Сандуғач яна бирга яшай бошлашиди. Улар аҳил ва баҳтли яшашди. Мехмондўстлик билан меҳмон кутишиди: қўноқларни кечқурун кутиб олишиди, эрталаб кузатишиди. Баҳтли саодатли умр кечиришиди.

АЛПАМИС БАТИР

Қозоқ халқ достони

Байбўри ва Аналиқ

Бурун ўтган замонда, дин мусулмон омонда, Жидели Байсин ерида, қўнғиротлар элида, Бойбўри деган бой бўпти, тўрт тулуғи³³ сой бўпти.

Қўнғирот элини худо сўйган, Бойбўрини уларга бий қилиб қўйган экан. Бойбўрининг қўраси тўқсон минг, олдин нўхта тегмаган, туючилар минмаган, тусининг сони саксон минг экан. Яйловларда кўп йилқи, тўқайларда минг йилқи, Жидели Байсин даласини тўлдириб ётган йилқиларининг ҳеч ҳисоби йўқ экан.

Бойбўри отларининг кўплигидан уларни тусига бўлиб боқар экан. Оппоқ сутдай оқ отлари бир бўлак, тўриқ билан қора отлари бир бўлак, бўз отлари ва ола отлари яна бир бўлак боқилар экан.

Аммо Бойбўри бой бўлиб, шунча моли бўлса ҳам, боласи йўқ, бир тирнокқа зор экан. Унинг яратгандан сўрагани бир ўғил бўлиб, бу орзуси унинг қайғусига айланган, ичига чироқ ёқса ёришмас экан. Агар умрини яшаб, бу дунёдан ўтса, унинг номи ҳам унутилиши, чироғини ёқиб ўтирадиган бирон фарзанди қолмаслигини ўйласа, юраги баттар эзилар экан.

Унинг бутун ёшлиги бир кундай ўтиб, ёши етмишга етибди. Билагидан куч кетиб, умрнинг бевафолигини ҳис қилибди, юраги сиқилибди. Уни ёлғизлик ҳеч тарк этмас, фарзандсизлик доғи битмас экан.

Бойбўрининг ўзи отадан ёлғиз фарзанд, бирон оғаниси ҳам йўқ экан. Бир куни бой атрофига қараб, қариндошларига разм солибди. Улар орасида, бошига кун тушса дардини тушунадиган, ҳолини сўрайдиган, ёмон кунига ярайдиган бир яқинини кўрмабди. Шу-

³³ Тўрт тулуқ – уй ҳавонлари (туя, от, сигир ва қўй).

нинг учун ўзига қон-қариндошлиқда эңг яқини бўлган, аммо ундан анча йироқда яшайдиган амаки иниси Култойни эсга олибди. Ўзга юртларга одам юбориб, Култойни топтириб келиб, ўзига яқин тутиб, бир жойда яшай бошлабди. Аммо Бойбўрининг кўнгли бу билан ҳам тинчимай, ўзини ёлғиз ҳис қиласверибди,

Яна орадан йиллар ўтиб, Бойбўрининг ёши саксонни қоралабди. Кўзларидан нур, юзларидан сур³⁴, билағидан куч кетиб, қариб қолибди. У ҳар куни ўзига биргина саволни берар экан: “Мен ким учун шунча молдунё тўпладим? Бунча дунё энди кимга қолади? Мен нега яшадим ўзи?”

Кундан-кун ортиб бораётган бойлик ҳам, етти иқлимдан келтирилаётган нозу неъматлар ҳам, байрам-у шодлик, шону-шараф ҳам Бойбўрининг қалбига малҳам бўла олмас экан. У олдинги қувватини бериб қўйган, ўтган даврлар эса, унга тушдек туюлар эди.

Яқинлари унга малҳам бўлиш учун уринишар, уни ҳар хил усулда ўйларидан чалғитишига уринишар, Бойбўри эса, одамлардан ўзини олиб қочар, одамови бўлиб қолган эди.

Бойбўри бу азобларга чидай олмай, дардини ёлғиз Аллоҳга айтадиган бўлди. Кунлардан бир кун у қибла томон бурилиб, икки кўзи ёшга тўлиб, дунё дардига тўйиб, бошни саждага қўйиб, ёлғиз Ҳаққа нолинди:

*Олмадинг, Худоӣ, жонимни,
Бир боланинг йўғидан,
Бутун эл ер молимни.
Айланайин исмингдан,
Яратган ёлғиз худоийим.
Бир боланинг йўғидан,
Торлик қилди манглайим.*

³⁴ Сур – инсон ва ҳайвонларнинг образи, қиёфаси, аникроғи эса юзидағи маънени англатади.

*Мени доим камситар,
Боласи кўп оғайним,
Кўрар кунинг бормикан,
Кўзда ёшим, худойим!
Суягим кетти қўкариб,
Дўстим кетди итариб,
Кўрар кўзим кўр бўлди,
Бир бола кутавериб.
Оқсан ёшим тиёлмай,
Фарзанд дого тутади.
Боласи йўқ одамнинг
Ҳар кимга ҳақи кетади.
«Бойбўри қувбош»³⁵ деган,
Сўз суюқдан ўтади.
Яратган Жаббор Худойим,
Фарзандга зор қилгунча
Яратмасанг нетарди?!*

Бойбўри шундай деб, йиглаб юрди. Ич-ичидан ёлвориб, Худодан бир бола сўраб, юрагини тиғлаб юрди.

Кўкнинг туби йўқ, поёни йўқ, замоннинг боши йўқ адоги йўқ. Жидели Бойсин устида гоҳ кун чиқди, гоҳ ботди. Йиллар ўтди, аммо Бойбўрининг дарди ёзилмади. Дунё кўзига тор кўринди. Бирорлар оқсоқолнинг ҳолига ачинса, бирорлар қувонди, яна бирорлар эса унинг олдида оғзини кўпиртириб, фарзандлари нечтаглиги, уларнинг яхшиси-ю ёмонини айтиб, Бойбўрининг кўнглини синдиради. Бир куни Бойбўрининг ўтовига Култой ҳол сўраб келди.

– Эй оғажоним, Султоним Бойбўри! – деди оқсоқолга яқин келиб. – Сизни безовта қилдим. Аммо мен сизнинг суюгингиз, суюнчиғингиз, қондошингизман, яхши кунингизда ҳам, ёмон кунингизда ҳам дарддошингизман. Кеча ҳаётимда бир янгилик бўлди ва бу хабарни сиз билан бўлишай, деб ёнингизга олиб келдим. Сиз

³⁵ Қувбош (қоз: қувбас) – боласи йўқ.

менинг эңг яқиним бўлганингиз учун, сизга маслаҳат солиб келдим.

– Гапир, Қултой! – Бойбўри ҳаяжонланиб, ётган ўрнидан турди. Ҳаяжонининг сабаби, у тўшакда ётиб қолиб, худодан нималарни дир умид қилиб ётар, кўнгли ҳам қандайдир янгилик рўй беришини сезган эди. Бойбўри атрофга аланглаб, умид билан боқар, яқинда қалбидаги дардларни аритадиган, тақдирида баҳтли ўзгариш бўлишини кутар, ҳатто бунга тушларида бир белги берилишидан умидвор эди. Шунинг учун умидли кўзлари билан Қултойнинг ёниб турган кўзларига қаради.

Қултой гап бошлади:

– Мен сизнинг давлатингизни бошқарар эканман, хизматкорларингиз билан ҳам бирга кўришиб, ишлашимга тўғри келади.

– Гапни чўзма, Қултой!

– Сизни алдаб бўлмайди, Бойбўри, шундай экан, тўғрисини айтай. Хизматкорларингизнинг орасида бир тезакчи аёл менга ёқиб қолди. Сал сийпалаб, эркалас қўювдим, ўша аёл кеча бир ўғил фарзанд туғиб берди. Худо шуни бизга раво кўрди. Мабодо, сиз шуни ўғил қилиб олсангиз бўлмайдими, деган хаёлга бордим. Қариганингизда жонинизга оро киармиди?

Бойбўри қариндошининг гапидан боладай қувониб кетди. Унинг кўзларида умид учқунлари пайдо бўлди. Ўйлаб ҳам ўтирмай Қултойнинг таклифига рози бўлди ва болани тезда уйга келтиришни буюрди.

Уни ақли әмас, қалби бошқарар эди. Бойбўрини бехос оталик ҳисси қамраб олди, бўлари бўлди, қалби қувончга тўлди.

Оқсоқол Жидели Байсин әлига ўз истаги ҳақида хабар, қутлаб келганга қўй берди, болага Ултан, деб исм қўйиб, элга катта тўй берди. Қултой ва хизматкорнинг боласи туғилганда ўралган жанда йўргаги етти тепадан нарида қолди, қўй терисидан қилинган пўстаги

саккиз сойдан нарига ташланди. Ултан Бойбўрига ўғил бўлди. Эртаклардагидай дунёга тушиб, армон билмай ўса бошлади.

Бойбўрининг улкан давлати соясида Ултан камчилик нималигини билмай ўсди. Унинг болалиги фақат эркалиқда ўтди. Ҳеч ким киймаган ипак кийимлар, ҳеч ким емаган тансиқ таомлар, кўнгли тусаган ўйинчоқлар Ултанга муҳайё қилинди. Аммо Бойбўрининг асраб олган боласи шунчалар хунук ва беўхшов эдикни, қараган одамнинг кўнгли бузиларди. Шунга яраша у, қилиқлари ҳам беўхшов ва жуда одобсиз бўлиб ўсди. Ултанинг узун ва қийшиқ қўл-оёқлари катта ўргимчакни эста солар, кўкрак қафаси ношуд уста ясаган сандиқقا ўхшаб кетарди. Бурни пучуқ, қийшиқ оғзидан кетмонга ўхшаш сап-сариқ тишлари сўллайиб чиқиб турар эди. Гапирганда ҳайвондай кавш қайтарганга ўхшар, горга ўхшаш оғзидан фақат сассиқ гаплар чиқар, тинмай эснайверарди. Кўзлари чуқур қудуқ ичидан йилтиллаб кўринган сув каби совуқ кўринар, одамлар уни кўрганда худди беўхшов бир мурдани кўргандай, юзини олиб қочар эди.

Ултан бесўнақай ва қўпол бўлиб, юрган жойида ўзи билан фалокатларни эргаштириб юрар эди. У нима қўлига тушса синдирап, оёғининг тагига тушганни әзғилар, кучи етганни урар, етмаганни сўкар, етказгани озор, ҳамма ундан безор эди. Айниқса, аёллар ундан қўрқар, уни кўрди дегунча қочиб қолишар эди. Чунки, шу аҳмоққа тўғри келиб бир балога йўлиқишдан ҳамма ўзини асрар, ундан нолиб, қарғаб юришар эли. Эркаклар ҳам унинг ёмон қилиқларидан безор бўлган, Ултан бор жойдан ўзини олиб қочар эди. Овулнинг халқи, Бойбўри ўғлининг қилиқларидан хабар топса не куйга тушишини ўйлаб, чолга ачинишар эди.

Аммо Ултанга барибир эди. У кўнгли тусаган ишни қилас, овулнинг оқсоқолларининг ўгити, одамларнинг гапи унга кор қилмас эди. Бора-бора Ултан қўлида

катта чүқмор олиб юрадиган, ким унга ёқмаса ёшу қары ҳаммани сўкиб, урадиган одат чиқарди. Унинг дастидан овулда яшаб бўлмай қолди. Ҳамма ундан қочадиган бўлгани сари, Ултан ҳаддидан ошар, аста-секин Култойни, Култой қолиб Бойбўрини ҳам сўқадиган одат чиқарди. Бу ҳали ҳолvasи эди. Сал вақт ўтиб, Ултан Бойбўрини қўймайдиган, ундан ҳамма давлатини ўзига ўтказиб беришини талаб қиласидиган бўлди. Уни тили заҳардай аччиқ, ҳар сўзи Бойбўрининг дилини яралар, бечора нима дейишни билмасди.

– Эй қовоқбош! – деди у бир куни Бойбўрига – қунинг битиб турибди, бир оёғинг ерда, бир оёғинг гўрда, сенга бунча давлат нимага керак? Ёки шунча бойликни ўзинг билан гўрингта олиб кетасанми?

Ултанинг бундай қилиқларидан ҳамма ёқа ушлар, айрим юраги бўшлар унинг гапларидан эзилиб, йиғлаб юборар эди. Жидели Байсин ҳалқи ҳали бунчалик юзсиз ва танбал болани кўрмаган эди. Ҳамма ўзини унутиб Бойбўрига ачинар эди. “Бечора Бойбўри ва Аналиқ, бу дунёдан ҳеч рўшнолик кўришмади, шундай ҳам шум тақдир бўладими?” дейишарди улар. Айниқса, Аналиққа қийин бўлди. Бечора ҳаммасини юракка олавериб, адойи тамом бўлди. У бу ситамларнинг бош сабабчиси ўзим, дея эзилар, туғмаган хотининг куни қурсин, дея элдан ўзини олиб қочар эди. У кундузлари қайғуда, тунлари бедор бўлиб, ранглари синиқиб кетган, гўёки бир соядай бўлиб қолган эди.

Кунлардан бир кун Аналиқ узоқ ўйланиб, эрининг ёнига келди ва аста ўтирди-да, унга маслаҳат солди.

– Мен сизнинг останангизга илк бор қадаб қўйганимда орзуларим оппоқ эди, – дея гап бошлади Аналиқ, кўзларида жиққа ёш билан, – аммо орзуларим ҳамон сўнмаган, шунинг учун илтимос менга қулоқ солинг. Ёшлигимиизда ёш эдик, ҳамма нарсани ўзимиз яратамиз, дердик. Энди қариганда ўйлаб қарасак, бу

жаҳоннинг ҳам, ҳар бир жоннинг ҳам эгаси бор экан. Тақдиримизда нима бўлса, бари Аллоҳдан. Аллоҳ эса раҳмли зот. Биз ундан умид узмайлик, қайта-қайта ўзидан сўрайверайлик. Авлиё Ҳазратни зиёрат қилсак, бир боланинг зоридан жонимизни хатарга қўйиб, ҳолимииздан нолиб, оётимиз толиб, ковушимиз йиртилиб, муқаддас жойларга интилиб, бориб сўрасак, умидсиз қилмас. Майли, қалбимиздаги дардларимиз ҳаммага ошкор бўлсин, балки шунда яратган дардимизни тинглар?!

Бойбўрининг кўзларида умид учқунлари кўринди. Фақат емак ва ичмакдан бошқа дарди йўқ бир дайди каби, уни аллақачон умидлар тарк этган, ҳаётдан бутунлай кўнгли қолган эди. Ҳозир ҳам у ўзини худди қафасдагидай ҳис қилиб ўтирган эди. Бироқ аёлининг гапларини ҳаяжон билан, берилиб эшилди. Аналиқнинг сўзлари унинг кул босган умидларини қайта уйғотиб юборди.

Чол ва кампир дарров йўлга ҳозирлик кўра бошлиди. Бойбўри аввал отардан танлаб оппоқ, мугузи худди яrim ой каби қайрилма, катта бир қўй келтириб қурбонлиқ қилди. Бутун Жидели Байсин аҳлини йифиб, зиёфат берди. Оқсоқол одамларга Хожа Аҳмад Яссавий номи билан машхур бўлган, авлиё Ҳазрати Султоннинг қабрини зиёрат қилиш учун кетишаётгани ва зиёратдан кўзлаган ниятини айтиб ҳаммага миннатдорчилик билдириди. Кўнғирот эли билан хайлрлашди. Ақл ва ҳаёда тенги йўқ Аналиқ бу пайт хизматкорларига сандиқ тўла қимматбаҳо тошлари-ю, зебу зийнатларини келтиришни буюрди ва уларнинг ҳаммасини келганларга тарқата бошлади. У азиз авлиёларга атаганларидан бошқа ҳамма нарсани тарқатиб юборди. Ожизанинг онгида дунё нарсаларидан кечмагунча, ҳикмат бўлмайди, деган ўй кечар, негадир у шунга қаттиқ ишонар эди.

Улар муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш учун қулай – чоршанба куни туш пайтида йўлга чиқишиди. Улар юкларини кул рангли тяга ортиб, уни гилам ва бошқа йўлга керакли анжомлар, ҳадялар билан тўлдиришиди. Бойбўри ва Аналиқни кузатишга бутун овул йигилиб келди. Катта-ю кичик, уларнинг аҳиллиги ва умиди йўқотмасдан ҳамон фарзанд учун интилаётганига ҳавас қилас, ҳамма уларга яхшилик тилар эди.

Дашт ҳалқининг бир яхши одати бор, бирорни кузатса кун ботгунча ҳамроҳ бўлади. Одамлар улардан ажралгиси келмай, кун бўйи уларга йўлдош бўлишиди. Аср вақтида Бойбўри ва Аналиқ бир тепаликка етгач, тўхташди. Одамлар уларнинг атрофида тўплангач, Бойбўри тепага чиқиб гап бошлади:

– Эй менинг қавмим, қариндошларим, Жидели Байсин халқи! – сиз менинг тақдирим учун бефарқ эмаслигингиздан бошим осмонга етди. Хурматимизни қилиб, шунча йўлга кузатиб келдингиз! Буни ҳам юрагимнинг туб-тубида сақлаб қоламан. Боболаримиз “дуо олган қул хор бўлмайди”, деб бекорга айтмаган. Сизларнинг дуоларингиз, бизга куч бағишилади. Бу дуолар Аналиқ ва менинг қийин синовларимизда йўлдош бўлсин! Ҳаммангиздан миннатдорман! Мен ҳам манзилга етгач, ҳаммангизнинг ҳақингизга дуо қиламан. Яратган ҳеч биримизни баҳтсиз қилмасин, дуоларимизни қабул қилсан! Энди эса хайр, уйларингизга қайтинг!

Бойбўри ва Аналиқ шу ердан бошлаб ўзлари ёлғиз манзилга жўнашди. Уларнинг ортидан анча вақтгача одамларнинг ғала-ғовурлари, тилаклари эшитилиб турди. Бойбўри ва Аналиқ чарчоқ нималигини билмай, шошиб йўл босар, худди бугун биринчи бор йўлга чиқсан йўловчилик, иштиёқлари баланд эди. Янги ой чиқиб, тўлишиди. Яна янги ой чиқди ҳамки, улар манзилга етиб бора олишмади.

Бойбўри ва Аналиқ йўл юрган сари, йўллари қийинлашиб борар эди. “Ўз юртингдан қирқ қадам чиқсанг мусофирилик бошланади” деган гап, Бойбўрининг ёдига тушаверар, аммо у бунга ҳечам парво қилмас эди. Уларнинг йўлда тортган азобларини айтиб адо қилиб бўлмайди. Аммо қанча заҳмат бўлмасин, Бойбўри ва Аналиқ ҳеч бўш келмади. Ҳар иккисининг ёши саксондан ошган бўлса-да худди оловга интилган капалаклардек олдинга интилишар, чарчоқ нелигини билишмас эди. Ҳар бир саҳродан ўтиб, чарчоқ уларни енганида, уларга орзулари куч-қувват берар, кўз ёшлирини аритиб, олға бошлар эди.

Олдинда икковини энг маشاққатли йўл – Изғир³⁶ даштида кутар эди. Изғир дашти изғиринлар дашти эди. Тўрт томон қақшаган чўл, у ер бу ерда оёқости олабута шўра ўсган, ҳар ерда шамолшўраклар думалаб юрибди. Иссик шамол юзга уради. Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куяди. Изғирда мўлжал олай ёки ўтириб дам олай десанг, на бир тош, на бир сўқмоқ топилади.

Қарияларнинг олдида фақат шамолшўраклар думалаб юрар, мўлжал олишга ҳеч бир белги йўқ эди. Аммо икковининг юрагида, уларни асир қилган умид яши-ринган эди ва шу умид уларни етаклаб борар эди.

Бир куни Аналиқ сувсизлик ва қийноқларга чидай олмай, бошларини тутганча тўхтаб қолди ва боши айланиб кўзлари тиниб, ерга йиқилди. Йиқилиб, кўзда ёш билан нола қилди: “Ё Аллоҳим! Нима қилган гуноҳларимиз учун бизни бунча қийнайсан! Биз сенга нима гуноҳ қилдик”. Бойбўри аёлинни узоқ вақт юпатди. Сўнг Аналиқ унга юпанч бўлди. Яна умидларига эргашиб, оёқларини зўрга судраганча йўлга чиқишиди.

Бойбўри болалигидан қийинчилик нималигини билмай ўсган, умри от устида ўтган эди. Аналиқ ҳам ундан қолишмас, ҳар доим унинг хизматида чўрилари

³⁶ “Алпомиш” достонининг ўзбек версиясида “Изгор” шаклида келган.

бўлган, шу пайтгача заҳмат нелигини билмаган эди. Аммо шундай бўлса ҳам улар ўзларини ўзлари имтиҳон қилишиб, иккиси ҳам туюга бир марта бўлса ҳам минишмади. Улар қайсарлик билан пиёда юришар, Ҳазрати Султонга етишиш уларнинг назарида заҳмат билан бўлиши керак эди. Иккисининг ҳам кўзлари киртайиб, юзлари сўлиб қолди. Аммо бўш келишмади. Кўп мاشаққатлар чекиб бўлса ҳам Изғириналар мамлакатидан ўтиб олишди. Улар бу даштни қирқ кунда ўтишди. Шу қирқ кун Бойбўри ва Аналиқнинг ҳаётидаги энг қийин кунлар бўлди.

Изғирдан ўтган Бўйбўри ва Аналиқ бир ҳафта сариқ қумлар учиб юрадиган, иссиқ чўл оралаб юришди ва ниҳоят муқаддас зот ётган ерга яқин бўлган бир юртга етишди. Бойбўри ва Аналиқ ҳар доимгидай, шом кирган вақтида етиб борган жойларига қўш ташлашди. Ҳар доимгидай тўшак солиб ётишди ва уйқуга кетишиди. Бу уларнинг манзили йўлидаги охирги туни эди. Шунинг учун улар эрта туриб, тун ва куннинг фажри бошланмай йўлга тушишди. Уларни сабрсизлик ўз домига олган. Шу сабаб, ғайрати жўшиб, қадамлари тезлашар, вужудлари олдинга интилар эди. Энди эса табиат ҳам уларга кўмак бергандай эди. Мовий осмон кўзни қамаштирас, дунё гўзаллашиб борар, ҳаво ҳам енгил эди. Йўловчилар тонгги енгил ҳавода кўпроқ йўл босайлик, деб қадамларини тезлатишиди. Улар ўз кучлари сарфлашнинг чоғини олган, ўзларини чарчатмай йўл босишига ўрганиб қолган эдилар. Бу сафар ҳам дадил юришиб, кейинги тоғнинг чўққисини забт этишиди. Чўққига чиқиб, олдинда ястаниб ётган кенгликлар орасида Ҳазарти Султаннинг мовий гумбазли мақбарасини кўришди.

Улар гумбазни кўриб, бошларидан кечирган мешаққатларни бир зумда унуптишиди. Бойбўрининг юраги Ҳазрати Султан мақбарасини кўриши билан, қаттиқ ура бошлади. Аналиқ кўзлари ёшга тўлиб, ярат-

ганга илтижо қылди: “Аллоҳим, бизнинг зиёратимизни қабул қил! Дардимизга ўзинг даво қил...”

Мақбарагача яна бир кунлик йўл бор эди. Аср вақти ўтиб, ерга ғарбдаги тоғлар соясини ташлай бошлаганда, Бойбўри ва Аналиқ манзилга етиб келишди. Улар қутлуг жойга етиб, мақбара ёнида қўш³⁷ ташлашди.

Эртаси куни субҳ вақти Бойбўри ва Аналиқ уйқудан туриб масжидга киришди. Бамдод намозини масжида адо қилиб, шу ернинг хизматчиларини чақиришди. Уларга нега келгани, нима ниятлари борлигини айтиб беришди. Сўнг совғалар улашиб, масжид меҳробига қимматбаҳо тошлар қўйишишди. Бу ерда Бойбўри ва Аналиқ етти кечак, етти кундуз қолишишди. Бу етти кун улар учун гўё етти йилдек туюлди. Улар бу кунларни ибодат қилиб, яратганнинг марҳаматидан умидвор бўлиб, ишонч билан ўтказишишди.

Ҳеч нарса Холиқнинг изнисиз бўлмайди. Аммо У бўл деса, бўлмай қолмайди. Иккови ишонч билан бирбирига термулиб, яратгандан бир белги кутишишди.

Ҳазрати Султан мақбарасининг гумбази осмонларга тегади. Аммо бунинг ҳайбати оддий одамлар ситамини енгил қилмайди. Аллоҳнинг бандаси нега унга ибодат қилади? Ўзгадан эмас ўзидан сўрайди. Бир марта бўлса ҳам марҳаматини кўрсам, дейди. Аммо меҳрибон Аллоҳ марҳаматининг аввали ё охири борми? Буни ҳеч ким билмайди. Бойбўри ва Аналиқ энг сўнгти умидларини бу ерга етаклаб келган, бошқа уларнинг на орзузи, на истаги бор. Умр ўтиб бўлган, улар эса келажак орзусида юрибди.

Етти кунни ўтказиб, иккови яна йўлга тушишишди. Энди улар Қоратогнинг муқаддас даралари ва ғорларини зиёрат қилишга жўнашди. Бу ерлар қадимдан муқаддас саналар, ҳар қадамда муқаддас қадамжолар бор эди. Бойбўри ва Аналиқ биронта қадамжони қолдирмади.

³⁷ Қўш ташлаш – йўловчилар ёки меҳмонлар дам олиш учун тўхташи, қўналға.

Улар уч кече, уч кундуз авлиёликда Ҳазрати Султандан кам саналмайдиган Бобо ота зиёратгоҳида қолишиди. Ўша пайтлар қозоқ халқининг бosh бобоси Бобо отанинг қабри устида на бир Жадигерлик ва на мақбара бор эди. Фақат бола ётадиган бешикдай бир дүнглик бор эди холос. Аналиқ шундан бир ҳикмат кўргандай бўлди. Буни эрига айтди. Бойбўри қолган бутун қимматбаҳо буюмларини шу ерга сарфлаб, Бобо Отага мақбара курдирди. Улар охири марта Бобо отани зиёрат қилаётганда, уларнинг сафарга чиққанига тўқсон кун тўлди. Аммо улар ўзларида бирон ўзгариш сезишмади. Чарчоқлар уларни қийнаб қўйди. Аммо уларни энди тўхтатиб бўлмас, иккиси бир фарзанд илинжида бутун дунёни кезишга ҳам тайёр эдилар.

Бойбўри ва Аналиқ Бобо ота зиёратгоҳидан чиқишиганда тонг отган эди. Олдинда яна узоқ йўл, йўлнинг охири баланд тоғ қояларига уланиб кетган. Ёзнинг қуёши тепага келиб, вақт пешинга оқсанда йўловчилар тор бир дарага етишиди. Дара уларга жуда сирли туюлди. Яна икковини олдингидай умидли ҳислар чулғаб олди. Улар яна дадил қадам ташлаб, оппоқ қорлари яшнаб турган қоялар сари интилишиди. Улар тоғ тепасига чиққунча, дам ҳам олишмади, чарчоқ нималигини ҳам билишмади. Фақат олдинга юришиди.

Ҳазрат Шашти Азиз³⁸

Чол кампир худди қўш тудай бир-бирига эш бўлиб, осмонўпар тоғларнинг тепасига кўтарилишиди. Тоғнинг тепасига чиқиб олишгач, Бойбўри ва Аналиқ улкан дарага назар ташлаб, тоғнинг этагида тагидан жимирлаб сув оқиб чиқиб турган, бўталоқнинг кўзидаи

³⁸ Баба Тукти Шашты Азиз (тарж: Тукли, сочли азиз ота) - қозоқ мифологиясида кенг қўлланиладиган, қозоқлар орасида исломни ёйишида катта хизмати синган шахс. Жанубий Қозогистон вилояти, Кумкент овули яқинида мақбараси сақланган.

булоқни күришди. Булоқ сувлари күл қирғоғидан ўзига йўл очган, суви эса авлиёларнинг кўз ёшлари каби илиқ бўлиб, ундан тинмай буғ чиқиб тураг эди. Булоқ кўз очган ерда биттагина Қайрағоч ўсган, атрофда бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Фақат булоқ атрофини ўраб, қайрағочдан ҳам баланд ўсаман дегандай, буталар чангалзор бўлиб шавқ билан ўсган, атрофини эса тиконлар босган, булоқнинг йўлини тўстган ва қараган кўзга узоқдан қизарив кўриниб турагди. Бойбўри ва Аналиқ шу булоқ ёнида умидлари ушаладигандай, шошилиб булоқ ёнига келишди. Шошилганча тиканли буталар орасидан ўта бошлиашди. Бойбўри шиддат билан буталар орасидан йўл очиб борар экан, Аналиқ унинг ортидан эргашди. Буталар орасидан ўтиб борар экан, уларни худди ҳозир бахтларига етадигандай ҳис чулғаб олган ва бу ҳис иккисини тобора тезлашишга ундар эди.

Қош қорайиб борар, Бойбўри ва Аналиқ эса ҳеч нарсани ўйламай олдинга интилишарди. Тўсатдан Аналиқ тўхтаб қолди. У эридан ортда қолишни истамас эди. Аммо кутилмаган воқеа содир бўлиб, чангалзорда баланд ўсган бир новдаси тортилиб, ногоҳ Аналиқнинг юзларига савалаб, келиб тегди. Аналиқ новдани қайириб, ўзидан йироқ қилмоқчи эди, аммо бутанинг ўткир тиконлари унинг икки бармоғига санчилди. Мўъжизани қаранг: Аналиқ оҳ тортид, аммо бундан ҳеч қандай оғриқ сезмади. Тикон кирган жойда бир томчи қон ҳам кўринмади. Унинг бу ҳолатдан кейин умидлари ушалишига ишончи тобора ортиб, юраклари ҳапқириб кетди. Аёлининг овоздини эшишиб орқага ўтирилган Бойбўри ҳам нимадир содир бўлишини сезди. Аналиқ бутадан холос бўлиб, бошлига ўралган ўрама салласини секин тарқатди ва яқин бутоқнинг устига қўйди. Аналиқ ҳар бир бутоқни ушлаб унга шивирлаб дардини айти бошлиди. Ҳар бутоққа ўзи меҳр билан оппоқ ялов илиб чиқди. Шу куни Бойбўри ва Аналиқ иссиқ сув чиқиб турган, мўъжизали булоқ олдига етишди шу жойда қўш ташлаб, тунаб қолишди.

Бойбўри ва Аналиқнинг бу ерда қандайдир илоҳий куч борлигига ишончлари тобора орта бошлиди ва қуёш ботгунча ўзларига тошдан бир уйча қуришни ният қилишди. Улар ният қилиб, энди ердан тошни кўтаришган ҳам эдики, тошлар ўзлари қимирлаб, жойидан қўзгалишни бошлишди. Тошлар девор бўлиб қаланишни ўзлари хоҳлашса, девор кўтаришнинг нимаси қийин? Шом намозига қадар Бойбўри ва Аналиқ кўрган одамнинг кўзини қувнатадиган, шу ердан ўтган йўловчи келса танини яйратадиган, мўъжазгина иморат қуриб қўйишди. Шундан сўнг шом намозини қойим қилиб, ухлашга ётишди. Иккови бошларини ерга қўйишлари билан дарров уйқуга кетишишди. Улар умрида биринчи бор бундай тинч ва осишишта ухлашлари эди

Ёзниг куни узун-у, туни қамчининг дастасидай қисқа, йўловчилар энди кўз юмган ҳам эдики, тонгнинг толмас жарчиси сўфитўрғай қўшиқ бошлаб қолди. Унинг ортидан шарқнинг осмони аввал оқариб сўнг қизара бошлиди. Худди шу пайт, бутун мавжудотлар уйқунинг тотли комига чўмган бир пайтда, шилдираб оқаётган булоқ ёнида оқ салла ўраган, бўз ранг эшак минган дарвиш пайдо бўлди. Уни пайдо бўлиши ҳам ҳайратли эди: осмондан тушдими, ердан чиқдими билиб бўлмасди.

Дарвиш қордай оппоқ, қалин қошларини кўтариб, ўйчан нигоҳлари билан атрофни қараб чиқди ва бир муддат жимиб турди. Унинг қарашларидан аён эдики, бу зот инсонларнинг ғами ва қайғуси, шодлиги-ю ташвишларини тушунар, бани одамнинг ердаги тақдирини теран билар ва уларга ҳамдард эди. Дарвиш эшагини бир тутиб олға бошлиди. Тошдай қотиб ухлаб ётган чол ва кампирнинг ёнига келиб тўхтади. Кўлига нақшиндор ҳассасини олиб, ётганларни уйғотди.

– Эй умрини кўз ёши тўкиб ўтказган баҳтиқаролар! Бўз етимдай бўзлаб, бу ерларда нима излаб юрибсизлар?

Дарвишнинг овози таъсирли овоз эди. Гўёки бу овоз етти қават ернинг қаъридан келгандай ёки етти қават осмондан тушгандай гумбурлаб келди. Бойбўри ва Аналиқ бу овоздан сесканиб уйғонишиди. Жавоб беришга шайланишган ҳам эдики, дарвиш уларга гап бермай ўзи сўзида давом этди:

– Мен биламан, қалбингизни нима ўртаб турганини ҳам, армонингизни ҳам биламан. Сиз менга истагингиз биттагина ўғил эканини айтмоқчисиз. Англашимча, сиз фарзанд истаб бутун мамлакатни айланиб муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб чиққансиз. Сиз боргаи ердаги ҳеч бир авлиё қолмадики дардингизни эшишиб тўлқинланмаган бўлса. Улар сизнинг дардингизни яратганга етказишиади. Авлиёлар сизни қайгура бошладими, демак сиз худо яралақаган жуфтисиз. Сўзимнинг исботи учун айтсан, бугун саксон саккиз саҳоба, тўқсон тўққиз тобеин тўпланиб сиз учун аршининг эгаси Аллоҳдан duo қилиб сўрашиди. Улар орасида мен Соҷли Азиз³⁹ ҳам бор эдим. Мени одамлар Тукли Азиз, деб аташиади. Аллоҳ сизнинг доуингизни қабул қилди. Энди сиз битта эмас иккита фарзандли бўласиз. Бири ўғил, бири қиз. Шундай экан тақдир синовидан ўтдингиз, энди кўз ёшингизни тийинг, одамларга ўхшаб қаддингизни тутинг, бошингизни кўтаринг. Ўғлингизга Алпамис деб, қизингизга Қарлуғаш⁴⁰, деб от қўйинг. Ўғлингиз дунёда тенги йўқ ботир бўлиб ўсади. Уни қилич кесмайди, ўқ ўтмайди, сувда чўкмайди, ўтда ёнмайди. Унинг ашаддий душманлари жунғорлар бўлади. Энди туринг тонгти намозни ўқинг. Дуолар йўлдошингиз бўлсин, дуоларингиз ижобат бўлиб ҳамма ниятларингизнинг рўёбини кўринг!

³⁹ Баба Тукти Шашти Азиз тарихий манбаларда Исҳоқ отанинг ёрдамчиси сифати кўрсатилади. Исҳоқ ота қозоқ халқининг исломни қабул қилишиад Баба Тукти Шашти Азиз ёрдамидан фойдаланганлиги айтилади.

⁴⁰ Қалдирғоч.

Авалиёning охирги сўзларини тинглаб бўлгач, Бойбўри ва Аналиқ унга интилишди, қўлларидан тутиб, тумор учун кўйлагидан бир парчасини йиртиб олиб қолишиди. Шу вақт Шашти Азиз ғойиб бўлди. Қандай пайдо бўлган бўлса, шундай тонгнинг соҳир бағрига сингиб кетди. Бойбўри ва Аналиқ бир-бирига термулиб қарашди. Уларнинг қалбига илиқлик кириб, юзларига табассум пайдо бўлди. Аналиқнинг юзларига қизиллик югурди. У жуда ҳам ёшариб кетган эди.

Бойбўри ва Аналиқ сафарга чиққанига оз эмас, кўп эмас роппа роса юз кун тўлди. Улар шунча кун заҳмат чекиб, ниҳоят юракларидан ғам аригандай бўлди ва ортга йўл олишиди. Чамалаб кўришса, улар янги ва янги авлиёларни зиёрат қиласман деб, юртларидан жуда узоқлаб кетишган экан. Улар бу ерга еттунча қанча заҳмат чеккан бўлса, ортга ҳам шунча машаққат чекиб қайтишлари керак эди.

Бойбўри ва Аналиқ уйларига қайтишда қийинчилар яна қайтадан бошланди. Улар ҳамма нарсадан айрилишиди. Иккисининг ҳеч бўлмаса бошига ёпинадиган ҳам нарсаси қолмади. Оёқ кийимлари қуёш тифида қизиган тошли сўқмоқларда адо бўлди.

Орадан бир неча кун ўтиб, Бойбўри Аналиқнинг кундан кун озиб кетаётганини сезиб қолди. Сут ичиб оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади, дейишишади. Бойбўрининг ичиға бир севинч кирса ҳам, ўзича ҳадиксираб, бу янгиликни ичида сақлаб юрди. Аналиқдан ҳеч нарса сўрамади. Кунлардан бир кун, улар сал эртароқ дам олиш учун бир жойга қўш ташлашди. Атроф қуп-қуруқ чўл. Бойбўри хуржундан Аналиқнинг энг яхши кўрган таомларини келтириб, дастурхонга қўйди. Курт, куритилган гўшт, сузма, ўрик, кишмиш... Шунча саргардон юрган кишиларга, қоқ чўлнинг ўртасида бу овқатлар шоҳона таом саналади. Аммо негадир Аналиқ уларга қайрилиб ҳам қарамади. Аксинча, барини четта суриб қўйди. Бойбўрининг эса бундан жаҳли чиқди:

– Сенга нима бўлди? – аччиқланди у, – нега овқатдан ҳазар қиласан? Касал эмасмисан?

Аналиқнинг юзларига табассум югурди. У ҳаё билан бошларини эгиб, эрига жавоб берди:

– Жаҳлингиз чиқмасин, бегим, мен касал эмасман!
 – Аналиқ секин кулимсираб, – менга нимадир бўляпти. Сизга бу ҳақда айтмоқчи бўлдим, аммо тортиндим. Кундан кун юким оғирлашиб боряпти. Буни сизга тушунтиришим қийин. Бундай ҳолат ҳомиладор аёлларда бўлади. Мен ҳозир ўзим хоҳлаганини эмас, ичимдаги болам хоҳлаганини егим келяпти. Унинг хоҳишини эса енга олмаяпман. Тақдиримга ёзилганини қаранг: ётсам ҳам, турсам ҳам хаёлимда қоплон гўштини еётган бўламан. Агар сиз менга қоплон овлаб гўштини келтирсангиз эди, тап тортмай ундан тўйтунимча ер эдим.

Кўп кутилган қувончли хабар ҳам одамга ёмон таъсир қиласар экан. Бойбўри бу хабарни эшитиб тили айланмай қолди. Турган жойида ўтириб олди. Сўнг ўзига келиб, жойидан турди ва аёлининг қўлларидан тутиб, шукронга айтди:

– Эй яраттан эгам! Ўзингта минг бора шукур, – деди у қувончдан титраб, – дардимизни эшиттанингта, етказганингта шукур.

Сўнг аёлига қараб деди:

– Кетдиқ, бойбека⁴¹! Ортимдан юр. Агар эски мерганлигимдан заррача қолган бўлса ҳам, мен сенга қоплон гўштини келтираман. Агар милтифимни занг босмаган бўлса, сен қоплон гўштини ейсан. Мен қуролимни узоқ вақт қўлимга олмаган эдим. Энди оламан.

Улар қоплонлар юрмайдиган, текис ва бепоён даштнинг ўртасида эдилар. Шунинг учун Бойбўри тезроқ кетгиси келди. Улар қоплонлар кўп яшайдиган Жети Аралга йўл олишди. Улар яна олдингидаш шошишди. То Жети Аралга етгунча шаштидан қайтмай, охири етиб

⁴¹ Бойбека (қоз-байбише) – Туркий қавмларда бой(эр)нинг биринчи хотини бойбека, деб аталган.

келишди. Жети Арал деган жой бир қараңдаёқ Бойбўри ва Аналиқни ўз табиати билан ром қилиб қўйди. Бу ерда йўқ ҳайвоннинг ўзи йўқ. Улар Жети Аралнинг бағрида ўйнаб юрар, бири қуёшда тобланиб ётса, яна бири бошқасини тутиб ейиш учун қувиб юрарди.

Жети Аралда ҳайвоний ҳаёт қайнаган, ҳамма томонни турли ҳайвон ва қушларнинг овозлар тутган, атроф эса жуда мафтункор эди. Буни кўриб Бойбўрининг кўзлари ўйнаб кетди. Аввалига у ўлжанинг кўплигидан нима қилишини билмай, кўзига кўринган ҳайвон ёки паррандани нишонга олаверди. Аёли иккови жойлашган кўналға ёнида буғу, кийик ва бошқа ҳайвонлар уюлиб кетди. Аммо Аналиқ буларнинг биронтасига қайрилиб ҳам қарамади. Аксинча, бу ҳайвонларнинг гўштидан келаётган ҳиддан бўғилиб, бошқа таомларни ҳам емай қўйди. Бойбўри уни тушунди, айбламади.

Эртаси куни Бойбўри эрта туриб, қоплон овлаш учун Жети Аралнинг ичкарисига, қамишзорлар ғуж ўсган, одам ёриб юролмайдиган тўқайзорга йўл олди. Олғир мерганинг ўлжаси ўз оёғи билан келади, деган гап бежизга айтилмаган. Қолаверса, ҳозирга вазиятда яратган худонинг ўзи Бойбўри ва Аналиқقا хайриҳоҳ бўлиб турибди. Ҳали қуёш кўтарилемасдан туриб, Бойбўри гира-ширада, чангалзор орасида катта қоплоннинг изларини кўрди. Бойбўри изга қараб унинг ортидан борди. Кўп юришга тўғри келмади, қўзичоқлар қўрасидан қочадиганча келадиган масофада у момақалдироқ гулдурагандай овоз чиқарган қоплон наърасини эшилди.

Бойбўри қараб ўзига ўзи ишонмади. Унинг олдида қоплон тураг эди. Қоплон ўзини қувиб келаётган овчини сезиб, йўлинни пойлаб, кутиб турган, бутун вужуди билан унинг ҳаракатларини кузатаётган эди. Қоплоннинг қошлари устидаги думалоқ чизиқлар катта ёғоч косани эслатар, кўзлари чиройли пиёла-га ўхшар, худди қиличдек ола-була думи ерга тегиб, Бойбўрининг устига сакрашга шай тураг эди. Бойбўри

унинг ҳолатини кўриб, ўзича ғудраниб дуо қилди ва тезда энг яқиндаги дарахтнинг панасига ўтди. Дарахт танасидаги торгина оралиқдан милитигини чиқариб, қоплонни нишонга олди. Қоплон сакрашга улгурмай, бир ўқ билан уни ерга думалатди. Сўнгра Бойбўри қуролини қўйиб, ўзини тўгри чалажон қоплоннинг устига ташлади ва бутун танаси билан уни босиб, тинчиди. Бойбўрининг омади келди. У ишини давом эттириб, ҳайвонни бўйнидан қон чиқариб, ҳалол қилиш ниятида, пичноғини қинидан чиқарди ва қоплоннинг бўғзига тиф тортди.

Бойбўри ўлжасини қўналғага келтирганда, Аналиқнинг юзларига қувонч югурди. У зум ўтмай, ўчоқقا ўт қалаб қозон осди. Аёлининг шошилганини кўриб Бойбўри ҳам қоплонни мучалашга⁴² тушди. Бир ҳаракат билан қоплоннинг танасини ёрди ва унинг ўпка-бовури⁴³, юрагини юлиб олди. Ҳайвонни мучалаб бўлгунча пишиб тайёр бўлсин, деб уларни яхшилаб тозалаб, кабоб қилиш учун ёниб турган пистакўмир устига қўйди. Сўнг қоплонни ўн икки мучага бўлиб, ҳаммасини аёли ҳозирлаган қозонга ташлади.

“Жерик⁴⁴ бўлган аёлнинг иштаҳасини кетказиб бўлмас, иштаҳаси кетгунча етказиб бўлмас”, дейишиди. Қозонга ташланган гўшт ҳали пишиб улгурмасидан Аналиқнинг сабри чидамай, қозонни ўчоқдан пастга тушириди. Ичидан келаётган, бўйсунмас бир хоҳиш уни қоплон гўштини емоқقا ундар, тинч қўймас эди. У овқат совумасдан туриб иштаҳа билан ейишни бошлиди. Қоплоннинг ўн икки мучасининг ҳамма жойидан еди. Аналиқ ўзи сезмай ҳомиласига қоплоннинг ўн икки мучасидан озиқ бераётган, ўзида қоплоннинг

⁴² Мучалаш – Сўйилган ҳайвон гўштини мучаларга бўлаклаш. Муча – ҳар бир бўлакланадиган аъзо ва уларнинг сони 12 та. Мучал сўзи шундан олингган.

⁴³ Ўпка-жигари.

⁴⁴ Жерик – аёлларнинг ҳомиладорлик пайтида бошқоронгу бўлиши. Бу атама ўзбек тилининг шеваларида ҳам сақланган.

кучини ҳис қилаётган эди. Овқатланиб бўлгач, Аналиқ емагидан қониқиши ҳосил қилиб, хурсандлигидан күшдай учтиси келиб қолди. Танаси ёшариб, юришлари енгил бўлиб, ёноқлари ял-ял ёнди. Бойбўри бойбекасига қараб, ундаги ўзгаришларни сезди, ич-ичидан яратганга шукронга айтди. Энди унинг тезроқ юртга қайттиси келди.

Бойбўри ва Аналиқнинг энди, аввалгидек кўнгли яримта эмас, худди янги турмуш қурган ёш келин күёвдек баҳтли эдилар. Уларни аччиқ изтироблар тарқ этган, шунинг учун йўл азоби ҳам билинmas эди. Улар тез орада она юртга қайтиб келишди.

Овулга келган одамни ҳар доим ҳам энг аввал даштнинг ўнг-чапини яхши биладиган ва ойлаб овул атрофларидағи яйловларда чорва изидан юрадиган чўпонлар ва отбоқарлар кутиб олади. Жидели Бай-синга қадами етган Бойбўри ва Аналиқни ҳам энг аввал тоғ сойликларида адашган йилқиларни излаб юрган отбоқар кўриб қолди. Отбоқар келаётган Бойбўри ва унинг аёlinи кўриши билан, ҳамма ишини унугиб, одамлардан суюнчи олиш учун шамолдай елиб, овул томонга от чоптирди. Овулда ҳар қандай хабар шамолдан ҳам тез тарқалади. Отбоқар мингани отнинг ортидан қолган чанг ерга ётмасидан туриб бутун овул аҳли янгиликдан хабар топти. Бутун қўнғирот эли хушхабарни эшилди.

Ой бориб омон қайтган Бойбўри ва Аналиқни кутиб олиш учун овулнинг ҳаммаси пешвоз чиқди. Уларнинг меҳрибончилигидан чол ва кампир ўзларини еттинчи осмонда юргандай баҳтли ҳис қилишди. Аналиқ эса ўзини тута олмай йиғлашга тушди. Бойбўри ўзини тутиб, қаддини тик тутган ҳолда, кутиб олиш учун чиққан овулдошларини кузата бошлади ва уларни шахсан хоннинг ўзи бошлаб келганини илғади. Бойбўри ва Аналиқ яқин келиб, хоннинг олдида тавозе билан бошларини эгиб ҳурмат кўрсатишди.

– Қадрдоним Бойбўри – деди хон уларга қараб, – Сизлар овулдан кеттанингиздан буён роппа – роса ўн ой ўтди ва бу пайт сизларнинг ўрнингиз жуда билинди. Эл сизни соғинди. Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, сиз яна юртга қайтдингиз, мана, сизни омон-эсон кўриб турибмиз. Энди эса, бизга ўзга юртларда бошдан кечирганларингиз, топганларингиз ва йўқотганларингиз ҳақида сўзлаб беринг!.

– Эй менинг ҳукмдорим, Аллоҳ бизнинг оҳларимизни эшитиб, зиёратимизни қабул қилган бўлсин! Биз аёлим билан ният қилганимизга етганга ўхшаймиз, бу ёги хурсандчилик.

Бойбўри шу сўзни айтиши билан, уларни бутун овулдошлари ўраб олишди ва қучоқлашиб, кўзда ёш билан иккисини қутлай бошлиашди. Ҳамма шодланиб, чин дилдан уларни қутлай бошлиашди. Сўнг эса иккисини юксак мартабали меҳмонларга кўрсатиладиган эҳтиром билан, янги ясатилган оппоқ ўтовга етаклашди. Аммо негадир кутиб олганлар орасида Бойбўри ва Аналиқнинг асранди боласи Ултан кўринмас эди. Шундай бўлса ҳам, улар бунга эътибор беришмади.

Узоқ сафардан келиб, сал тин олган Бойбўри овулдошларига бошдан кечирганларини сўзлаб берди. Аналиқ билан иккисининг муқаддас ерларни зиёрат қилиш учун саёҳати давомида кўрган кечирганлари, тортган азоблари, хурсандчилик кунлари ҳақида ба-тафсил ҳикоя қилиб берди. Унинг ҳикояларини ҳамма жим ўтириб эшитди.

Аёллар ўз бўлмасида Аналиқни гапга тутишди. Аналиқ ҳам уларга бошдан кечирганларини сўзлади. Унинг айтганлари ҳам ҳаммани қизиқтириб қўйди, айrim жойларини аёллар қайта-қайта сўраб олишди.

Бойбўри ва Аналиқнинг шодлигини ҳамма қутлаб, уларнинг уйига совғалар келтиришни бошлиашди. Шу пайтгча даштда ҳали “қурсок сочиш”⁴⁵ деган одат

⁴⁵ Курсоқ сочиш (Қўрсақ шашу) – аёллар ҳомиладор бўлганда ўтказиладиган қозоқларнинг миллий тўй маросими (“қўрсақ тойы”).

йүқ әди. Шу куни Бойбўри ва Аналиқнинг шодлигини нишонлаётган эл, қувончлари ичига сиғмай уларга совғалар келтириб бу одатни бошлаб беришди. Шундан кейин қўнғирот эли фарзанд кутаётган оиласа яхши ниятлар билан совғалар келтириб, тилак билдирадиган бўлди ва қурсоқ сочиш тўйини нишонлаш одатга айланди.

Бойбўри ва Аналиқ ҳам келганларни сийлади, уларга иззат кўрсатди. Шундан сўнг одамлар Бойбўри ва Аналиқнинг сахийлиги ва матонатини мақтайди-мақтайди тарқалишди. Бойбека Аналиқ кундан- кун тўлишиб, кўзларни қувонтириб, чирой очиб борди. Вақт алдоқчи, элнинг айтганидай: “Ойлар дастурхонга тортилган этта ўхшайди, бир қарасанг бор, бир қарасанг йўқ”. Вақт тез ўтиб, бир ойни иккинчи ой ютиб кетди. Тўққиз ой худди тўққиз кундай ўтиб кетди. Орадан яна тўққиз кун ўтиб, Аллоҳнинг муҳлати етиб, эл интиқиб кутган, алп келбатли, худди қюолган қўрғошиндай маҳкам ва савлатли чақалоқ дунёга келди.

Қария Бойбўрининг қувончлари чексиз, орзуларининг поёни йўқ әди. У бутун дунёсини шу фарзандига алишмас, шунинг учун уйига суюнчи сўраб кирганга биттадан от тарқатаверди. Қалбини қувонч қоплаган одам, бирорвнинг ҳасадини сезмас экан. Ултаннинг юзлари янада қорайиб, негадир хўмрайиб юрганига Бойбўри эътибор ҳам бермади. Ултан ҳамманинг назаридан қолган әди.

Аналиқ бу орада тезда оёққа туриб, худди ёш жувондай эл кўзига кўриниш берди. Келган аёлларни кутиб олиб, табрикларини қабул қилди. Бойбўри эса ўғилли бўлганини нишонлаш учун элга зиёфат беришга тайёргарлик бошлади. Овул бўйлаб тўқсонта ўтов тикдирди. Тўқсон ўтовга даштда гиёҳ териб еб юрган тўқсонта нортуя, бўйни нўхта кўрмаган тўқсонта хўқиз сўйишини буюрди.

Бепоён даштнинг қоқ ўртасига тикилган тўқсон ўтов меҳмонлар билан тўлди. Эҳсонлар баракали бўлди. Бойбўри ўз эли ва Аналиқнинг уруғидан келган қайн эли ва бошқа эллардан келган узоқ ва яқин қариндошларининг ҳаммасини ҳурмат билан кутиб олиб, меҳмон қилди. Бойбўрининг энг ҳурматли меҳмонлари орасида шекти уруғидан келган таниқли бой – Сарибой ҳам бор эди. Сарибой Жидели Байсиннинг ғарбидаги ерларнинг эгаси бўлиб, Шекти ерларининг довруғи ҳам Байсиндан қолишмас эди.

Сарибойнинг ҳам ёши Бойбўри билан тенг, қисмати ҳам уникига ўхшаш эди. Сарибой ва аёли ҳам худди Бойбўри ва Аналиқ каби узоқ йиллар фарзанд доғида куйган, Аллоҳдан умид узмай фарзанд тилаб юрган эдилар. Қалбини фарзанд доғи ўртаган қийин кунларда икки дўст хасратлашар, бир-бирига далда бўлишар эди. Ўша кунларнинг бирида Сарибой Бойбўрининг дардига шерик бўлиб, шундай деб қолди: “Иккимизни яратган Аллоҳ, яшатган ҳам Аллоҳ. Ўзидан сўрайверсак, оҳимиз етиб борар, бир куни ҳолимизни сўрар. Мен бунга ишонаман. Агар яратганга оҳимиз етиб, иккимиз ҳам фарзандли бўлсак, агарда улардан бири ўтил, яна бири қиз бўлса, иккимиз қуда бўламизми? Бугун иккимиз ҳасратдош дўстмиз, агар шундай қилсак, кун келиб фарзандли бўлиб, бахтли кунларни кўрганимизда ҳам дўст бўлиб қоламиз”. Бойбўри ўшанда дўстининг сўзларини ҳаяжон билан тинглаган, унинг айтганларини жон, деб қабул қилган: “Айтганинг келсин, Сарибой, ўша кунлар келсин, сенинг айтганинг бўлсин” дея розилик берган эди. Бойбўри ва Аналиқ фарзандли бўлишидан сал олдин Сарибойнинг бойбекаси ҳам қиз туққан, отини Гулбаршин қўйган эдилар.

Зиёфат чогида икки дўст ўша гапларини эслашди. Бойбўри дўстига қараб шундай деди:

– Сарибой, дўстим! Тақдиримиз чиндан ўхшаш экан. Биз сен билан қанча изтиробларни бошдан кечирдик.

Хали туғилмаган, дараги ҳам бўлмаган фарзандга қуда бўлишни ният қилдик. Тилимизда, дилимизда қуда бўлдик. Эл бизнинг қудалашганимизни билди. Кимлардир устимиздан кулди. Мана, бутун айтганингдай Аллоҳга оҳимиз етиб, иккимиз ҳам болали бўлдик. Энди иккимиз бешик қудамиз⁴⁶. Кимдир билмас, аммо иккимиз молу давлат – баҳт эмаслигини яхши биламиз. Шунинг учун, мен сенинг айтган гапларинг, ниятларинг амалга ошишини ич-ичимдан истаб, Аллоҳдан сўраб юрдим. Мана ниятларимиз рўёбини ҳам кўрдик, энди навбат болаларимизни унаштириб уларнинг тўйларини кўришга.

– Азиз меҳмонларим! – деди Аналиқ унинг гапини давом эттириб. – Сизлар ҳам биз каби Аллоҳнинг марҳаматини, кимки ундан сўраса ниятларига етишини кўрдингиз, иймон келтирдингиз. Эрларимиз Аллоҳни ўртага қўйиб онт ичган экан, энди ҳақиқий мард инсонлар каби онтини бажарсин. Сизнинг ичган онтингиз ерда қолмади. Шунинг учун марҳамат, қўйнинг думбасидан еб оғзингизни мойланг, жигаридан еб аҳдингизни бойланг! Энди, бовур⁴⁷ бўлганлигинизни тан олиб, бирбирингизни бағрингизга босинг. Аҳдингизнинг юракданлигини, ниятларингиз оқ эканини билдириш учун бир-бирингизнинг юзингизга оқ ун сепинг. Мана шу уч одат, оталар сўзининг муқаддаслиги ва уни унутиш мумкин эмаслигини сизга эслатиб турсин.

Аналиқнинг сўзини эшитганлар ҳаммаси унинг гапларини маъқуллади. Фақат оғзига мум солгандай жим ўтирган Ултанга бу гаплар ёқмади.

Кудалар бир бир бўлакдан думба ва бовур гўштидан олиб ейишди ва бир-бирларини бағрига босиб қучоқлашишди, юзаларига ун суртиб, ҳамма амалларни бажаришди.

⁴⁶ Ўзбеклар одатида “бешиккерт” дейилади.

⁴⁷ Бовур – қозоқларда қондош-қариндош маъносини беради. Шунинг учун кишилар яқин бўлишни ният қилишса бовур (жигар) гўштидан еб, бир-бирини бовурига (бағри) босиши одат тусига кирган.

Бойбўри энди анча енгил тортди. Унинг баҳтли кунларида ёнида турганларнинг ҳаммасидан рози бўлди. Бойбўри Жидели Байсиннинг сойликлари-ю, кенгликларига сифмай ётган отларини меҳмонларга тарқатди, аммо кўнгли ҳеч тўлмади. У ҳамма отларини тарқатиб юборди ва ўзига фақат уч ёшгача отлари билан қулуналарини олиб қолди. Бойбўрига бу эҳсонлари ҳам камдай туюлди ва қўйларини ҳам тарқатишга тушди. Дунёда бирорни ҳисобига кун кўришни ёқтирадиган одамлар ҳам оз эмас. Жидели Байсинда ҳам бу каби инсонлар йўқ эмас эди. Бойбўри доим одамларга шундай эҳсонлар қилиб келар, ҳали тuya, ҳали от, яна бир қарасанг ўнлаб қўйларини ҳадя қилиб бериб юборар эди. Аммо Бойбўри ҳеч кимни ажратмас, ҳаммага эҳсон тарқатар, бу билан моли ҳам камайиб қолмас эди.

Бойбўри ва Аналиқнинг бундай катта тадбир қилиб, эҳсонлар чиқаришига яна бошқа бир сабаб ҳам бор эди. Улар кимдандир қарзлари қолиб кетган бўлса ёки кимнингдир дилини оғритган бўлса ўша одамларнинг ҳаммасини рози қилишни, узоқ йиллар орзу қилиб кутган фарзандларидан ёмон назарларни кетказиши ниyat қилишган эди. Энг асосийси эса, фарзандлари учун элнинг дуосини олиш эди. Ниятлар ушалди, шу кунлари ҳамманинг оғзида Бойбўри ва Аналиқ бўлди.

Бойбўри ва Аналиқ орзуларига етишди. Орадан уч йил ўтиб, Сочли азиз айтган муддатда улар қиз фарзандлик ҳам бўлишди. Бойбўри қиз фарзанди учун ҳам аввалгидан қолишмайдиган катта тўй берди ва қизига Қарлуғаш деб от қўйди.

Алпамис ва Қарлуғаш худди эрта баҳорда кўз очган бойчечаклар каби, кун сайин эмас соат сайин улғайишди. Худди гулзорни безайдиган капалак каби Бойбўрининг хонадонини безашди. Бойбўри ва Аналиқни энди аввалги дарду ҳасратлари тарк этиб, уларнинг қалбини баҳт тўлиқ эгаллади.

Алпамиснинг қалмоқ юртига бираңчи юриши

Алпамис тезда улғайиб, ўн ёшга тұлди. Алпамис ёшига тұлғанда Бойбўри битта қўй сўйди, юра бошлиғанда эса яна бир қулуң сўйиб, шукронада қилди. Алпамис ўн ёшга тұлғанда эса отаси ва онаси хурсанд бўлиб суннат тўйини қилиб беришди. Бойбўри ва Аналиқ шу йўл билан элнинг дуосини олди.

Бу орада Алпамис қўнғирот элининг кенг даласида бек бўлиб танилди. Кимдир унинг кўнглини олай деб, унга хушомад қилди, кимдир унга дўст тутинай деб, ёнида турди. Алпамиста қараб туришнинг ўзи бир баҳт эди. Унинг юзидан нур ёғилар, билаклари кучга тўла эди. Алпамис шундай келбатли бўлса-да, ҳали у бола эди, вақтини кун бўйи болалар билан кўчада ўйнаб ўтказар эди. Одамлар Алпамиснинг оддий бола эмаслигини сезишар ва шу билан бирга, бунинг сабабини ҳам билишар эди.

Болаларнинг ўйини қизиқ. Баъзан уришишади, баъзан ярашишади. Алпамиснинг эса қўли жуда қўрғошиндай қаттиқ, кимга тегиб кетса оғритар эди. Шунинг учун болалар унга яқин келмас, аммо ўйин орасида Алпамиснинг қўли қаттиқлигини унутиб қўйишар эди. Баъзидан ўйингоҳдан тепки еган тулпорнинг кишинашидай аччиқ овозлар ҳам келиб қоларди. Бу Алпамиснинг қўли тегиб кетган болалар бўлиб, кўпинча унинг қўли сал тегиб кетган киши хушсиз ийқилар эди. Шунинг учун овулдагилар болаларининг Алпамис билан бирга ўйнашига қўрқиб қолишибди ва ўйингоҳга Бойбўрининг ўғли келса, то у кетгунча болаларини кўчага қўйишмади. Бу аввал сал кулгили туюлса-да, кейинчалик чинга айланди. Алпамис анча зерикадиган бўлиб қолди: тенгдошлири у билан ўйнашга қўрқишар, катталар эса уни бола санашарди.

Бир куни Алпамис одатига кўра, ўзини қаерга қўярини билмай овулни ёлғиз айланиб юрган эди, четроқдаги бир уйга кўзи тушди. У ерда ўзи тенги болакай қари онаси гилам тўқиб ўтирган ўрмакка ёнбошлигагача ухлаб ётарди. Алпамис боланинг ёнига келиб уни уйготди.

– Ҳей бола, тур ўйнаймиз, – Алпамис уни бармоғи билан туртди, – Юр қулуналарни эгарлаб қўлга ўргатамиз.

Болакай Алпамиснинг туртганига ҳушидан кетиб қолди. Кампир эса аччиғланиб Алпамисга ташланди:

– Ҳаҳ, сеними, ярамас! Аввал бутун овулнинг болаларини зор қақшатдинг, энди менинг кўзга суртган боламга келдингми? Калхатдай бўлиб келганингни қара... Нега боламни урасан? Ахир худди сен отангнинг қандай ёлғиз боласи бўлсанг, у ҳам менинг ёлғиз болам-ку! Ахир мен бу болани топгунимча худога қанча ялиндим. Энди сенинг уни қийнашингга жим қараб турайми? Ултаннинг қилғиликлари етмагандай энди сен ҳам пайдо бўлдингми! Бор, йўқол, бекорчиликдан нима қиларингни билмайсан. Бор, ундан кўра ўзингга унаштирилган Гулбаршинни излаб топ. Унинг отаси Сарубай сенинг шундай шумқадам бўлишингни билган-да, қара, сизлардан узоққа қочиб қутулган. Сен-чи? Сенга барабири, уятсиз аҳмоқ! Сенинг ўрнингда бошқа одам бўлса, уятдан қизарарди, аҳмоққа ўхшаб туришингта қара?

Кампирнинг гаплари Алпамисни ҳайратга солди. У биринчи бор ўзига унаштирилган Гулбаршин исмли қиз ҳақида эшитган эди. Шунинг учун Алпамис уни охиригача жим туриб эшитди, кампир нолишдан тўхтагач эса, ундан сўради:

– Моможон, мени кечиринг, – деди айбдор овоз билан, – мен сизни тушунолмадим. Ҳозир нима деганингизни менга тушунтириб беринг-да, илтимос!

Алпамиснинг жим туриши ва ҳурмат билан гапириши кампирни анча ҳовуридан туширди. Қаҳри меҳрга айланди ва унга Гулбаршин ҳақида ҳикоя қилиб берди.

– Күшни шекти уругида Сарибой отли бой бор эди, – гапини бошлади кампир, – у билан сенинг отанг дўст ва биродар эдилар. Сен ва Гулбаршин туғилганда улар хурсанд бўлиб, қудалашишган эди. Улар бир-бирларига содиқ қолиш учун қасам ичишган, думба ёғи ва бовур гўштидан еб, бир-бирларини уч марта бағрига босиб қайиндош⁴⁸ тутинган эдилар. Ўшандан буён сенга аталган Гулбаршин гўзал қиз бўлиб улгайди. Аммо Сарибой бу юртлардан узоқларга кўчиб кетиб қолди. Айтишларича уни ё жин чалган, ё кимнингдир гапига учган эмиш. Баъзиларнинг айтишича, у сенинг ёлғиз ўғил бўлганинг учун, “мободо, Алпамисга бирон нима бўлса, қизим қулнинг боласи Ултанга қолиши мумкин”, деган ҳадик билан кетиб қолган эмиш. Қисқаси, Сарибой ўзи туғилган ва униб ўсан юртини ташлаб Қалмоқлар элига кетиб қолган. Шунинг учун сенга айтаяпман, агар кучингни қаерга сарфлашни билмаётган бўлсанг, ана бор ўз қайлифингни излаб топ!

Алпамис кампирнинг сўзларини жим туриб эшитди ва маъюс бўлиб уйига қайтди. Овулга келар экан, уни ўй босди. Худди овулдошлари унга қараб устидан масхара қилиб кулаётгандай туюлаверди. Гўёки, улар Алпамиснинг устидан аввалдан кулиб юрган-у, у буни сезмагандай. Миясини шу каби ўйлар қоплар экан, тўсатдан Алпамис ғазаб отига минди. Шаҳдам бориб ўзининг оқ ўтовига кирдида, узунлиги қирқ аршин келадиган, сиртига кумуш қопланган, ичида ўзининг қурол аслаҳалар сақланадиган сандиқни зарб билан бир уриб, парча-парча қилиб юборди. Устига пўлат совутини кийди, белига олтин камарини тортди, беш турли қурол-аслаҳалари билан қуролланиб, саноқсиз отлари боқиладиган чўлдаги суруви томонга жўнади.

Отасининг энг сара отлари боқиладиган сурув-

⁴⁸ Туркӣ қариндошчилик удумларига кўра қуда тарафлар бир-бирларига қайиндош саналади.

га яқин келиб, ўзига от, халқ тили билан айтганда “ҳақиқий йигит учун қанот” танлай бошлади. Аммо у қоматлари келишган, қуюқ ёллари ерни супурадиган, ёввойи табиатли отларнинг қайси бирига арқон ташламасин, ҳеч бири тутқич бермади. Шундоғам ғазаб отига мингандык Алпамисни отларнинг бу қилиги баттар қуюшқондан чиқарди.

Шу пайт сурув орасидан бир чипор⁴⁹ тусли от ажralиб чиқди. От Алпамиснинг олдига келиб солланди-солланди, сўнг чап ёнини бериб яқин келди. Отнинг туриши чакки эмас, олди томондан кўқраклари кенглиги билан ажralиб турар, аммо бошқа жиҳатдан қолган отлардан унчалик фарқ қилмас эди. Алпамис чипор отта меҳр билан юган солди. Юганни солгач, Алпамис отнинг узун думидан тутиб уни осмонда айлантира бошлади ва куч билан узоқларга силтаб отди. Ҳамма унинг бу ишидан чўчиб, ҳайратда қолди. Чипор от эпчил экан, ҳавода айланниб бир ўмбалоқ ошганча ўттиз қадам нарига бориб тушди ва ерга қадалгандай тик туриб қолди. Алпамис буни кўриб, ич-ичидан севинди. Хаёлида отга қараб, “сен ҳар қандай алпнинг орзуисидаги отсан!” деди.

– Энди сени Байшубар, деб атайман. Бундан буён сен саркаш ва асов, чипор бўласан. Аждодларимиз руҳидан мадад сўраб сенинг устингга эгар соламан. Агар сен мен излаган от бўлсанг, отим эмас қанотим бўлассан.

Байшубар чиндан ҳам минг отнинг бири, камдан-кам учрайдиган чопқир от эди. Унинг тақдирига жанговар от бўлиш битилган, шу сабаб уни шу пайтгача у жангдан олиб бу жангта солишар, тиним беришмасди. У эса бу жангларда пишиб етилар экан, ўзининг эгасини кутар ва бу Алпамис бўлишини ҳам билар эди. Айни

⁴⁹ Чипор – ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасида “чибор” шаклида талаффуз қилинади. Бойчибор номи шундан олинган. Айни сўз қозоқ ва қорақалпоқ тилларида “шубар”, татар тилида “чуар”, бошқирд тилида “сыбар” шаклида талаффуз қилинади. Чипор туркй тиллардан рус тилига ўтган. Қаранг: чубарый

сабаб билан ўзининг қудратини ҳеч кимга билдирипас, ўзгалар от танлашга келса уларнинг кўзига ташлан- масликка уринар эди. Шунинг учун Алпамис ўзининг бир умрлик дўсти ва ҳамроҳини бир кўришда таниб ола олмади.

Алпамис эгар солиб отга минди. От унга бўйсунди. Бўйин синиб, ўзгарди қолди. Қизишиб, йўлга ошиқсан учар оттадай, эгасининг остида ўйноқлади. Бўйнидаги ва думидаги ёллари шаршарарадай, майин жунлари худди сувсар терисидан жилоланди.

Алпамис танлаган отидан мамнун эди.

– О, мени асровчи руҳлар! О, яратган эгам, менга ўзинг мадад бер! – у отда ўтирганча жиловни тортиб ҳайкирди.

Яратгандан ўзга юртларга бориб жанг қилиш учун мадад сўрар экан, Алпамиснинг қалбини ўзгача бир ҳислар чулғаб олди. Овозлари ҳам ўзгача чиқа бошлиди. У кутиб туришни истамас эди. Дарҳол ярг-аслаҳаларини тартибга келтирди. Қуролларини кўздан кечириб, ўткир наизасини тиззалари орасига қисганча, ўз уйи ва овулидан терс томонга қараб от солди.

Байшубар худди шуни кутгандай, аввал эркин чоп-қиллаб, кейин қушдай уча бошлади. Унинг парвози худди осмон гумбази узра учайдиган юлдуз каби туюлар эди.

Алпамис бу пайт биргина нарсага, узоқ ва хатарли сафари олдидан ёлғизгина синглиси Қарлуғаш билан хайрлышмагани учун афсус қылар эди, холос.

Золим Қараман

Катта йўл атрофига тикилган, оддий одамлар яшайдиган ўтовлар ва чодирлардан ўтиб борсангиз, катта тепаликнинг энг чўққисида кенг қилиб ясалган оппоқ чодирни кўрасиз. Бу чодир тўрт томонидан олтин қозик қоқиб, шу қозиқларга тортилган, қуёш нурлари остида у шунчалар нурланар эдики, қараган кўз қамашади. Олтин қозиқлар орасига тортилган ипаки

матолар турли ранглар билан безалган бўлиб, иссиқ ҳавода тинмай жилваланади. Чодир тагида эса одам қонига ташна учта қоп-қора найза кўринади. Чодирга кириш жойида иккита елкадор соқчи яланғоч шамшири билан тош қотиб турибди. Улар саратоннинг иссиқ куни бўлишига қарамай оғир пўлат совут кийишган, ҳозир жангта кирадигандай қурол-яроғ билан тишириноғигача қуролланган. Иссиқда уларга оғир қурол аслаҳа билан туриш қийин, аммо улар гўёки иссиқни сезмас, киприк қоқмас, балбалтошдай⁵⁰ қотиб туришибди. Бундан кўринадики, чодир хўжайини раҳм шавқат нималигини билмайдиган, қаттиққўл одам. Бу одам – жунгор хони, золим, Қараман ботир эди.

Кеча кечқурун у бутун бир тўқлиниң гўштини бир ўзи еб, дам олишга ётган, боши болишга етмай донг қотган эди. Мана иккинчи куннинг ярми ҳам ўтаяптики, у ҳамон уйқуда ётарди. Қараманнинг хавфсизлигини ҳалиги икки жангчи қўриқлар, яна ўнлаб хос навкарлари йўловчиларни овоз чиқармай бу йўлдан қайтарар, чодирга яқинлашган одамларни нари ҳайдар эди. Тўсатдан бу тинчликни бегона отнинг дупури ва унинг ортидан янграган дағал овоз бузиб юборди. Ҳамма томон қий-чув бўлиб, чодир олдидаги икки жангчи ҳали хавфдан огоҳ қилишга улгурмай чодир олдида чавандоз пайдо бўлди.

– Туринглар, қўзғалинглар! Ёв босди, ёв!..

Барваста суворий ҳайқирганча югуравериб қора терга ботган отидан сирғалиб тушди-да, бир оёғини олдга ташлаганча чодирга интилди. Унинг ўнг сонида найза санчилиб, чуқур ботган жароҳат кўринар, ундан қон оқар, келган йўлида қон излари кўринарди. Юзида эса қўрқув ва даҳшат қотиб қолган. У чодирга кириб, оstonада чўқди ва нафасини зўрға ростлаб хириллаганча гапира бошлади:

– О, хон!.. Ёв босди... ёв!

⁵⁰ Балбалтас – туркий тошсанам (боботош).

Бу пайт Қараман ботир ўрнидан туриб, тахтта күчган, тахтда устига ипак тўнини ташлаганча ўтирар эди. Жангчини кўриб у қовоқларини уйди ва қоплондай ўкириб сўради:

– Нега ваҳима қиласан! Бутун умрим ёв орасида ўтди! Яххиси, нима бўлганини гапир!

– Бугун эрталаб қандайдир бир чипор от минган болакай келиб, сенинг қўшинингга бўридай ташланди. Унга қилич ҳам, найза ҳам ўтмайди. Унинг бундай чопқирлиги ва қўлга тушмаслигини кўриб, сенга хабар бермоқчи бўлдик, аммо иложи бўлмади. Ярамас бола ҳаммамизни қўйдай қувиб бир жойга қамади ва қочишга йўл қўймади. Ким қочмоқчи бўлса, ўлдираверди.Faқат мен унинг панжасидан қочишга улгурдим. Унинг қаердан пайдо бўлганини ҳеч ким билмайди: қўқдан тушдими, ердан чиқдими. Унинг бирон зарбаси бекор кетмайди, ҳамма ўқи нишонга тегади. Сенинг кўплаб елкаси ер кўрмаган ботирларинг бошидан ажралди. Ўзинг биласан, мен оз душман билан олишмадим, аммо ҳеч бир олишувда бу болакайга ўхшаганини учратмаганман. Сен менга ишонишинг керак. Қўзғал, хон! Сен уни енгишинг керак. Йўқса, бутун қўшинингдан ажраласан ва бошимизни кўтара олмай қоламиз.

Қараман жангчининг гапини эшитиб, қаҳ-қаҳ отиб кула бошлади.

– Сен менга яхши хабар келтирдинг! Рақиб йўқлиги ва ҳеч ким билан жангда куч синаша олмаганим учун энди зерика бошлаган эдим.

У белкурақдай келадиган кафтини шапалоқлаб, хос навкарларини чақирди ва жангчи отлари орасидан энг асов қора отини эгарлаб, қурол яроғларини ҳозирлашни буюрди. Қараман ботирнинг уйғонгани ва жангта ҳозирлик кўраётганини билиб, хизматкорлари юргурилаб қолишибди. Дарров бир байтал, бир қулун ва тўққизта қўй сўйилиб тўшти қозонга ташланди.

Дарров овқат тайёр бўлди. Ботирнинг олдига уюм-уюм гўштлар тановул учун келтирилди. Қараманнинг чимирилган қошлиари секин ёйилиб, юзига тубассум югурди. Ўзи ёқтирган овқатни кўриб, бутун дунёни унуди, очкўзларча таомга қўл урди.

Қараман бир байтал, бир қулун ва тўққизта қўйнинг гўштини паққос туширгач, ҳодирнинг ёнига бақувват қора тулпорни келтиришди. Қараман совутини кийиб, қуролланди ва тоғдай савлат тўкиб отга минди.

Гўзал Гулбаршин бу пайтда Қараманнинг қароргоҳида кечеётган воқеаларни сергаклик билан кузатар эди. Қараманнинг ишларини кузатиш учун унинг ўтови ёнига хизматчисини жўнатган эди. Хизматчи жунгорлар саркардасининг отга миниб жангга жўнагани ҳақида хабар келтириши билан Гулбаршин тезда бу хатар ҳақида хабар бериш учун Алпамис томонга югурди. У бу ишни ҳеч кимга ишонмади. Алпамисга ўзи хабар бермоқчи бўлди.

Қиз қушдай учиб борар, узун қора сочлари орқасига бойланган шолпилари⁵¹ унинг изидан қўнгироқдай овоз чиқарип борарди.

Бу пайт Алпамис бутун қўшинни ер билан битта қилиб, қақшатиб, чипор отининг айилини бўшатиб, пешонасидаги терларни артиб, атрофни кузатиб ўтирад эди. Унинг биринчи жангига ғалаба билан тугаган аммо кўксидаги туғён ҳали тинмаган эди. Алпамис шунинг учун Гулбаршиннинг келганини дарров пайқамади.

Қиз эса Алпамиснинг бу қилигини, оталарининг ичган қасамини бузганлиги ва юртдан бош олиб кетганини сабабидан аччиғланиш, деб билди. Салгина ўқсиб, ғамгин бўлди. Кўзларига ёш келди. Шундай бўлса-да, доно ва зийрак Гулбаршин ҳозир хафалашибининг вақти эмаслигини англаб етган эди. У йигитнинг ёнига секин ўзи борди-да, паст овозда салом берди:

⁵¹ Шолпи – қозоқ тилида сочга тақиладиган тақинчоқ. Ўзбек тилининг қипчиқ лаҳжасида ҳам тақинчоқлар шолпи дейилган.

– Ассалому алайкум, Алпамис!

Алпамис ортга бурилди-ю, унинг хафақон юзларига табассум югурди:

– Ва алайкум ассалом, Гулбаршин! Яраттан әгамга шукурки, ниҳоят, сен билан учрашиш насиб этди!

– Азизим Алпамис! Мен учун соғинчли ва даҳшатли күнлар бошланганда сени юборган ва сен билан учраштирган Яраттан әгамга минг-минг шукурлар бўлсин! – Гулбаршиннинг овозини титроқ тутиб, бирдан кўзларидан ёш сизиб чиқди. – Мен сени роса кутдим. Агар тақдиримизда бўлса, сен билан бафуржга гаплашишта ҳали улгурамиз. Сенга айтадиган гапларим эса жуда кўп. Аммо ҳозир бу ерга келаётган фалокатдан сени огоҳ қилиш учун келдим. Ҳозиргина Қараман Ботир отта миниб бу ерга жўнади. У бўронли булутдай қақшатқич ва ёвуз одам. Сен билишинг керак, Қараман Ботир – саноқсиз жангларда қўли қонга ботган, жуда хавфли ва аёвсиз киши. Менинг маслаҳатимга қулоқ сол ва у билан дуч келишдан сақлан. Сен ундан қочиб қолиш ва яшириниш ҳаракатини қиласевер. Кейин худонинг айтгани бўлади, пешонада борини кўраверамиз.

– Сен хавотир олма, Гулбаршин! – уни тўхтатди Алпамис. – Ўзингни қўлга ол. Тақдирдан барибир қутула олмайсан. Аммо худо менга атаган қизни бегонанинг қўлига топшириб қўйиш менга тўғри келмайди. Ёвни кўриб қочиб қолиш ҳам менинг ишм эмас. Сақланганни худо ҳам сақлайди, дейишади. Қолаверса, Қараман ҳам ўлимга маҳкум. У билан яккама-якка жангта чиқаман. Сен ғамгин бўлма Гулбаршин, уйингта бор.

Гулбаршин тортишишни ва гап қайтаришни хуш кўрмас, шунинг учун у Алпамистга енгил таъзим қилди. Унинг соchlаридаги кумуш шолпилари жиринглаб кетди. Гулбаршин шундан сўнг ортга бурилиб овулига жўнади.

Бу пайтда чўл томонга қараб худди оч бўридай атрофга аланлаганча, важоҳатли қора тулпорни минганд Қараман бостириб келар эди. У жанг майдонига ке-

либ, кенг далада минглаб чопилган, кесилган ва ҳали танаси совумаган жангчиларига кўзи тушди.

– Қани?! Ёв қани? – туядай ўкириб ҳайқирди у.

Шу замон унинг кўзи узоқда турган Алпамисга тушди ва тўғри унга қараб от сурди. Алпамис эса унинг келишини жимгина кузата бошлади. Шу он беихтиёр унинг хаёлидан, наҳотки шунчалар катта ва баҳайбат одам бўлса? деган ўй ўтди ва юраги ҳапқириб кетди.

Сўнг ўзини тутиб, “Мен бу жангни ўзим истаб келдим ва энди Қараман билан жангта киришдан қочиш мен учун ўлим билан teng”, – у шундай дея, жангта тайёргарликни бошлади. Қараман анча яқин келиб қолди. У келиши билан, бутун кучини тўплаб қўлидаги тиканди чўқмори билан Алпамисга зарба берди. Зарба Алпамиснинг бошига тегди ва унинг кўзларидан ёш отилиб Байшубарнинг ёлларини ювди. Атрофдаги ҳамма нарса унинг атрофида айлана бошлади. Зарбанинг кучи шунчалар кучли эдики, агар шу зарба одам нигоҳи етмас Қойқап⁵² тогига тегса ҳам, тоғни майдо-майдо қилиб юборган бўлар эди. Аммо бу зарба Алпамисни гандирак-латган бўлса ҳам, қулата олмади. Қараман отни орқа буриб яна гурзиси билан Алпамисга зарба бермоқчи бўлди. Аммо Байшубар буни кутиб ўтирумади. Оёқларига таяниб бир сакради-да эгасини кенг ва бехавотир далага олиб чиқди. Алпамис ҳушига келиб отини тўхтатмоқчи бўлди, аммо от унга бўйсунмай, қулоқларини динг қилганча яна олдинга интила бошлади.

Қараман ҳам бўш келмади. Қора тулпорини қамчилаб душманини қувлашга тушди. Шу пайтгача қора тулпор ета олмаган от бўлмаган эди. Шунинг учун Қараман бу марта ҳам душманини қувиб етишига аниқ ишонган, худди бургут каби уни остига олиб янчмоққа чоғланган эди. Аммо бугун ҳаммаси бошқа томонга ўзгариб кетди. Байшубар тўғри йўналишда енгил югурап, худди душманнинг атай жигига тегаёт-

⁵² Қойқап – Кўхиқоғ тоги.

гандай ундан узилиб ҳам кетмас, ўзининг яқинига ҳам йўлатмас эди. Орадаги фарқ на камаяр, на кўпаяр, бу эса Қараманнинг асабини ўйнатар эди. У қутургандай, қора тулпорини қамчи билан савалар, қора тулпор эса ҳар доимтидай учиб борар, аммо чипор отни ета олмасди.

– Лаънати ҳайвон! – аччиғланди Қараман, – менинг еган биргина байтал, биргина қулун ҳамда тўққиз қўйнинг қўшти сенга оғирлик қиляптими, дейман. Адо бўлибсан!

Қараман шундай дея, отга енгил бўлсин, деб аввал пўлат қалқонини қозон қопқоғини отгандай, сўнgra эса қўлидаги гурзисини бир таёқчани ташлагандай четта ирғитди. Буни кузатиб келган Байшубар қисқа қадам билан секинлашиб қора тулпорни ўзига яқинлаштира бошлади. Ботирларнинг ораси тош отса етадиган қадар яқин қолди. Алпамис ҳушини йиғиб Байшубарнинг ҳийласини англаб етди ва унинг топқирлигига қойил қолди.

Қараман эгар устида тинмай отини ниқтар, олдинга интилар, аслаҳаларини ташлаб юборгани учун тулпори тезлашиб қолди, деган ўйда эди. Шунинг учун ботир бошқа қурол-яроғларини ҳам бирин-кетин улоқтира бошлади. Аввал уч тишли қора найзасини ташлади, сал ўтиб пўлат қиличи ҳам дастасигача ерга санчилди. Сўнг Қараман устидан тўққиз қаватли совутини ҳам ечиб отди. Оқибатда у биргина кўйлақда қолиб, терланган кўкракларини очганча елиб бораётганини сезмай ҳам қолди.

Рақибининг қуролсизланиши Алпамисга қўл келди. У енгил нафас олиб, Байшубарни секинлата бошлади. Қараман унга келиб ҳужум қилмоқчи бўлар, аммо қуроли йўқ, ўзи ҳам толиққан эди. Шунинг учун куруқ ғазаб билан Алпамисга гумбаздай мушти билан ҳамла қилар, уни тутмоқчи бўлар, аммо ҳамма ҳаракатлари зое кетар эди. Алпамис эса этилиб унинг зарбалари-га чап берар экан, шарт бурилиб рақибига қаттиқ мушт туширди ва худди қарчиғай қўниб учгандай яна

Қарамандан узоқлаб кетди. Рақиби эса оғир муштини ҳавода беҳуда ўйнатар, жаҳл отига минганди. Шу он кейинги берилган зарб унинг жағига тегиб, ияклари худди күчсизланиб қолган очбўрининг жағидай бир томонга осилиб қолди. Қарамандан бу сафар омад юз ўтириди.

Энди ҳужумга ўтиш пайти келган эди. Алпамис чи-пор отини шарт ортга буриб қўққисдан қилич билан ҳужумга ўтди ва Қараманнинг мушт тушириш учун кўтарган қўлини шарт кесиб ташлади. Алпамис отини яна ортта қайириб, яна бир бор рақибига ташланди ва бу сафар унинг иккинчи қўлини ҳам кесиб ташлади. Учинчи ҳужумда у қўлсиз бир ходага айланган Қараманни тўлиқ қўлга олиб, бутунлай бошидан жудо қилди. Алпамис шундай қилиб, рақибини мағлуб қилди ва худди кўпкаридаги улоқни судрагандай Қараманнинг танасини судраб Сарибойнинг овули томонга йўналди.

Овланинг ёнидаги тепалиқда қозоқлар ва жунғорлар тўплланганча бу жангни кузатишган эди. Улар икки ботирнинг курашини кузатишар экан ким енгиши ҳақида баҳслашишар, гўзал Гулбаршиннинг кимга насиб қилишини билишни исташар эди. Узоқ кутишга ҳожат қолмади: оғзидан бир тутам кўпик чиқарганча, Байшубар бу ерга етиб келди. У одамлар олдидан кишинай-кишнай, чопиб ўтди; Қараманнинг танаси турс этиб ерга тушгач, осмонга сариқ чанг кўтарилди. Бу худди кўпкарининг охирида ғолиб чавандознинг бор кучи билан елиб келаётган от устидан оломон олдига улоқни келтириб ташлашига ўхшаш бир ҳолат эди. Шамолдай елгувчи Байшубарнинг устида Алпамис мағрур ўтирад, ўсмирнинг мағрур ўтириши унинг қалбини чулғаб олган чексиз қувончидан дарак берар эди.

– Суюнчи! Суюнчи!

– Күёв келятти! Күёвни кутиб олинг!

– Яратган эгам гўзал Гулбаршиннинг оҳлари ва кўз ёшларини кўрипти!

Одамлар Алпамисни ўраб олишди ва түгри Сарибой-нинг оппоқ уйига томон юра бошлашди. Кимдир олдинга ўтиб йўл бошлади, кимдир Алпамисни қўлтиқлаб олди, кимдир Байшубарнинг сувлиғидан тутиб олганча орқада ела бошлади. Атрофни карнай ва сурнай садолари тутди. Айримлар шошиб Гулбаршиндан арзирли суюнчи унди-риш учун югурди. Алпамис эса бундай олқишиларга ҳали ўрганмагани учун уялиб, ҳижолатдан қизарип кетди.

Яхши хабар тез тарқалади. Бу хабар ҳам тезликда Сарибойга етиб келди. У Алпамиснинг ғолиб бўлганини эши-тиб қувонди, йўлига пешвоз чиқар экан, буйруқ берди:

– Зарбоф гиламларни тўшантлар! Ботирнинг оёғи ерга тегмасин! Уни отнинг эгаридан тўғри гиламга олинглар! Унинг бу иши бир томондан ботирнинг жа-сорати учун кўрсатган ҳурмат-иззати бўлса, иккинчи томондан, айбларини ювишга ўхшарди.

Одамлар Сарибойнинг айтганларини чин дилдан ба-жаришар, чунки уларнинг кўпчилиги жангни кузатиб, охирги дақиқаларгача Алпамисга омад тилаб туриш-ган эди.

Чумчуқ галасидай тўпланиб олган қизлар эса Сарибойнинг қандай қарорга келишини кутишар ва севими-ли дугоналарининг тақдири нима билан тугашини би-лишни исташар эди. Сарибойнинг ҳолатини кўргач эса улар худди осмонга отилган гулдастадай тарқаб кетиши-ди ва Гулбаршиннинг ёнига чопишиди. Аёллар ташвиш-га тушиб, меҳмон кутадиган уйни безашни, ўчоқлар олдида куймаланиб таомлар тайёрлашни бошлашди.

Эркаклар Алпамисни эгардан олиб тўғри, худди янги сайланган хонни тахтга кўтариб боргандай тўғри гиламга олиб бориб қўйишиди. Сарибой ёши улуғ бўлса ҳам унга ўзи пешвоз чиқди.

– Доим ғалаба сенга ёр бўлсин, ўғлим! – у шундай дея, ёш ботирни кутлаб кутиб олди.

Сарибой табрик сўзини қисқа қилган бўлса ҳам, унинг сўзларида меҳр ва илиқлик сезилиб турарди.

Бу орада юзларида баҳт гуллаган, сарвқомат, Гулбаршин ҳам оқ момиқдай учиб, енгил қадам ташлаб етиб келди. Унинг севгиси ва ҳислари қанчалик жўш урмасин у отаси ва қариндошлари олдида одоб сақлаб Алпамисдан анча нарида тўхтади. У жанг майдонидаги олишувнинг нима билан тугашини кутиб қайгуга ботган, ҳозир эса қувончдан Алпамиснинг бағрига ўзини отгиси келар, унинг учун борини беришга тайёр эди. Аммо у одобли қиз бўлиб, севикли ёрининг тўрт мучаси бутун ҳолда ёнида тургани учун яратганга шукронга айттар эди.

Ҳамма билан кўришиб, саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, Алпамисни меҳмон кутадиган ўтовга таклиф қилишди. Тезда дастурхонлар тузалди. Олтин косаларда турли таомлар келтирилди. Меҳмонларга қази, қарта, жал, жая⁵³ каби гўштли таомлар, хуштаъм ширинликлар ва сарҳил мевалар тортилди.

Гулбаршин астагина ўтовга кириб, назокат билан Алпамиснинг ўнг ёнига келиб ўтирди. У энди ҳисларини яширмади, оппоқ тишларини кўрсатиб тинмай табасум қилиб, меҳмонни турли ширин таомлар билан сийлади. Чинакам байрам бошланиб, узоқ давом этди. Дастурхонда таомлар доим янгиланиб турди. Суҳбатлар қизиб, ора-орада қўшиқлар куйланди. Қўшиқлар куйларга уланди. Дўмбира овози тинмай янгради.

Кечга бориб, базмда фақат ёш йигит ва қизлар қолишли. Кейинроқ улар ҳам тарқаб, шўх кулгулар тинди. Базм охирида Алпамис ва Гулбаршин ёлғиз қолишли.

Энди севишганларга ҳеч ким тўсиқ бўлолмас эди...

Алпамис шекти ургининг энг қадрли меҳмони бўлди. У Сарибойдан оқ фотиҳа олиб ёш ва гўзал Гулбаршинга уйланди. Тўйнинг ўттиз куни хурсандчилик ва турли мусобақлар билан ўтди ва жами қирқ кун да-

⁵³ От гўштидан тайёрланадиган қозоқ миллий таомлари.

вом этди. Шундан сўнг Алпамис яна Байшубарга ми-ниб, шекти уруги яшовчи ҳудудлардаги жунғорларни бўйсундирди. Қайнотаси Сарибойни юртга хон қилиб кўтарди.

Орадан яна тўрт ой ўтди. Алпамис бу ерда амалга оширмоқчи бўлган ишларини тутатиб, кўнгли ҳотиржам бўлди: энди эса юртга қайтиш керак эди. У бу истаги ҳақида Сарибойга маълум қилди. Сарибой унинг истагига қарши турмади. Аксинча уруғнинг энг донгдор улуғлари ва оқсоқолларини йиғиб, уларнинг маслаҳати билан ёшларга тилло ўтов, қирқта нортуяга юқ бўладиган қимматбаҳо совғалар ҳадя қилиб, иззат-икром билан оқ фотиҳа бериб Жидели Байсинга жўнатди. Сарибойнинг тантилиги, ёш Алпамисга кўрсатган оталик ҳурмати шу даврада бўлган ва ма-росимларда иштирок этган одамлар ва ёшларда ҳавас уйғотди ва уларнинг хотирасида умр бўйи сақланиб қолди.

Алпамиснинг иккинчи юриши

Алпамис қимматбаҳо совғалар билан тўла, узун чўзилган карvon билан овулига кириб келганда уни биринчи кутиб олган одам отаси Бойбўри бўлди. Бойбўрини Алпамиснинг йўлига муштоқ қилган ва пешвоз чиқишига чорлаган унинг Гулбаршинга уйлангани ҳақидаги хушхабар эмас, аксинча, ўзининг бошига тушган ғам-ташвиш эди. Бир ҳафта олдин Жидели Байсинга талончилар ҳужум қилган ва овулларни талаб кетган эди. Бундан эса, ҳаммадан ҳам кўпроқ Бойбўри азият чекди. Толанчиликни уюштирган жунғор хони – Тайшиқхон ўзининг сон-саноқсиз лашкарлари билан Бойбўрининг ерларидан ўтар экан, худди чигирткадай босиб келиб, унинг деярли ҳамма молларини олиб кетди. Азалдан дала-даштда ҳаёт шундай қурилган: молинг – давлатинг, молинг – юмушинг, молинг – ҳаёting

мазмуни.. “Моли борнинг жони бор, моли йўқнинг жони йўқ”, дейишади. Шунинг учун кимки уюри-ю отарини йўқотса, бу тенги йўқ улкан мусибат саналади.

Чиндан ҳам, чорвани бой бериш алам қилади. Айни сабабга қўра Бойбўри ўзини қаттиқ таҳқирланган сезар, қолаверса, бу ҳолатини шармандалик, деб биларди. Шунинг учун Алпамис ва келини Гулбаршинни учратганда ғазаби келиб, нафаси қиса бошлади. Алпамис отдан тушиб отасига салом бериш учун интилганда, Бойбўри уни қаттиқ ҳақоратлаб, бутун ғазабини сочди.

– Қоч йўлимдан! – қичқирди Бойбўри. – Нега бунча хурсанд бўласан, нега оғзингни очиб тиржаясан? Гўёки сен бола, менинг бошимга ўттиз уч хил бало ёпирилиб келишини кутиб ўтириб, энди устимдан куляяпсанми? Қани эди сен туғилмасанг ва мен бу кунларни кўрмасам эди! Менинг ҳозир келин кутиб оладиган ҳолим йўқ, бола! Отингни ортга бур! Иссигида Тайшиқхоннинг изидан бориб, менинг уюрларим ва отарларимни қайтариб кел. Менга энг охирги қирчанги отимгача қайтар! Унинг ўрдасининг эса кулинни кўкка совур, отангни ҳақорат қилгани учун қасосимни ол! Айтганимни қилмасанг, уйга бошқа қайтиб келма! Агар сен қайтмасанг ёлғиз боламни йўқотганим учун ҳам афсус қилмайман.

Бойбўри чолнинг бундай аямай айтган сўзлари Алпамиснинг бошини эгиб қўйди. У отасидан шу пайтгacha бундай ҳақоратни умуман эшитмаган эди.

– Ота! – Алпамиснинг овози худди бургутнинг қичқириғи каби аниқ, жиддий ва баланд чиқди. – Мени коийманг, яхшиси мента ота бўлиб оқ фотиҳа беринг. Сизнинг ўғлини тики тирик ва ернинг юзасида экан, душманларингиз сизни таҳқирлашларига йўл қўймайди. Лаънати Тайшиқхондан ўчингизни оламан. Уни бир бўтадай бўзлатаман, бўйнига арқон солиб бузоқдай ёнингизга етаклаб келаман. Истасангиз ҳозироқ Байшуварни ортга буриб, унинг изидан бораман. Шоҳимардан

пир йўл берса, тезда кувиб етаман. Аммо агар менинг ўтичларим яратганга етмаса, жунғорлар қўлида асир бўлиб қолиб кетаман. Мени бир нарса хавотирга солади, агар шундай бўлса ва мен келолмай қолсан, сизларни Ултан таҳқирлаши мумкин. Унинг қалби қора, бундай-лардан эса ҳар балони кутиш мумкин.

Бойбўри шунчалар ғазабда әдики, Алпамиснинг сўнгги сўзларига эътибор ҳам бермади. Фақат ўғлининг “уч оламан!” деганини илғаб қолди ва севиниб қўйди.

Алпамис сафарга тайёргарликни бошлади. Олдинда йироқ ва маشاққатли йўл турибди. Шунинг учун у пухта қуролланди, чибор отнинг бўйнига ҳам омад келсин, деб тумор тақди. Пайшанба куни хуфтон намозидан кейин Алпамис оёғини узангига қўйди ва Байшубарнинг бошини тўғри Тайшиқхон мамлакати томонга буриб сафарга жўнади. Уларнинг олдида ҳали синашта бўлмаган олти ойлик йўл турар эди.

Ёш ботирни йўлга кузатиш учун бутун Жидели Байсин аҳли чиқди. Уруғнинг оқсоқоллари Тайшиқхоннинг қанчалик тадбирли ва айёр эканини, кимни хоҳласа бармоқлари атрофида айлантиришини билишар, шунинг учун улар ёш ва тажрибасиз Алпамиснинг у ерга ёлғиз кетишига қарши чиқишиди.

– Чироғимиз, Алпамис! – дейишиди унга оқсоқоллар. – Тайшиқхоннинг мамлакатига ёлғиз кетма. Тақдирингни беҳудага синама. Ёлғизлик фақат Аллоҳга хос. Фақат угина бошқага муҳтоҷ эмас. Сен эса қанчалик кучли ва қудратли бўлма, Аллоҳнинг бир қули, бандасисан. Шунинг учун илтимос, ўзинг учун бир қўшин тузиб, унга Жидели Байсиннинг жасур жангчиларидан кўш ва кейин майли боравер.

– Эй менинг оқкўнгил халқим! – деди Алпамис овулдошлирига қаратса. – Чин гап. Аллоҳ ягона. Аммо ёлғиз одам яратганнинг ҳимоясида деган, гап ҳам бор-ку. Мен фақат ундан, яъни Аллоҳдан шафқат тилайман. Агар сиз менга кўмак бермоқчи бўлсангиз, илтимос менинг

қари отам ва онамга қараб туриңг. Мен йүқлигимда уларнинг ҳаётини ҳеч ким бузмасин, машаққат келтирмасин. Менинг хотиним Гулбаршиннинг етти ойлик ҳомиласи бор. Агар унинг кўзи ёриса, отини Жадигер қўйинг, агар юртдан йироқларда қолиб кетсам, ўғлимга меҳрибон бўлинг. Унинг етимлигини билдираманг. Сиздан бошқа нарса сўрамайман. Аллоҳ ҳаммамизга омонлиқда кўришишни насиб этсин!

Овулдошлирига шу сўзни айтиб, Алпамис отини қўзғатди. Бир тепалиқдан ўтиб жонажон овул кўздан гойиб бўлиши билан Байшубар сергакланиб, жиловга бўйсунмай қолди. У фақат олдинга интиларди. Алпамиснинг қулоғи остида шамол изиллар, чипор от эса сувлуғини юттудай бўлиб олдга чопар эди. Алпамиснинг юган туттан қўллари увишиб қолди. От ҳамон қалин ҳаво қатламларини ўткир олмос понадек ёриб бораради. Алпамис шу тариқа олти ойлик йўлнинг ярмини юриб қўйди ва иккита тепалик орасида жойлашган катта, гўзал бир кўл ёнидан чиқди. Йўл Алпамисни роса чарчатган эди. Шунинг учун у ям-яшил ўтлоқча чўзилиб, муздек сувдан ичиб шу ерда бир оз дам олишга аҳд қилди.

Алпамис шу ният билан отини кўл томонга бурди ва тўсатдан, буталар орасида бошларига рўмол ўраган, худди қўлларига ушлаган заҳоти қуриб қолгандек тасаввур уйғотовучи асо тутган, буқчайган, қари кампирга кўзи тушди. Алпамис кампирга яқин бориб, унга салом берди. Кампир Алпамиснинг овозини эшитиб, буталарни қучоқлаганча, бўтасини йўқотиб қўйган нортуюдай ўкириб йиғлай бошлади.

– Эй бечора Она! – сўз бошлади Алпамис.– Сизга нима бўлди? Ким сизни хафа қилди?

Шундан сўнг кампир бироз ўзига келиб, рўмолининг учи билан кўз ёшларини артди.

– Агар сен англаганим каби, чиндан ҳам Алпамис бўлсанг ва сени учратганим чин бўлса, менинг оҳларим

Яратганга етибди, – сўз бошлади кампир. – Мен сенга ишонаман ва ўзим ҳақимда сўзлаб бераман. Бизнинг Жидели Байсин еримиз жуда кенг ва бепоён. У ерда яшаётган одамлар орасида сен билмайдиган, танимайдиган қариндошларинг ҳам кўп. Мен сенинг отанг – Бойбўрининг чорвасига қарайдиган хизматкорларидан бириман ва доим сени дуо қилиб юраман. Тайшиқхон юртимизни талаб кетгандан кейин кўплаб одамлар жабр кўрди ва ҳанузгача ўзига келолгани йўқ. Улар бу кўргиликни яқин кунларда унутиши ва яхши кунлар келишига ҳам ишонишмайди. Мен учун эса яхши кунлар энди келмаслиги аниқ. Чунки менинг түяning белидай бели бақувват ва ёвқур, йигитларнинг сараси бўлган қирқ ўғлим бор эди. Улар отангнинг уюрларини киприк қоқмай қўриқлайдиган, қўлидан от тутадиган арқонлари тушмаган, қишин-ёзин яйловда, қиши кунлари музни кўрпача, қорни кўрпа қилиб юрган азаматлар эди. Энди улар йўқ. Қирқ ўғилнинг бари Тайшиқхон аскарларининг қўлида ҳалок бўлди. Фақат ақлдан озиб, алвастига ўхшаб, менгина тирик қолдим. Уларнинг доғида ҳамма кўз ёшларимни оқизиб бўлдим, аммо таскин топмадим. Шундан сўнг куни тун Худога ёлвориб сени дуо қилдим ва Тайшиқхондан ўчимизни олишингни сўраб чиқдим. Сен анча чарчаган кўринасан. Йўлинг эса олис ва машаққатли, хавф-хатарга тўла. Шунинг учун озроқ бўлса ҳам дам олишинг, куч йигишишинг керак. Мана бу тепаликнинг ортида, – деди кампир қўллари билан кўрсатиб, – қирқ ўтовда менинг қирқ кокилли қирқта келинларим ўтирибди. Улар сенинг қардошларинг, менинг ўғилларимнинг хотинлари эди. Сен ўғилларимнинг укаси каби эдинг, шунинг учун уйга кириб, уларга юпанч бўл, таскин бер. Отингни ўша ёққа бур, оёғингни узангидан узиб, меҳмонимиз бўл, янгаларингнинг ёнида жанг олдидан куч йигиб ол.

Алпамис кампирнинг гапига чиппа-чин ишонди. Аслида Алпамис чиндан ҳам ёш боладек ишонувчан эди.

Шунинг учун у кампирни яхши сўзлар билан юпатишга тушди. Алпамис кўл бўйида, ночор ҳолда учраттан бу Мистан кампирнинг⁵⁴ Тайшиқхон унинг келишидан чўчиб, жўнатган ялмогиз экани ҳақида эса ўйлаб ҳам кўрмади. Халқда “Одам боласи бошига келган балоларнинг барига ўзи сабабчи”, деган мақол бор. Энди бу ёгини эшитинг:

Алпамис чипор отига миниб жанг қилиш учун жўнаган куни Тайшиқхон кўнглига ғашлик соладиган даҳшатли бир туш кўрди. Дарров хос одамларини йиғиб уларга машъум тушини сўзлаб берди:

– Эй менинг яқинларим! – деди хон сўз бошлаб, – мени диққат билан тингланг. Кеча ёмон бир туш кўрдим. Дунё кўзимга тор кўриниб, тариқнинг қобигидай торайиб қолди. Бошимга бало ёғилишини билдириб, темир кишанлар билан боғланган менинг қора туям менга ташланиб қолди. Кутурган ва қонга тўлган кўзлари билан босиб келиб мени топтаб ташламоқчи бўлди. Энди ундан қочиб қутулдим десам, яна янги фалокат бошланди. Шердай ҳайбатли, йўлбарсдай даҳшатли қандайдир бир ёшгина ботир мамлакатимга бостириб кирди, овулларни вайрон, бошкентим Тастини⁵⁵ ер билан битта қилиб, хон саройининг ҳовлисини қонга белаб ташлади. Ўғлимни қул, қизимни жазман қилиб, тахтимни эгаллади ва устига устак хотинимни ҳам олиб қўйди. Тушимда мен хонлигимдан айрилиб, баҳтсиз ва бенаво бўлиб, аччиқ-аччиқ йиғлаб, тентираб юрган эмишман, хос навкарларим ва фуқароларим ўз жони сақлаш учун қочиб кетганмиш. Агар бу фақат туш бўлса бунчалик эзилмаган бўлардим. Сезишимча, Жидели Байсиндан ентилмас деб ном чиқарган ёш Алпамис мендан ўч олиш учун, келаётганга ўхшайди. У донгдор ботир Қараманни ҳам ўлдирганмиш. Менинг сезтиларим мени ҳеч қачон алдамаган. Гоҳида бу ерга

⁵⁴ Мистан кампир (қоз: мыстан кемпір) – Ялмогиз кампир.

⁵⁵ Тасти – Тошли қалъаси.

от чоптириб келаётган Алпамиснинг дупурини эшитаяпман. Хўш, ким менга жўяли бир маслаҳат бера олади. Балки унинг йўлига ўзим чиқиб, оёғига йиқилиб, унга отасидан тортиб олган ўюрларни қайтариб, хотиним ва қизимни ҳам унга топширарман?! Аммо шу билан қутуламанми?

Туш таъбирчилари ҳам, яқин маслаҳатчилари ҳам унга жўяли маслаҳат бера олишмади. Хон эса қутулишни истар эди. У маслаҳатчилари бирлашиб ақлли қарорга келишини истади. Агар улар шунча тўпланган бойлик ва жонларини асрарнинг йўлини топмаса, ақалли ўз жонини асрарни ўйлаб қолди.

Аммо хоннинг малайлари ва хушомадгўйлари Тайшиқхон ваҳима қилгани каби хавф йўқлиги ва шунинг учун бекорга бош қотириш керак эмаслиги ҳақида гапиришди.

– О, хон! Донишмандлар айтадики, тушнинг тулкининг тезагичалик ҳам қиймати йўқдир, – дейишиди улар. – Ўзингизни қийнаманг. Ҳеч қандай хавф келаётгани йўқ.

Аммо Тайшиқхонни кўндириб бўлмасди. У ранглари оқарган, қошлигини чимирган ҳолда ўтирганча, маслаҳатчиларидан бири жонини асраш учун жўяли маслаҳат беришини кутарди. Аммо маслаҳатчилар оғзига талқон солгандай жим туришди.

Шу пайт ўзининг мақр-у ҳийлалари ва қабиҳлиги билан ном чиқарган Мистан кампир маслаҳатга араплашди ва Тайшиқхон унга умид билан қараб бир жўяли гап кута бошлади. Кампир ўзи бир қарич, аммо уч юз йил яшаган жодугар эди.

– О, менинг хоним! – деди у Тайшиқхонга. – Хон хон бўлатуриб қандай қилиб ягона қизини душманига бериши мумкин? Гўзал Қаракўзойимни келгиндига бе-риб паст кетгандан кўра, уни шу юртнинг оддий бир қулига бериб мақтаниб юрган маъқул. Менинг бир ўғлим бор, унинг бошини қўтириб босган, оёқлари яра

билин тўла. Аммо сен ундан жирканмай қизингни берсанг, мен ўша енгилмас ботирни қўллари ва оёқлари боғланган ҳолда пойингта келтириб ташлайман.

Тайшиқхон унинг таклифига ўйланиб қолди. Унинг бошқа иложи йўқ, шунинг учун Мистан кампирнинг гапига кўниб, агар Алпамисни оёқлари татига келтирса, қизини беришган рози бўлди.

Мистан кампир шу кундан Алпамисни кутиб олиш тадоригини кўра бошлади. У Қаракўзойим бошчилигида қирқта қизни ўзининг бўлажак ҳийласи учун танлаб олди. Уларга янги бева қолган келинчаклардай тус бериб, мотам кийимларини кийдирди, оппок, гулдор кигиз билан ўралган қирқта алоҳида ўтов тиктириб, сўнг ўша қизлар билан Алпамисни қўлга тушириш учун кўл томонга боришиди. Кампир ўзи билан қирқта кўзада маст қилувчи ароқ ҳам олишни унутмади.

Қўлидаги оқ ҳассага таянган ҳолда, оппоқ рўмол ёпиниб олган, мункайган бечора кампир аслида шу ялмогизнинг ўзгинаси эди.

Бу орада Байшубар хавфни сезиб ялмогизга жаҳл билан қаради, кишинади, тишларини ғижирлатди, аммо кампирни юпатиш билан банд бўлган Алпамис буни илғамади. Аксинча, кампирни аяб отига миндирмоқчи бўлди. Бироқ Байшубар бор кучи билан кампирни тепиб юборди. Кампир шу заҳоти ҳушидан кетди. Байшубарнинг бу қилигини тушунмаган Алпамис эса дарров кампирни ҳушига келтиришга уриниб, унга кўмаклаша бошлади. Кампирга жин ҳам урмаган эди. Шунинг учун у жойидан туриб, тулпорни бисотида бор қарғишлар билан қарғай кетди.

– Алпамис, чироғим! – ингранди кампир, – сен қандай балони ўзингга ҳамроҳ қилдинг? Биринчи қараща бу отинг ақлли бир отга ўхшайди, аммо синчилкаб қарасант, ҳеч бир ишга ярамайдиган бир ҳайвонни кўрасан. Сен бу билан узоққа боролмайсан. Бунақалар

бир кун юрмай ўз тақасига қоқылади, пўлат шамшири ни кўрса эгасини ташлаб қочади.

Сен менинг маслаҳатимни эшит, яхшиси бўйин бермайдиган бу қирchanғи отингни бошидан жудо қил. Ўзинг бошқа бир чидамли, чопқир, ҳақиқий от топ. Бир умр мендан миннатдор бўласан. Сенга мен шундай от топиб берайки, у бошқа отлар билан бирга эрталабдан чопиб, кечгача ҳеч бирини ўзига етказмайди. Тоғ этаклари бўйлаб югуришни бошласа, сал ўтиб уни тоғнинг чўққисида кўрасан. Бу қирchanғи сенга мос эмас, кўпни кўрган кампирга ишонавер.

Байшубарнинг кечаги қилиғидан жаҳли чиқиб турган Алпамиснинг буни эшитиб, худдики оловга мой сепгандай яна баттар ғазаби қайнади. Шартта қиличини қинидан чиқариб, бир айлантириди-да, уни Байшубарнинг оққушнинг бўйнидек бўғзига олиб борди. Аммо шу пайт ғайри оддий бир куч, унинг зарбини қайтарди. Қилич йўналишини ўзгартириб, шамолда учган дараҳт баргидай учиб бориб ерга қадалди.

Иши ўйлаганидек кетмаётган бўлса ҳам Мистан кампир пинагини ҳам бузмади. От – тилсиз жонивор, ўйлади у, шунинг учун ундан хавотир олиш керак эмас. У шу ўйлар билан уч букилиб, ботирга тавозе қилганча йўл бошлади.

Шундай қилиб, Мистан кампир олдинда йўл бошлаб, Алпамис эса унга эргашиб манзилга етиб келишиди. Кампир овулга яқин келиб, бутун чўлга эшиттириб бақира бошлади.

– Эй, менинг баҳтиқаро беваларим! Алпамисни кутиб олинг! Қаерга кетдингиз? Ёки қайғудан ақлингизни йўқотдингизми? Алпамис келяпти! Бу ботир сизлар учун қасос олади. Азиз меҳмонни кутиб олинг! У бўлажак жанг олдидан ором олиши керак. Кўзда ёшингизни арting ва унинг кўнглига қаранг. Ўтовларингиздан чиқиб Алпамис ботирни кутиб олинг!.

Қирқта оппоқ ўтовдан қирқта сулув югуриб чиққанда, Алпамис бу қызларни гүзалликда тенгсиз бир қыз бошқараётганини күрди. Бу Қаракүзойим эди. Алпамис худди эртаклардаги дунёга тушиб қолган-у, ҳозир ўзи худди самовий ҳурларни кўриб тургандай туюлди.

Қызлар шу пайт қий-чув қилиб, бирин кетин яқин келишди ва худдики хонларга мулозамат кўрсатгандай Алпамисни отдан туширишиб, тўғри келтириб оппоқ кигизга ўтқазиши. Сўнгра эса битта-битта келиб унга хизмат қила бошлишди. Ўтов ичи ҳазил-хузул, ўйин-кулгуга тўлиб кетди. Қызларнинг бу қилиқларидан Алпамис ақлини йўқотиб қўйди. Қызлар эса унинг юрагига ўт ёқиб, баттар унга суйкалишар, бошини айлантиришар эди. Алпамис бутунлай ўзини йўқотиб қўйди. Қызлар аслида бу ишларни Мистан кампирдан қўрқани учун бажаришар, улар бу жодугарнинг баҳтини бойлаб қўйишидан чўчишар эди. Ўтов ичидаги фақат биргина Қаракүзойим бундан мустасно, у Алпамисга маҳлиё бўлиб қолган эди. У Алпамисни кўриши билан юраклари ҳапқириб кетди. Бу ерга нега келганини ҳам унуди. Алпамисни кутиб турган балолар ҳақида ўйлаб, ташвишга тушди. У ўтовга тинмай кирап, чиқар, Алпамисни хавфдан огоҳлантиришга уринар эди. Аммо ботир ёнбошлаб ётган жойга ҳадеб қызлар навбатма навбат боришар, сўз айтишга халақит берар эди. Мистан кампир ҳам ундан кўзини узмай қараб турар, шунинг учун хон қизи икки оғиз гаплашишга ҳам имкон топа олмас эди.

Бир ёқда Алпамис ҳам чўлпон юлдузидек ёниб турган Қаракүзойимга мафтун бўлиб, ундан кўз узолмасди. Хурсандчилик давом этар, Алпамис эса бўлаётган ишлар ҳақида ўйлаб ҳам кўрмасди. Унга қызлар кумуш косаларда нимани берса еб, олтин қадаҳларда нима узатса ичар, танаси ҳам қалби ҳам лаззатланар, ўзини баҳтиёр ҳис қилар эди. Мистан кампир ҳам бу орада ўтовга кириб чиқа бошлиди ва ялтоқлик билан,

сездирмасдан Алпамиснинг қадаҳларини ароқ билан түлдириб қўяверди.

Алпамис Мистан кампирнинг тузогига тушиб қолганига қараб туролмаган Қаракўзойим секин унинг ёнига ўтириди-да, қулогига шипшимоқчи бўлди. Аммо буни ярамас Мистан кампир илғаб қолиб, унга бақира кетди:

— Аҳ, сенми, уятсиз ҳакалак! Сен нимани ўйлаганингни биламан. Тур йўқол, бошқа яқин келма бу ерга, ботирга ҳам яқинлашма. Гапимга қулоқ солмасанг, ўзингдан кўр, отанга айтиб адабингни бердираман. Шундай қиласманки, бу дунёга келганингта пушаймон бўласан. Ялмоғиз бақира-бақира, Қаракўзойимни ўтовдан кўчага қувиб чиқармагунча тинчимади.

Ароқ барибир ўз ишини қилди: Алпамис секин бўшашиб, ухлаб қолди. Ялмоғиз куттган вақт етиб келди. У ташқарига чиқиб, қизларга буйруқ бера бошлиди. Қирқ ўтовни йиғдириб Алпамиснинг устига ташлатди. Шундан сўнг унга ўт қўйишни буюрди. Кампир олов каттароқ бўлсин деб, ҳеч нарсани аямади. Хоннинг олтину кумушдан ясалган идишлари, зарбоф гиламлари, оппоқ сутдай бўталоқнинг жунидан қилинган қимматбаҳо кигизлари, ичи тўла тақинчоқ бўлган, нақшиндор сандиқларини аямай оловга отди.

Қизлар учи осмонга уланиб кетган улкан оловнинг ёнишидан кўзлари қувнаб, хурсанд бўлиб, қий-чув қилишди. Фақат хоннинг қизи Қаракўзойим фитналар қурбони бўлиб, шонсиз ёниб кетаётган ёш йигитга ачиниб, қайғуга чўмди. Унинг кўз олдида жилмайиб турган Алпамис хаёлан гавдаланди ва у энди ботирни тирик кўролмаслигини англади. Унга гўё бутун ер юзи одамсиз қолаётгандай туюлди.

Қирқ ўтовнинг бор-йўғи билан ёқилган оловнинг ёнишидан ҳосил бўлган ва улкан бир устун каби кўкка ўрлаган тутун, Тасти шаҳрида писиб ётган хон қўшинига ялмоғизнинг берган хабари эди. У хон қўшинлари шу тутунни кўриши биланоқ кўл бўйига

етиб келишини тайинлаган эди. Чунки Ялмоғиз вақти келиб унга қўшиннинг кучи аскотишини билар, бу макрини ипидан игнасигача ҳисоб қилган эди. У ўйлаган макрини шу бутун боплаб амалга оширди.

Тасти шаҳри билан кўлнинг ораси ярим кунлик йўл эди. Ҳали оловнинг тафти ўчмай туриб, хоннинг қўшинлари бу ерга этиб келишди. Улар отларидан сакраб тушиб, Алпамиснинг куйган жасадини кўришга ошиқишиди. Жунғорлар ҳамон бу ботирнинг Қараман ботирни қандай қилиб енганини ёдда сақлашар, қасос пайида эдилар. Шунинг учун навкарларнинг сабри чидамай оловдан қолган чўғ ва кулларни ҳар томон сочиб, Алпамисни излашди. Аммо шу пайт уларнинг кўзлари косасидан чиққудай бўлиб, орқага қоча бошлиашди. Буни қарангки, ҳамма ёниб кул бўлди, деб ўйлаган Алпамис худди ҳеч нарса бўлмагандай, тинч ухлаб ётарди. Буни кўрган одамлар ҳайратининг чеки йўқ эди. Қаракўзойим эса Алпамисни кўриб, севинчдан йиғлаб юборди. Аскарлардан бири бу ҳолга чидай олмай, қўлига курак олиб, телбаларча Алпамиснинг устига чўғ ташлай бошлади. Аммо бу чўғлар ботирга етмай ёки танасига теккан заҳоти совуқ кулга айланар эди.

Жунғор қўшини ваҳима ва даҳшатта тушди. Бироқ Ботирни уйғонгунча яхшилаб кишанлаб боғлаб қўйишидан бошқа чора топиша олмади.

Тайшиқхон қароргоҳида

Алпамис шунчалар қаттиқ уйқуга кетган эдики, уни боғлаб Тайшиқхон қароргоҳига келтиришганда ҳам кўзини очмади. Аскарлар уни боғлиқ ҳолича тўғри саройга келтиришди ва хоннинг олдига қўйишиди. Тайшиқхон асирни кўриб оҳ тортиб юборди: У ботирнинг қадди-қомати ёки ҳуснини кўриб эмас, тушида пайдо бўлиб, қўшинларини битталаб қийратган ва уни тахтидан жудо қилиб, қалбига ваҳима солган қозоқ ботирининг ўзгинаси эканини кўриб оҳ тортган эди.

Хон Алпамиснинг чипор отда келганини эшиттгач эса, янада сергак тортди: “Ҳаммаси менинг тушимдаги каби, айнан бир хил”.

Унинг ваҳима тўла ўйларини шу пайт Мистан кампирнинг чийилтоқ овози бузди:

– Улугъ хон, мен бу ботирни тутиш учун сенинг қирқта ўтовингнинг барини ёқиб кул қилдим, – деди у. – Лекин, қара, мен айттанимни қилдим: душманинг оёқларинг остида ётибди.

Хон хуш кўрмай унга томон бурилди ва юзини буриштириб, ғазаб билан деди:

– Кўрдим! Биламан, сен ўзинг сўраганни беришимни истаяпсан. Сал шошма, кампир.

Шу пайт у тиллодан ясалган хонлик асосига қўл юбориб, атрофга қарата, шаҳарнинг ҳамма аҳолиси сарой олдида йиғилишига фармойиш берди. Карнай, сурнайлар, дўмбираалар чалинди, ноғоралар бонг урди. Одамлар қатор бўлиб саройга кела бошлишди. Уларнинг орасида юзлаб қўшинларга бас кела оладиган, таниқли жунғор ботирлари ҳам бор эди.

Хон улар орасидан донғи кетган ботирларни танлаб олиб, уларга ухлаб ётган Алпамисни мучалашни буюрди. Ботирлар худди шу буйруқни кутиб тургандай Алпамисга ташланишди. Шу пайт ҳақиқий жангчиларнинг пири – Фойиб Эран қирқ чилтонлари⁵⁶ билан одам кўзига кўринмайдиган совутга айланиб, ҳимоясиз Алпамисни қармаб олишди. Ботирлар унинг танасига қилич солишибди, қиличлари синди, найза санчишибди у ҳам ўтмади. Шундан сўнг қалъаларни қулатадиган тошзамбарак келтириб тўғри Алпломишга кўзлаб отишди. Аммо отилган тўплар худди нўхот деворга тегиб қайтгандай, қайтиб туша бошлади. Алпамис эса

⁵⁶ Фойиб Эран қирқ чилтон – туркий достонларда кўп учрайдиган, тасаввуф таълимотига кўра ғайритабиий кучга эга бўлган афсонавий қирқ руҳ. Яссавия таълимотида ҳам қирқ чилтон ҳақида ривоятлар учрайди.

ширин уйқуда ётар, уни ўрдириш учун уринишганида ҳатто бир марта қимирлаб ҳам қўймади.

Жунгор ботирларининг қўли қавариб, бу ишдан безганлари сари Тайшиқхоннинг кўзлари ҳам қинидан чиққудай бўлиб, ваҳимага тушар эди. Яна ўша ваҳимали туши унинг хаёлига келиб, бутунлай ақлдан оза бошлади.

Кун бўйи бу машмашаларни кузатиб юрган Қаракўзойим яна бир марта ёш алпни қутқаришга қарор қилди. У отасининг ёнига секин бориб, одоб билан унга юзланиб, сўради:

– Ота, асирингизни йўқ қилишни менга қўйиб беринг, – деди у аста. – Менга етти кун ва етти тун муҳлат беринг ва мен уни ўлдираман. Менга ёрдам бериш учун Мистан кампирни ҳам беринг.

Қаракўзойим қанчалик секин гапирмасин, буни Мистан кампир эшитиб қолди.

– Йўқ, хон, – чийиллади у, – бу қизингта ишонма. Қизинг сени алдамоқчи. Унинг бу хийласини кўл бўйида Алпамисга ёрдам бермоқчи бўлганидаёқ сезганман.

Мистан кампирнинг гаплари хонни баттар гангитиб қўйди. Унинг ўйлари чалкашиб кетди. Наҳотки, қизи унга хиёнат қилса? Демак, хон ўзидан бошқа ҳеч кимга ишона олмас экан. У маъюс тортиб қолди.

Тўсатдан хоннинг ёдига, изнига юрмайдиган одамларни қамаш учун, ўзи буйруқ бериб қаздирган, қопқоронғу, хуфя зиндан тушди. У бу ўйидан ва муаммо ҳал этиш учун йўл топганидан, жуда қувониб кетди.

У қаздирган зиндан жуда чуқур ва худди қудуқники каби тор туйнукли эди. Хон вақтни ўтказмай, энг ишончли одамларига Алпамисни тун қоронгусида кўздан нари қилиб, ўша зинданга олиб ташлашни буюрди. Хоннинг амри бажарилди. Ишончли одамлар Алпамисни чўлдаги кимса билмас зинданга олиб бориб ташлашди.

Қаракүзойим дарвишлар кийимида

Орадан етти йил ўтди. Қаракүзойим Алпамис ётган зиндонни топиш учун қанча уринмасин, барча ҳаракатлари зое кетаверди. Аммо қызы тушкунликка тушмади ва ҳар тонг Алпамисни топиш умиди билан уйғонищда давом этди.

Кунлардан бир кун Қаракүзойимнинг чўпони Кейқуват қўйларини янги ерларга ўтлатди. Айтиб ўтиш керақ, ўн йиллаб чорва ораламаган ўтли яйловларда юрган эчкилар тез семириб, гавдаси ҳам мундайроқ отницидан бўлиб, катталашиб кетади. Семиргач эса бу эчкилар ўзини кучли санаб, қиликлар чиқара бошлайди. Ҳали қоятошларга, ҳали қарасанг сойга сакрайди. Жўнга юрмайди. Чўпонни қийнаб қўяди. Чўпоннинг эса уларни кузатишдан бошқа иши йўқ. Кунлардан бир кун кучта тўлган икки эчки Кейқуватнинг кўз ўнгидан шохлаша бошлади. Кейқуват уларни кулимсираб кузатиб ўтирган эди, тўсатдан улардан бири – қайирма шохли кўк эчки ортга тисарилиб бориб, қаттиқ маърадида бирдан йўқ бўлиб қолди. Кейқуват дарров эчкилар шохлашган ерга чопиб борди ва қозоннинг қопқоғидай келадиган, ланг очилиб турган туйнукни кўрди. Аввал Кейқуват бироз чўчиб турди, кейин эса ўзини босиб секин туйнукдан мўралади. У туйнукдан қараб қудуқнинг тубини кўра олмади. Бу қудуқ эмас эди. Кейқуват, одамлар орасида кўп шов-шувларга сабаб бўлган, ўша яширин зиндонни топганини англаш етди. У Тайшиқхоннинг қозоқ ботири Алпамисни шу зиндонга қамаганини, зиндоннинг қаерда эканини ҳеч кимса билмаслигини эшийтган эди. Кейқуват даҳшатли, деб эшийтган Алпамисни ёдга олар экан, яна ваҳимага туша бошлади.

Аммо Кейқуват анча ҳушёр одам эди. Дарров вазиятни чамалаб кўрди: Ботир етти йилдан буён зинданда ётган бўлса, балки ўлиб кетгандир, агар ўлмаган бўлса ҳам зиндандан отилиб чиқиши даргумон. Чўпон

ўзини ўзи юпатган бўлиб, секин туйнукка яқин келди ва қоронғу зинданга кўз тиқди.

– Эй Алпамис! – Кейқуват кўққисдан овоз чиқарди ва ўзидан чўчиб дарров кафтлари билан оғзини ёпиб олди. Аммо энди кеч бўлган, унинг овози акс-садо бериб зиндан бўйлаб, пастга тарқаб кетган эди.

Алпамис тирик эди. Тепадан тараалган одам овозини эшитиб, унинг қувончи ичига сифмай кетди. Етти йил давомида унга биттадан нон келтириб турган кўк мушукдан ва унинг миёвлашидан бошқа бирон зотни кўрамаган, овозини эшитмаган эди. Мана энди у нафақат овоз, ўз номини айтиб чақирган одам товушини эшитиб туар, бу эса унга ўзгача бир умид бағишлиар эди.

– Эй, ким бу! – сўради Алпамис. Унинг овози қўнгироқдай жаранглаб кетди.

– Бу мен, Кейқуват отим! Мен Қаракўзойимга тегишли отарни бокувчи чўпонман. Менинг эчкиларимдан бири шу ўрага тушиб кетди. Агар сен чиндан Алпамис бўлсанг, эчкини ташқарига қайтариб ирғит, бўлмаса мен бекамдан кўрадиганимни кўраман.

Кейқуватнинг бу гапини эшитган Алпамис, чўпоннинг бу ерга уни қутқариш учун эмас, балки тасодиф билан келиб қолганини тушунди ва уни гапга сола бошлади.

– Кейқуват, балки сени менга яратганинг ўзи юборгандир. Сендан илтимос, сен менга ёрдам бер, ҳар куни менга биттадан эчки ташлаб турсанг, бу ердан чиқиб, албатта, сенинг яхшиликларингта яхшилик билан жавоб қайтараман. Мен сени чинакам баҳтли инсонга айлантираман.

– Мени аврама, – Кейқуватнинг жаҳли чиқиб, аччиқланди, – аҳмогингни топибсан. Етти қават ер тағида ётиб, менга ҳомийлик қилмоқчи бўласан, мен сенинг ўйинчоғинг эмасман!

Кейқуватнинг чўпонча қони қизиди. Бир умр тер

түкиб, ҳалол яшаб, бой бўла олмаган одамга ер тагидан ўзини қутқара олмаган бир ночор одам баҳтли ҳаёт ваъда қилияптими? Алпамиснинг гаплари унга оғир ботди ва аччиқ устида, “қани, жуда бир ўқ ўтмас бўлсанг, амалингни кўрайлик”, дегандай ёнида турган катта тош палахсани олиб зинданга иргитди. Тош пастга кетар экан, тобора тезлашиб борди ва худди қоронғу осмонда учган юлдуздай шўнғиб, зиндан тубига етди ва шу он унданда катта тезлиқда тепага қайтиб учиб чиқди. Палахса шув этиб, чиқиб Кейқуватнинг қулоғини ялаб ўтди-да, қайтиб унинг ёнига келиб тушди. Кўрқиб кетган Кейқуватнинг этлари жимирлаб кетди. Энди у, ўзи ҳам билмай Алпамиснинг гапларига ишона бошлади: “Агар бу алп етти йил зиндан тагида ётиб ҳам, шунчалик ўз кучини сақлаб турган бўлса, демак, у оддий одам эмас, деган хулосага келди чўпон, агар озодликда бўлганидами, шу кучи билан дунёни ағдар-тўнтар қилиши мумкин эди. Хўш, мен унга ёрдам берсам нима қиласди? Бу каби насаби улуғ кишилар ўз сўзлари устидан чиқишади, дейишади. Мен бу дунёга келиб нима орттиридим? Нега мен Алпамисдай алп билан келиш маслигим керак? Бутун умр чорва ортидан юрдим, молдай ётиб, молдай турдим. Шу кетища ҳали ўзим ҳам молга айланиб кетмасам гўрга эди?! Бир мавриди келди, таваккал қилиб, ботирнинг айтганини қиласман. Иккита жоним йўқ, бир бошимга барибир бир ўлим. Кўрай-чи, қозоқнинг ботири лафзида туармикан?!

Кейқуват шундай қилиб, Алпамиснинг гапларига кўнди. Келишилганидай у ҳар куни шу ерга отарини ҳайдаб келиб, биттадан эчкининг гўштини Алпамисга ташлаб турди. Орадан юз кун ўтиб, отардан юзта эчки камайиб қолди. Кейқуват ҳижолат бўлиб, Алпамиснинг ёнига маслаҳатга келди:

– Хўш, Алпамис, энди нима қиласми? Қаракўзойим нега отарим камайиб кетди, деб сўраб қолса нима қиласман?

– Хавотир олма, Кейқуват, – жавоб қилди Алпамис, – мен эчкиларнинг мугузи ва қовурғасидан бир сибизға ясадим. У одатдагидан анчагини катта бўлди, бироқ мусиқаси ва овози тиниқ чиқади. Сен уни олиб қизларга чалиб берсанг, улар сенинг бу сибизгани қаердан олганнинг билан қизиқиб қолади. Шунда сен уларга бўлган гапларни айтиб бер, аммо бу сибизғани ким ясаганини фақат Қаракўзойимнинг ўзигагина билдириб қўй.

– Нега жимиб олдинг? – Алпамис, шундай пайтда Кейқуват ташлаб кетиб қолмадими, деган хавотирда тепага қараб бақирди. – Яна қўрқоқлигинг тутдими?

– Яхши, Алпамис. Мен албатта сен айтгандай қиласман, – жавоб берди чўпон, ўрнидан турар экан.

Кейқуват сибизғани чалганча, бу ердан тўғри булоқ бошидаги водийда ғознинг тухумидай кўриниб турган, оппоқ ўтовлар томонга йўл олди. Сибизға унинг қўлида ўз-ўзидан куй чиқарар, ҳаммани ўзига қаратар эди.

Етти йилки, Кейқуват дала-даштда Қаракўзойимнинг хизматини қиласди. Етти йилки Кейқуват унинг ниманидир ахтариб хомуш юрганини кузатади. Аммо уни ҳеч тушуна олмайди.

Баъзан у хон қизининг қилиқларини жинниликка йўйди, ўзича фикрлаб, Қаракўзойимни бошқа одамлар билан солиштириб, бу қиз ақлдан озган бўлса керак, деб ўйлади. Баъзан ўйларининг адогини топа олмай ўз-ўзига саволлар берди: бу қизга нима етишмайди? Нега доим ниманидир ахтариб, сангигандай юради? Ёки тўқликка шўхликмикан? Ва ё бирон бир шумликни бошлаётгандир?

Мана бутун Алпамис билан гаплашгандай кейин Кейқуват Қаракўзойимнинг саргардон юришларининг сабабини тушуниб етди. У кўрган-кечирганларини қизга айтиб бергач эса, унинг ўйлаганлари ўз тасдигини топди.

Кейқуватнинг айтганларини эшитиб Қаракўзойим ўзини қўярга жой топа олмай қолди: Гоҳ ўрнидан боладай сакрар, тинмай жилмаяр, Кейқуватта ёлвориб тезроқ

ўша машъум зиндонга олиб боришини сўрар, гоҳи эса гапларини шу атрофда қий-чув қилиб юрган қизлар эши-тиб қолиб, ниятини сезиб қолмасмикан, деган хавотирда оғзини кафтлари билан бекитиб олар эди.

Вақт ўтиб, улар ниҳоят даштта чиқишиді ва түғри зиндонга қараб боришиді. Соғинчдан қийналиб кетган Қаракүзойим, зиндонни кўриб унга эгилди ва эгилиб қичқириди:

– Алпамис, тирикмисан?

– Тирикман, Қаракүзойим, – овоз келди пастдан.

– Шу кунга етказгани учун яратганга шукрлар бўлсин. Оз эмас, кўп эмас, етти йил мен сени ахтардим. Ва мана охири топдим. – Қаракүзойим ҳисларини яширмай гапиргани учун ҳижолат чекиб, бир муддат жимиб қолди ва яна давом этди. – Майли, нима бўлса бўлди. Яхшиси, сен менга айт, сени бу чоҳдан қандай қутқарсак бўлади?

– Бу сенинг қўлингдан келмайди, азизим Қаракүзойим. Яхшиси, сен менга айт, менинг чипор отимга нима бўлган? У қаерда ҳозир?

– Сенинг отинг темир қафасга солинган.

– Сен уни озод қила оласанми?

– Йўқ! Бу менинг қўлимдан келмайди. Отингни отамнинг бир гала содиқ жангчилари қўриқлайди.

– Унда айёрлик ишлатамиз, – деди Алпамис. – Сен устингга менинг камзулимни кийиб ол. Бу камзул етти йил ичида менинг терларимга беланиб қолган. Сўнг устидан эски бир тўн кийиб ол. Сочларингни йифиб ўзингни бир дарвиш каби кўрсат. Дарвишларга ҳамма йўллар очиқ. Сен шундай қилиб, отхонага яқин борсанг, у ёғига отнинг ўзи йўл топади.

Алпамиснинг режаси Қаракүзойимга ёқиб тушиді. У устига Алпамиснинг терларидан ғарғаша бўлиб кетган камзулни, унинг устидан эса эски тўнни кийиб оппоқ ҳассага таянганча газар⁵⁷ дарвишга ўхшаб олди-да, сер-

⁵⁷ Газар (кезар) – кўп йўл юрадиган, ҳар ерни кезиб юрадиган ёки дайди одамни газар, деб аташган.

маланиб Тасти шаҳри томон йўл олди. Орадан бир неча кун ўтиб, у шаҳарга етиб келди ва темир отхона олдидан уч марта қайта ўтди. Ҳар сафар қиз отхона ёнидан ўтганда чипор от кишинаб ер тепинар ва бундан унинг оёқларига боғланган занжирлар жаранглай бошлади. Охири Байшубарнинг асаблари чидамай, қаттиқ кишинаб тепсина бошлади ва занжирларни узиб, темир отхонани эса бутунлай бузиб ташлади.

Қўриқчилар эса даҳшатга тушиб, тумтарақай ҳар томонга қочиб кетди. Байшубар бутун кучини сарфлаб, отхонадан чиқди ва тўғри дарвишнинг олдига келиб, тумшуғини унинг қўлтиқлари остига суқиб, ҳидлаганча жим бўлиб қолди. Тайшиқхон Байшубарнинг бу қилиғидан ҳайратга тушди.

– Эй дарвиш! – деди у отнинг яғринига тикилганча.
– Сен кимсан? Сенинг ичингга Алпамис кириб олмаганми? Балки сен Алпамисдирсан? Нега бу чипор от сенга бунча интилиб қолди?

– О, буюк хон! Наҳотки сиз менинг Алпамисдан ёшим анча қари эканини сезмаган бўлсангиз?! – деди Қаракўзойим, отасини сезиб қолмаслиги учун овозини ўзгартириб. – Отнинг менга интилишида бир сабаб бор. Қачонлардир менинг йўлим қўнғирот элининг ерлари бўлмиш Жидели Байсинга тушган эди. Ўшанда бу чипор уч ёшда эди ва у ёмон касалга чалинган экан. Асли отга кўз теккан, эгалари эса уни ўлиб қолган, деб ўйлашган экан. Мен уни даволаб оёққа турғаздим. Отлар яхшиликни унумтайдиган ҳайвон бўлади. Мен тастига келиб, отхона ёнидан ўтишим билан у мени ҳидимдан таниб, ёнимга югуриб келди ва ҳозир ўзининг бошига тушганларини айтиб берди. Бечора йиғлашга тайёр турибди.

Тайшиқхон ўз олдида қизи турганлигини сезмади ҳам.

– Ундей бўлса, – деди хон, дарвишга қараб, – сен шу чипор отни ол-да, менга ўргатиб бер. Шу пайтгача у ҳеч

кимни ёнига йўлатмади. Менимча, сени бу ерга тангрининг ўзи юборган бўлса керак.

– Айттанингизга розиман, – деди дарвиш. – Аммо бу сиз ўйлаганчалик осон иш эмас. Байшубарни қўлга ўргатиш учун менга қирқта арқон, қирқта қўйнинг думбаси, Алпамиснинг жанговар қурол-яроғлари керак бўлади. Шундан сўнг менга етти кун муҳлат беринг. Саккизинчи куни мен чипор отни сизларга юганлаб келтириб бераман.

– Келишдик, – Тайшиқхон севиниб кетди ва хизматкорларига айтилган ҳамма нарсани дарвишга беришларини буюрди.

Қаракўзойим сарой майдонидан тезда кетмади. У ичичидан, ўксиниб хаёлида отаси билан тиллашди: “Мен бошқача йўл тутолмайман, Ота! – деди у ўзига ўзи, – мени севги олови ўзига чорламоқда, мен севгидан маст бўлиб, ўзини оловга урган капалакка ўхшайман. Мен худди капалак каби шу тақдирни баҳт, деб биламан. Менинг бошқа иложим йўқ. Асли ўзингиз бунга сабаб-чиидирсиз. Мени увол қилиб, менинг орзуларим билан ҳисоблашмай, Ялмогизнинг яра ва қўтириб босган, ақли паст ўғлига ваъда қилдингиз. Сизнинг бу хатоингизни, менинг тақдиримни енгилтаклик билан бир зумда ҳал қилиб юборганингизни кечириб бўлмайди! Мен учун қайситир жирканч, аҳмоқ ва сассиқ бир киши билан укубатда яшагандан кўра, севгилимнинг қули бўлиб ўлган яхшироқдир...”

Қаракўзойим кўз ёшларини ичга ютиб, Байшубарни етаклаганча Тасти шаҳрини тарк этди.

У дашт бўйлаб борар экан, отасига ачина бошлиди. Унга ўз отасини алдаш жуда қийин эди. Ўзининг алдови хиёнат эканини биларди. Аммо унинг қалбини бир марта кўришдаёқ қалбига олов ёққан ёш Алпамиснинг севгиси қамраб олган эди. У шу икки ўй орасида юрагини қийнаб анча юрди ва охири унинг фикри тиниклашиб охирги қарорни қабул қилди: У

муҳаббатсиз, бир қўтириши билан яшагандан кўра, Алпамиснинг севгиси йўлида ўлганим маъқул, деган холосага келди.

Қаракўзойим зинданга етиб келгач, ҳамма арқонларни бир қилиб эшди. Пишикроқ эшдимми? деб, бир тортиб, синаб ҳам кўрди. Сўнг арқоннинг бир учини Байшубарнинг бўйнига бойлаб, иккинчи учини Алпамис ётган зинданга ташлади. Ботир бу кунларни интиқлик билан кутиб ётарди. У арқонни олиб белидан айлантириб бойлаб, бир силкиди. Байшубар турган жойидан, оёқларига бутун кучини ташлаб арқонни силтаб тортди, унинг ерга тираган оёқлари қумга ботди. Алпамис зиндан тубидан узилиб, ҳавода муаллақ қотди. Шу пайт унинг ёнига Ғойиб эран қирқ чилтон фаришталари билан Бобо Тукти Шашти Азиз етиб келишди ва зиндандан чиқишига кўмак бера бошлишди. Байшубар зиндандан тобора узоқлашар, арқон тортилиб ботирни тепага кўтариб борар эди. Қаракўзойим бу орада тўлқинланар, хурсандчилигидан бутун дунёни унуган, узоқ кутган севгилисини кўришга муштоқ турар эди.

Алпамис зиндан туйнугидан кўриниб, бир сакрашда ташқарига чиқиб олди. Қаракўзойим кўзларида ёш билан ўзини унинг қучоғига отди. Уни бандиликдан қутқариш учун барча нарсадан кеча олган бу қизга нисбатан Алпамиснинг ҳам қалби меҳрга тўлган эди. Қачонлардир бир мартағина кўрган ва қалбига ўт солган бу қизни яна кўриб турганидан баҳтиёр эди. У Қаракўзойимни қаттиқ қучиб, юзларидан ўпди.

Байшубар хўжасини кўриб, қаттиқ кишинади, сакраб-сакраб ўйноқлаб, янги гулдай яшнади.

Алпамис ва Қаракўзойим бир-бирининг пинжига кирганча, Байшубарни етаклаб, бошқа ўтовлардан алоҳида тикилган, жангчи аёллар яшайдиган ўтовга йўл олишди. Шу ерда севишганлар етти кечади, етти кундуз қолишди.

Кейқуват уларнинг ёнига ҳеч кимни йўлатмай, кўриқлаб турди. Саккизинчи куни Алпамис совутла-

ри ва қурол-яроғларини кийиб, Байшубарни минди-да,
Тасти шаҳрига йўл олди.

Тайшиқхон бу пайт нималар бўлиб ўтганини тусмоллаб билган, кейинги кунларини хулоса қилган эди. У Алпамиснинг ғазабда эканини билар, энди мамлакатини тор-мор қилишини ҳам англар эди. У тинмай сочларини юлар, бошини дурлар билан безатилиб, олтиндан ясалган тахтига уриб, тирик қолиш тадоригини қиласа эди.

— О, Худойим! – қутурган ҳўқиздай ўқирди у. – Нега менга бунча ғазабингни сочасан? Мен сенга нима ёмонлик қилдим?

Аммо қуруқ дод-войдан фойда йўқ эди. Тайшиқхон золимнинг дуосидан наф йўқлигини билар, шунинг учун тезда ўзини қўлга олиб, ҳаммага қалъя дарвозаси олдида тўпланишни буюрди.

Карнайлар ва сурнайлар янгради, ноғоралар бонг урди, жарчилар шаҳарнинг қирқ дарвозаси олдида жар қичириб, Тасти шаҳри ва яқин овулларнинг одамларини хоннинг қарори билан таништирди. Ҳамма энг катта асосий дарвоза йиғилиб кела бошлади. Қўшин бошлиқларига сарой олдига юз минг сараланган жангчиларни жойлаштириш буюрилди.

Хон ўз амрини икки марта қайтармайди. Шу куни тушга яқин юз минг сараланган жангчи сарой дарвозаси олдида ҳозир бўлди. Саройдан хоннинг олтин тахтини чиқариб, сарой майдони кўриниб турадиган энг баланд жойга ўрнатишиди. Сўнгра саройнинг нақшинкор дарвозалари лант очилиб, оғир қадамлар билан Тайшиқхон чиқиб келди. У қўшинга қовоқларини солганча секин назар ташлай бошлади. Майдонга ўлик сукунат чўқди. Хон худди тилсиз гунг одам каби, баландликка кўтарилиб, салобат билан тахтга ўтиради. Шу пайт ўлик сукунатни бузиб, майдон узра унинг оч бургутнинг қичқириғи каби важоҳатли овози эшитилди:

— Эй менинг жасур ва қўрмас ботирларим! Кўп ўтмай бизнинг шахримизга қозоқ ботири Алпамис ки-

риб келиши мумкин. Етти йил олдин у менинг тушимга кириб, тушимда менга мамлакатмизни вайрон қилувчи душман бўлиб кўринган эди. Қари жодугарнинг ҳийласи билан биз уни зинданга ташлашга мусассар бўлган эдик. Анча вақт биз омонлиқда бўлдик. Энди эса у яна озодликка чиқибди ва қозоқ даштларига қилган босқинларимиз учун қасос олиш ниятида устимизга от солиб келяпти. Ота-боболаримиздан қолган шарафли одатларимизга кўра биз унга биринчи ҳужум қилиши ва яккама-якка жанг учун шароит беришимиз керак. Чунки у бир киши. Қанчалик жасур ва енгилмас бўлмасин Алпамис ҳам оддий одам ва ўлимга маҳкум. Шунинг учун мен сизлардан сўрамоқчиман: Орангизда ким Алпамис билан яккама-якка жангта чиқишига тайёр? Орангиздан ким менинг шаъним ва обрўйимни ҳимоя қила олади? Ким уни енгиб, қовурғаларини синдириб оёғимнинг тагига келтириб ташлай олади? Ким уни енга олса ўша ботирни хизматига яраша хоннинг сийлови кутади. Биринчидан унга Алпамиснинг тезлик ва кучда тенги йўқ оти – Байшубар тортиқ қилинади.

Тайшиқхон шу сўзни айтиб ҳали тугатмасидан, дарвоза олдида турган қўшин орасидан қалқонига чўқмори билан урганча бир ботир чиқиб келди. Унинг оти Тоймас, ўзи ҳам ҳеч жангдан тоймайдиган ва қўрқмайдиган жангчи бўлиб, хоннинг tengдоши ва болалиқдан унинг яқин дўсти эди. Бу ботир шу пайтгача жангта доим ҳеч иккиланмасдан дадил кирган, унинг учун рақибнинг кимлиги, кучи қанчалиги ёки сонининг аҳамияти йўқ, бир ўзи катта бир қўшинга қарши ҳам жангта чиқаверар эди. Худо уни гавдадан ҳам қисмаган, келбати девникидай, қўлидаги битта чўқморининг ўзи ўттиз ботмон пўлатдан қуйиб ясалган эди. Ҳар доим Тоймас ботир биринчи бўлиб душманига ҳамла қилас, унинг юрагига қўрқув солиб қўшин ичига ёриб кирад, жангни осонликча ютиб, боши узра ғалаба байроғини кўтарганча уйга қайтар эди.

– О, буюк хон, ўзинг биласан, мен душман билан мукофот учун жанг қилмайман, – жавоб қылди ботир Тайшиқхонга. – Менга сен айттан ўша Байшубарнинг ўзи етади. Сен менга жангта киришга изн бер ва мен Алпамисни сен айтганда қилиб, енгиб, оёғинг тагига ташлайман.

– Менинг енгилмас Тоймасим, сенга омад тилайман!

– Арвоҳ! Арвоҳ⁵⁸! – кўп минг сонли қўшин устида шундай ишончли чақириув ҳайқириқлари янграй бошлади. Жангчиларнинг гўёки жангда мадад берадигандек, ота-боболар руҳлари – арвоҳларни ёрдамга чақириб, иштиёқ билан бақиришларидан қалъанинг қирқ дарвозаси ва деворлари қўшилиб титрай бошлади.

Тайшиқхон ўрдасининг вайрон бўлиши

Тоймас боши узра чангороқдай қалқонини баланд кўтарган ҳолда, ўттиз батмонли чўқморини ўйнатиб, от устида ўтиришти. Унинг тутага бўй бермайдиган тим қора оти бўйнини ёйдай эгиб, унга бўйсунган ҳолда жангни кутиб турибди. Тоймас Алпамиснинг ўз юртига иккинчи хужумини шундай қарши олаётган эди.

Жанг бошланди. Аввал икки ботир бир-бирларида биринчи зарбаларини бериб, синашиб кўришди ва иккиси икки томонга улоқиб кетди.

Алпамиснинг биринчи зарбаси Тоймасни эгарида силжитиб, гангитиб қўйди. Ботир бу зарбага қалқонини рўбарў қилиб қолди. Шундай бўлса ҳам, зарбнинг зўридан ботирнинг кўзлари муз остида сузизиб юриб бошини музга урган балиқнинг кўзицек хирадлашиб кетди. Унинг қалбини муздек совуқ ҳислар ва ваҳима қоплаб, ҳаётида илк бора у енгилиши мумкинлигини ҳис қилди. Тоймас Алпамиснинг иккинчи зарби қандай бўлишини ўйлар экан, унга дош беришига ишончли сўна бошлади. Халқ тилида кўпни “кўрган

⁵⁸ Жант олдилан ота-боболарнинг арвоҳларини чақириш одати. Бу одат кўпчилик халқларда, жумладан, қалмоқларда ҳам бўлган.

жангчи – пихини ёрган қашқир” деган гап бор. Тоймас ичидан ўтганини сиртига чиқармади. У худди яраланган, аммо буни сездирмаслик учун жунларини тик қилиб ириллаган қашқир каби чўқморини ўйнатиб ўз заифлигини яширди.

Алпамис бу марта чўқморини ташлаб, қиличини қинидан суғурди. Қиличини адл кўтариб, Байшубарни ниқтаганча худди қирғий ўлжасига ташланган каби рақибиға ташланди. Тоймаснинг ёнидан учиб ўтар экан, Алпамис шиддатли зарба бериб, ботирнинг бошини узиб ташлади. Тоймаснинг тоғдай улкан бошсиз гавдаси от устида тебранганча қотиб қолди ва буни сезган қора тулпор унинг остидан сирғаниб чиқиб, четта қочди.

Бу пайт хон қўшинлари орасидан яна бир ботир бақирганча, бутун вужуди билан олдинга интилиб чиқиб келди. У икки ботирнинг жангини кузатиб қони қайнай бошлаган, Толмас ўлдирилгач эса бутунлай тутоқиб кетган эди. Унинг назарида Тоймас билан юртининг шаъни поймол қилинган, у ор учун жанговар хитоб билан олдинга чиққан эди. У худди рақибини бир ҳамлада енгадигандек, камзулини белбоғи орасига тиқиб, белбоғини тортди ва қиличини қуёш тифида ялтиратиб баланд кўтарди.

– Бирга бир жангта чиқ! – дея хитоб қилди у ғазаб билан Алпамис томонга от йўргалатар экан. – Бирга бир!

Алпамис ўзини назорат қила олмаётган ва жаҳл отига минган рақибини кўриб у билан бошқача ҳисоблашмоқчи бўлди. У қиличини қинига солиб, чўқморини эгарига қистирди. Найзасини эса тиззалари орасига олиб фақат қалқон билан душманга ташланди.

Жунгор ботири буни кўриб пайтдан фойдаланмоқчи бўлди ва Алпамис томонга қилич ўқталди. Қилич жаранглаб қалқонга урилди, аммо Алпамисга бирор зарар бермади. Алпамис бу пайт мушти билан унинг бошига туширди. Зарба шунчалар кучли бўлдики, рақиби ерга учиб тушиб, шамолда думалаб юрадиган дала шўроғи

каби юмалаб кетди ва сарой майдони узра саф тортиб турған хон құшынларининг оқлари остига бориб тұхтади.

Тайшиқхон олтін таҳтида ўтирганча, ғамгин нигоҳлари ила жангларни дикқат билан кузатиб ўтиради. Ботирларнинг аянчли ўлимини күргач эса бехос унинг бармоқлари таҳтнинг тирсаклагици остига ёпишиб қолди ва ранги худди булут қоплаган осмондек қорайиб кетди.

Тайшиқхон ўзини тутиб олди ва таҳтнинг ўнг томонида турған кенг яғринли ёштина жангчига ўтирилиб қараб:

– Ъғлем, сенинг навбатинг келди. Қалбингдаги қасос ўтини ишга сол, бу сурбетнинг жазосини ўзинг бер, – деди.

Ёш жангчи худди шу сўзни кутиб турғандай, бир силкіб, елкасидаги ёпинчигини ташлади-да, ўлжасини энди күрган бургутдай жантта ташланди. Унинг кўксидаги пўлат совут кўм-кўк бўлиб, қуёш нурида ярқираб кетди. Бу жангчи Тоймаснинг ягона ўғли эди. У Тайшиқхоннинг “қалбингдаги қасос ўтини ишга сол” деган сўзларини англаган, отасининг ўчини олишга ошиққан эди. Тайшиқхон ҳам бургутдек шиддатли, қоплондек абжир шу йигитга кўз тиккан, ундан ғалабани умид қилар эди.

Тоймаснинг ўғли дарров отта минди ва учиб майдонга чиқди. Халқнинг кўз ўнгидә бу ботир толиқиши нималигини билмайдиган, суюги ва эти машаққатларда қотган нортуюдай кўринди.

Жанглардан қони қайнаб турған Алпамис навбатдаги рақиби томонга от чоптирди. Дақиқалар ўтиб, майдоннинг қоқ ўртасида тишларини гижирлатганча икки ботир тўқнаш келди. Ҳамма томонга қурол яроғларнинг жарангি ва қаҳрли ҳайқириқлар таралди. Худди Ой билан Ҳулкар юлдузи тўқнашгани каби гумбурлаган овоздан ер силкиниб кетди.

Узоқ йиллардан буён қаҳри қаттиқ бўлиб кетган Алпамисга бас келиш қийин эди. У рақибини қўллари билан тутиб, баланд кўтарди ва бошлари устида бир неча бор айлантириб ерга улқотирди. Ердан бир ботмон чанг

кўтарилиб, ҳамма томонга тарқала бошлади. Жангнинг бундай томонга ўзгариб кетиши хон қўшинларини довдиратиб қўйди. Майдонга яна ўлик сукунат чўқди. Бу сукунат қўшинга қўрқув солиб, ҳамманинг елкасига тош ортгандай уларни даҳшатта солди.

– Яна борми бирга-бир чиқадиган! – Алпамиснинг овози худди момақалдироқнинг гулдурашидай янгради.

Кўп кутишга ҳожат қолмади. Майдонга янги ботир чиқа бошлади. У бошқа ботирлардек шошмади, аксинча енгил қадамлар билан оҳиста юриб келди. Унинг қуроли ҳам камгина эди. Унинг туришидан соддалиги ва камабагаллиги кўриниб турар эди. Унинг ҳаракатларида ҳам ортиқча асабийлашиб ёки ваҳима кўринмас, афтидан у ўзига ишонган ботирлардан эди. Албатта, Алпамис унинг кимлигини билмас, ўзига рақиб бўлаётган кимсанинг елкаси ер кўрмаган мушхур курашчи – полвон эканини хаёлига ҳам келтиргмаган эди.

Полвон секингина келиб отига минди ва чигилини ёзмоқчи бўлгандай от устида майдонни айланба бошлади. Орадан сал вақт ўтиб у Алпамисга яқинроқ келди ва шундай деди:

– Эй ўз кучидан ўзи маст бўлган болакай, ботирга доим уч марта имкон берилади ва у сенга берилди. Нијатингга етдинг. Ўзингга бино кўйишинг энди ортиқча. Энди менга бир марта сенга зарба беришимга рухсат бер, агар шундай қилсанг сени бир зарб билан белинггача ерга киритиб юбораман.

– Йўқ! – деди газаб билан Алпамис. – Сенга зарба беришга қўйиб бермайман! Чunksi, сиз кўпсиз – мен биттаман! Агар сен биринчи зарбани беришни хоҳласант, унда менинг Тайшиқхоннинг етти минг қўшинини қандай тор-мор қилишимни қузатиб кутиб тур ва ўзинг хулоса қил!

Уларнинг сўз уруши тугаб, келиша олмагач, ҳар иккиси ортга чекиниб жангга шайланишди. Худди бирбирига етишмоқчи бўлгандай, олдга ташлаб жангга

киришишди. Алпамис унинг рақиби полвон эканини энди тушунди ва у билан қуролсиз, полвонларча курашишга ахд қилди. Уларнинг отлари бир-бираига яқин келган пайт у рақибининг чопонлари ёқасидан илиб олди-да, Байшубарнинг юганини қўйиб юборди. Шу ҳолда Алпамис полвонни ўзи билан судраб кетди. Бечора полвон Алпамиснинг темир пажаларидан қутула олмай от устида жон берди.

Энг зўр полвонининг ўлимини кўриб Тайшиқхон елкаларини силкитганча, кўзларидан ёш оқизиб, увиллаб йиглаб юборди.

Хоннинг бошлари эгилгани ва унинг кўзларидағи ёшни кўриб юз минг сонли қўшиннинг ҳаммаси тоғдан кўчган кўчқидай оқиб Алпамиснинг устига ташланди.

– Ё, арвоҳлар! – Алпамис ҳам шундай қичқириб, қўлида пўлат қиличини туттганча олдинга ташланди.

У худди қамишзорга яшин оралагандай душман қўшинининг қаторлари орасига ёриб кирди. Алпамис ҳар қилич силтаганда жунғорларни худди ўтларни боғлами билан ўргандай қийратиб борар, уларнинг ўрнига янги қаторлар келар ва уларни ҳам тинмай қириб борарди. Минглаб номи чиққан, кўрқув нималигини билмайдиган ботирлар бир марта қиличини сермай олмай, Алпамиснинг қиличидан қирилар эди. Улар шу ҳолида худди ажал тифига ўзини ўзи ураётганга ўхшарди.

Шом намози вақтига қадар жунғорлар қатори сийраклаб қолди. Тирик қолган аскарлар ҳам умидсизликка тушиб қолди. Улар нима ҳам қилишсин: Алпамисга отилган ўқ сирғалиб тушаверса, қиличлар унга тегса икки бўлинниб синаверса. Уларнинг назарида Алпамис чўяндан ясалгандай бўлиб кўрина бошлади.

Қўшиннинг қолган-қутгани қаршилик қила олмай, шаҳар томонга чекина бошлади. Тезда жанг майдони шаҳар дарвозаларига кўчди. Алпамис эса ҳамон атрофидаги жунғорларни қиришда давом этарди.

Қош қорайиб, атрофни секин қоронғулик босди. Шу пайт Алпамис орқа томондан қаттиқ тарақлаган товуш әшитди. У қайрилиб қаради: Жунгор қўшинларининг катта қисми шаҳарга кириб, дарвозани ёпган эди.

Алпамис, “Эҳ, шаҳарга киролмай қолдим. Энди улар қамалиб олишди!” – дея афсус қилиб, аччиқ билан қолган душманларни қира бошлади.

Алпамис шаҳарга кира олмай қолган жунғорларни қириб бўлгач Тасти шаҳрини уч марта айланиб чиқди. Ҳамма дарвозасидан бориб кўрди, ҳаммаси қаттиқ бер-китилган эди.

Тунги сукунатда Алпамис ўлжа ахтарган бўридай шаҳар атрофида кезар. Тун қоронғусида Байшубарнинг туёқ товушларигина әшитилар, шаҳар худди қабристон каби жим-жит эди.

Тун ярмидан оққандა худди олтин косадай бўлиб осмонга ой чиқди.

Алпамис диққат билан қалъани айланиб, йўл излар экан, тўсатдан шарқий деворда ой нурида ярқираб кўринган ёриқ жойга кўзи тушди. Ёриқ анча кенг бўлиб, ундан отлиқ одам бемалол кирса бўларди. Алпамис ўша жойдан ичкарига киришни мўлжаллар, Байшубар эса аксинча олд оёгини тираб орқага тисарилар, бу ерда пистирма борлигини сезган эди. Жангдан сўнг ҳали таскин топмаган Алпамис отга жаҳл қилиб уни олдинга ниқтади ва қамчи билан савалаб оралиқдан юришга мажбур қилди. Байшубар эса энди орқа оёқларини ҳам тираб унга қаршилик қила бошлади. Аммо ўжар Алпамис уни бор кучи билан савалаб ташлади. Бечора Байшубар қулоқларини қайириб, девор орасидаги оралиққа киришга мажбур бўлди. Тулпор киргач худди пўлат игнанинг тешигини ип кириб тўлдиргани каби, девор ёригини тўлдирди ва ёруғлик тўсилиб қолди. Шу пайт уларнинг устига пўлатдан тўқилган тўр ташланиб, душманлар ботирни оти билан бирга чирмаб олишди.

Шундагина Алпамис Байшубар нега девор ёриғига киришдан бош тортиб, оғини тираганини тушуниб етди. Яхшиям шу ақлли жонивор бор эканки, унга доим мадад бўлади. Уни дунёдаги энг чуқур зидондан ҳам шу от олиб чиқди. Акс ҳолда, уни ўша ҳоҳдан ҳеч ким олиб чиқа олмаган бўлар эди. Бу ерда ҳам унинг зийраклиги иш берди. Агар сал бўлмаса у оти билан шу оралиқда сиқилиб ўлиши мумжин эди. Аммо Байшубар бу ерда ҳам туёқлари билан ерга осон ва мулойим тушдики, ҳеч кимга ҳеч нарса қилмади. Уларни йиқилиб майиб бўлади, деган хоннинг режалари эса чиппакка чиқди.

Байшубар қанчалик зийрак ва учқур бўлмасин, улар яна қуршовга тушган, уларнинг устида пўлат тўр ташланган эди. Ўз эгасини устида кўтариб адл турган Байшубар тўрга тушиб тапирчилаётган балиқдек ўзини ҳар томонга уриб кишинар, тўрдан қутулишга уринар эди.

– Кўлга тушди! Ушладик! – ҳар томондан қувончли ҳайқириқлар янграй бошлиди. Шу он пайдо бўлган хоннинг бир тўда жангчилари ҳар томондан йиғилиб келиб, уларни қўпол чўқморлари билан ура бошлиди.

Алпамис озорланиб, ғазаб ўтида ёнса-да, худди тепаликнинг устига қоқилган қозиқдай қилт этмай турар, зарбаларга қаршилик ҳам қила олмасди.

Алпамис бундай ҳолга неча марта тушди? Ҳаммасига ўзи ва қайсарлиги сабаб бўлди. Мана яна ўша қайсарлиги билан, зийрак йўлдоши Байшубарнинг йўриғига юрмай яна қўлга тушиб турибди. У яна яратган Аллоҳга ёлвора бошлиди. Ўзининг юртидан йироқларда бошидан ўтган ёмон кунларини бир-бир эслаб, ёлғизлиги ва гумроҳлигини айта-айта нолиш қилди. Энди бундай хатоларга йўл қўймаслигини, сергак бўлишини айтиб сўради. Ота-боболарининг руҳидан тани ва руҳини мустаҳкам, бошини омон қилишини сўради.

Байшубар эгасининг қалб туғёнларини англааб етди ва яна бир бор ҳали ҳеч ким кўрмаган, қулоқ эшитмаган

жасорат кўрсатди. Бошларини баланд кўтариб, жуда қаттиқ кишинади, ёлларини тиккайтириб, тўрт оёғига бирдай куч бериб, куч билан олдинга сакради. Темир тўрлар ҳам унинг шиддатига дош бера олмай дарз кетиб сина бошлади. Алпамис тузоқдан чиқди. Худди осмондан босиб келаётган шиддатли булутдай душман устига ташланди ва уларни бурда-бурда қила бошлади. Жуда қаттиқ жанг бўлди. Жунғорлар қочарга йўл, кирарга гўр топа олмади. Осмон йироқ, ер қаттиқ бўлди. Олдинги жанглар улар учун болаларнинг ўйинидай туюлиб қолди.

Тайшиқхондан олинадиган интиқомга яқин қолди. Тайшиқхонга ўлим шамоли етиб борганда, у титроқса тушиб, бошдан оёқ қуролланиб, бирга-бир чиқишига журъат қилди. Қачонлардир хон ҳам жасур жангчи эди ва хонлик даражасига ҳам жанг санъатидаги ютуқлари билан эришган эди.

Алмомиш ва Тайшиқхон жангига шунчалар шиддатли бўлдики, бу жанг билан олдинги жангларни тенглаштириб бўлмасди. Икки ботирнинг ҳар зарбидан худди момоқалдироқ гумбурлаб, яшин чаққандай, гумбурлаган овозлар келар, қиличлар ярқирашидан кўз қамашар эди. Зарбаларнинг кучидан ер силкинар, қалъанинг деворлари қулар эди.

Жанг узоқ давом этди. Алпамис бу пайт чарчаган, етти йиллик зиндан, куну тун давом этган тўхтовсиз жанглар уни ҳолдан тойдирган эди. Тайшиқхон ҳам олдинги кучини йўқотган ва анча хомлашиб қолган эди. Улар бир неча марта бир-бирига чўқмор билан хужум қилиб чарчашгач, найза билан жанг қилишга ўтишди. Яна иккаласи тенг келгач эса, қўлларига пўлат шамширларини олиб жангга киришди. Шунда устунлик Алпамистга ўтиб Тайшиқхон рақибининг шиддатли зарбларига дош бера олмай орқага чекина бошлади. Шутариқа улар сарой дарвозасига яқин келиб қолишиди. Тайшиқхоннинг кўз ўнгидан ўша кўрган машъум туши

үтди: худди ўша кўрган холати. У ажали етганини сезди. Алпамиснинг бир зарбидан Тайшиқхон бошидан жудо бўлди. Унинг бошидан отилган қон ҳамма томонга сачраб, сарой дарвозалари қонга бўялди. Унинг ортидан қўлида қурол тутган ҳар бир жангчи бошидан айрилди.

Ғолиб Алпамис шаҳар бўйлаб кеза бошлади. Шаҳарни кезиб юрар экан, унинг кўзи кичкина бир уйчада буқчайганча ўтирган Мистан кампирга тушди.

– Ҳа-а, кампир, эсонмисан! – деди Алпамис отини бурганча унга жиддий тикилиб, – тирикмисан ҳалиям?

Кампир яна бир макрни мўлжаллаб кутулишни хаёл қиласар экан, жавоб қилди:

– Мана, юрибман-ку, чирогим, – деди тилёғмалик билан.

Аммо Алпамис бу марта алданмади. От устида турганча бир мушт билан уни бошидан айриб, йўлида давом этди.

Хоннинг ўрдаси бутунлай тутатилди. Алпамис пешонасидан терларини артиб тўғри Қаракўзойимнинг саройига йўл олди.

Алпамис Тайшиқхон бошқараётган мамлакатни бир кунда йўқ қилди. Иккинчи куни у атрофдаги шаҳар ва қишлоқларнинг одамларини йигиб, карнай ва сурнайлар чалдириб, ғалаба байрамини ўтказди. Золим хондан кутилган оддий халқ чинакам байрам бошлаб юборди.

Алпамис ва Қаракўзойим оқ ўтовда савлат тўкиб ўтиришди. Қаракўзойим бу пайт баҳтдан қизарганча, тўлин ойдек товланар эди. Алпамиснинг жангдан омон қайтиши ва унга бўлган муҳаббати туфайли, отасидан жудо бўлганлитини ҳам ёдидан чиқарди.

Алпамисдан сал пастроқда, шу пайтгача тоғу тошдан бери келмаган Кейқуват ўтирди. Одамлар донгдор ботирнинг ёнида оддий камбағал чўпоннинг ўтирганини кўриб кўзларига ишонишмади. Аввал уни масхара қилияптими, деб ўйлашди. Аммо эътибор беришса, Ал-

памис унга ҳурмат кўрсатяпти, иззат қилиб, маслаҳат сўраб турибди. Одамлар оддий одамнинг хонлар билан бирга ўтиришига кўниkmаган, шунинг учун ҳамма ҳайратда эди.

Одамларнинг ҳайрати тугамай янги ўзгаришларга ўтилди. Алпамис аслида бу ерга халқни фақаттинга мамлакатни золим Тайшиқхондан озод қилгани шарафига байрам қилиш учун эмас, янги ҳукмдорни тайинлаш учун ҳам тўплаган эди.

Алпамис жунғорларнинг янги хони этиб Кейқуватни тайинлаганда одамларнинг ҳайрати янада ошди, айримлар хушидан кетди. Алпамис эса Кейқуватга берган ваъдасини бажарган, унинг халқ ичида қийинчиликда ўстгани, ўз халқининг дардини билгани учун уларга адолат қилишига ишонар эди. Одамлар нега Алпамис Кейқуватни ёнида олиб ўтирганига энди тушунишди.

Шу пайт Журметуз исмли сулув бир қиз Алпамисга олтин қадаҳда ароқ узатди. Бу яна бир янги тантананинг бошланиши эди. Кейқуват кўп йиллардан буён Қаракўзойим ва унинг канизлари билан чўлда кезар экан, улар орасида Журметуз отли сулувга ошиқ бўлиб қолган эди. Аммо унинг бу ошиқлиги унга фақат изтироблар келтирган, Журметуз уни назарга илмаган, гаплашганда ўзини баланд туттган, унинг ҳиссиётлари устидан кулиб, обрўсини тўкиб келган эди.

Ҳозир ҳам у ўзини баланд тутар, Кейқуват олдига севгисини изҳор қилиш учун яқин борса, уни тўхтатиб жеркиб берар эди. Журметузнинг тили аччиқ, олмосдай ўткир бўлиб, у бундан керакли жойда унумли фойдалана олар эди.

Айни дамда ҳам у Алпамистага ароқ тутар экан ҳазил аралаш тегиш қилди:

– Хурматли ботир, эҳтиёт бўлинг! Сизнинг ароқ ичгандан сўнг донг қотиб ухлайдиган одатингиз бор, яна ухлаб қолманг! – у шундай дея хипча белларини кўз-кўз қилганча гир айланиб, шодланиб кула бошлади. Жур-

метузнинг кулгуси ҳар томонга жаранглаб ҳаммани сеҳрлаб қўйди. Унинг олмосдай оппоқ тишлари ярақлаб кетди. Қизни нигоҳлари билан кузатиб турган Кейқуватнинг юраклари ҳапқирди. Журметуз чиройли назар билан ботирнинг атрофида йигилганларнинг юзларига бир-бир назар ташлар экан, Кейқуватнинг юраги тўхтаб қолгандай бўлди.

Алпамис бугун хурсанд эди. Шунинг учун Журметузнинг ҳазилига ҳазил билан жавоб қилди:

– Йўқ, Журметуз, адашдинг, – деди у қизга табассум қилиб. – Одам ароқдан маст бўлмайди.

– Нимадан маст бўлади?

– Одамларнинг меҳридан... Менга келсак, мен ўшанда оддий ароқдан эмас, ялмоғиз берган ароқдан маст бўлғанман. Сен эса ялмоғиз эмассан. Демак, мен синаб кўрмай уни ичишим мумкин, – Алмопиш шундай дея, қадаҳга лабини текизиб ундан тотиб кўрди-да, Журметузга қайтарди.

Алпамис бу юртнинг ботирларидан бутунлай фарқ қиласар эди. Бу юртнинг ботирлари терс, одамларга қўпол, ўзини ўйлайдиган, элга қайишмайдиган хилидан эди. Уларнинг бари Тайшиқҳондан олқиши олиш учун унинг пинжига киришга интилар эди. Алпамис эса шуҳратга берилмаган, оддий ва содда экан. У яна оддий одамларни бошқалардан паст кўрмас, одам ажратмас экан.

Орадан сал вақт ўтиб яна Алпамис карнай ва сурнайларни чалдириб ҳалқнинг эътиборини ўзига тортди ва сўз бошлади:

– Оға-иниларим! – деди у тўпланганларга қараб. – Дунё шундай яралган: қачонки юрт устида ҳалқ дардини биладиган,adolatli ва оқил хон турса мамлакат гуллаб яшнайди. Бугунги тантанадан фойдаланиб мен сизга шуни айтмоқчи эдим. Мен Кейқуватни мамлакатга янги хон қилиб тайинлайман.

Кейқуват эл орасидан чиққан, элнинг дардини камикӯстини билади. Ишонаманки, мамлакатниadolatli

бошқаради. Бундан буён юртнинг тақдирига у жавоб беради. Энди у сизнинг ҳукмдорингиз, унинг фармонлари ва сўзини бажаришингиз шарт.

Алпамиснинг айтганлари халқقا ёқди. Айниқса, Кейқуватни олдиндан билган, у билан болалиқдан бирга ўстган, Тайшиқхон даврида тер тўкиб, ягрини яра бўлиб ишлаб, косаси оқармаган оддий халқ хурсанд бўлди. Одамлар чин юракдан Кейқуватни табриклай бошлиши. Унга бахт-саодат, узоқ умр, кенг давлат тилашди. Халқ уни ўраб олиб қутлай бошлагач, кутилмаган бу ўзгаришдан Журметузнинг ҳам Кейқуватга бўлган муносабати ўзгарди. Дарров бориб мамлакатнинг янги ҳукмдорига ўз хурматини кўрсатиб, хизмат қила бошлади.

Кейқуват Жерметузни ёнига олиб ўнг томонига ўтиргизди ва унга уйланишини билдиригач эса танатаналар яна давом этиши маълум бўлди. Янги хон ва хонимни шахсан Алпамиснинг ўзи никоҳлаб кўйди ва уларга бахт-саодат тилаб дую қилди.

Кейқуват таҳтга ўтирганидан бир ҳафта ўтиб, яна карнай ва сурнайлар чалдириб, ноғоралар садоси оситида халқни йиғди ва Алпамис билан Қаракўзойимнинг тўйларини ўtkазdi. Bu тўй учун Кейқуват ҳеч нарсани аямади. Тайшиқхоннинг хазинасидан қолган олтин ва кумушларни аямай сарф қилди. Тўй тантаналари ўттиз кун давом этди. Ўттиз кун давом этган шодлик ва хуррамлик Алпамис ва Қаракўзойимнинг юрагидан ўтган йиллардаги изтиробларни бутунлай ювив ташлади.

Жунгорлар мамлакатининг сақланиб қолишида Алпамиснинг катта ҳиссаси бўлди. Мамлакат обод бўлиб, равнақ топди. Кунлар ортидан кунлар ўtdi. Бир куни Алпамис ёмон бир туш кўрди. Тушида бир жўрчиқуш⁵⁹ қора кўланкадай айланиб учиб келиб, унинг ётоғига қўнди. Унинг туриши бахтсизликка ўхшарди. Алпамис шарт унга ташланиб қувди, аммо жўрчиқуш яна унинг бош устида айланиб ётоғига қўнди. Шу тариқа бу ҳолат

⁵⁹ Жўрчиқуш – қиргийнинг бир тури.

уч марта давом этди ва Алпамис жаҳл билан қушни тутиб унинг бошини шартта узиб ташлади.

Алпамис уйқусидан чүчиб уйғонди ва тушини эслаб қайғуга түшди: “Бу жўрқушнинг қилиғи бекорга эмас, бекорга тош тушгандай тўшагимга қўнавермади”. Алпамис тушидан шумлана бошлади. У тўшагини Она ватани, туғилган ери, унинг ёқимли ва юмшоқ тупроғи, деб билди. Жўрчиқушнинг тўшагига қўнганини эса Ватанига етган бир фалокат, деб билди. Алпамис юртига қайтишга тайёрлана бошлади.

У Қаракўзойимга Жидели Байсинга қайтишини айтганда хон қизи қайғура бошлади:

– О, яратган эгам! – деди у ғамга ботиб, кўз ёш тўкканча, – мен энди кўз ёши тўқмасам, баҳтли яшасам керак, деб ўйлаган әдим. Адашган эканман, яна айрилиқ етиб келди!

Қаракўзойим ақлли аёл эди. У ўйлаб кўриб, вазиятни тўғри тушунди. Алпамиснинг кетиш ҳақидаги қарорини тўғри, деб билди ва унинг нарсаларини йиғиширига бошлади. Кўзида ёши билан сурув орасидан Байшубарни етаклаб келди. Ич-этини еб ётган, яқин қолган айрилиқ ҳақида ўйлаб, унинг қалби түғёнга тўлди. Алпамисга қарата сўз айта бошлади:

*Хўш бор, ёрим, хўш энди!
Хўш деб айтдим, уч энди.
Бегим юртига кетса,
Менинг уйим бўш энди.
Кезиб дала-ю даштда,
Таним куйиб қуёшда,
Оёғим уриб тошга.
Сени топганим бошқа.
Мен севгимга ишондим
Кечдим, отам, онамдан.
Севгим умрбоқий, деб
Кечдим бутун жаҳондан.*

Сен элимни мот қилдинг,
 Яқынларим ёт қилдинг,
 Мени сени афзал билдим,
 Аммо бир ўзим қолдим.
 Хайр энди, алвидо,
 Танимда қон тинмокда,
 Севганим кетганига
 Умидлар ҳам сүнмоқда.
 Болам бўлса кўнардим,
 Унга ҳам улгурмадим.
 Бир кун ёшлик ҳам кетса
 Айтинг, мени эслар ким!
 Арғумоғинг мин энди,
 Йўлинг оқ бўлсин энди,
 Йўлларингда хатар кўп,
 Аллоҳ қўлласин энди.
 Чипор отга мингашиб,
 Белларингга чирмашиб,
 Мен ҳам кетсам бўларди,
 Аммо не ҳам қилардим.
 Дала даштда бир сўз бор:
 Қиз – йигитнинг ўлжаси
 Шундай экан не қилдим,
 Мен шу элнинг эркаси.
 Ёзиғим шундай экан,
 Йиғлаб нима ҳам қилдим.
 Кетавер, майли, ёрим,
 Барига рози бўлдим.
 Мен бу ерларда қолиб,
 Чироғинг ўчиримайман.
 Сенинг номингни сақлаб,
 Йўқлигинг билдиримайман.
 Кет, кетавер, кет энди,
 Ҳисларимни ўйнама,
 Уч бор айтдим, кет энди,
 Юрагимни қийнама.

Қаракүзойим бу сўзларни айттар экан, юм-юм ииғлаб кўзларидан сим-сим ёшларини оқизди. У бутунлай тушкунликка тушган, ёрини ёруғ юз билан кузатиб, у кетгач ўзини ўлдирмоқчи бўлган, шунинг учун енги ичида ўткир ханжар олиб келган эди. Алпамис Қаракүзойимнинг сўзларини тинглаб, унга қойил қолди:

– Раҳмат, сенга, севгилим Қаракүзойим, – деди у миннатдор бўлиб. – Бундай пайтда ҳар қандай аёл ҳам сен кабиadolатли бўла олмайди. Энди мен кўнглимни бузмай, юртимга тинч кетаман, чунки сенинг оқила ва ҳар томонни кўра олишингта яна бир бор амин бўлдим. Ўзи иккимиздан кимdir бу ерда қолиши, Кейқуватга таянч бўлиши керак эди. Чунки бу ерда энди ҳаёт изга туша бошлади. Иккимиз ҳам кетсан, элнинг ҳолига ким қарайди? Сен мен учун баланд қоятош устига қоқилган олтин қозиқ кабисан. Мен кетсан ҳам албатта, от айлануб қозигини топгани каби бир кун ёнингга қайтаман. Ортимдан дуо қил ва мен тирик бўлсам, ёнингга учиб қайтиб келаман.

Алпамис отга миниб уч марта кетишга ҳаракат қилди. Уч марта ҳам Қораўзойимни кўзи қиймади. Қайтиб келиб яна уни қучогига босаверди, босаверди. Уни севиши, севгисига содик қолишини айтиб, ўзини асршини тайинлади. Алпамиснинг бундай илтифоти, Қаракүзойимнинг фикрини ўзгартириб юборди. У ўзини ўлдириш фикридан қайтди. Ўзини унутиб, эрига омонлик тилай бошлади. Алпамиснинг йўли хатарли эканини эслаб, унга оқ йўл тилади.

Байшубар ортидан чанг-тўзон қолдириб дашт бўйлаб учиб кетди. У тобора кичрайиб кўздан йўқола бошлади. Қаракүзойимнинг кўзлари яна ёшга тўлди. Яна кўриши умидида у ёрининг ортидан, то у бутунлай кўринмай кетгунча кўз узмай қараб турди. Ёри кўринмай, ҳаммаёқ жимиб қолгач, бир тилак айтди: Хайр, жоним! Ой бориб, омон қайт!

Жаннатмонанд Жидели Байсин ерида

Алпамис Байшубарнинг юганини бўш қўйиб, дала-даштда елдай учди. Орадан ўттиз кун ўтиб, чипор отнинг туёғи ота юртига етди ва Алпамиснинг кўзи узоқларга ястаниб ётган Жидели Байсинга тушди. Байшубар юртга етиб келишганини аввалроқ сезди ва эгасига бу ҳақда билдириб қўйди. У учеби борар экан худди қуённинг елкаларини эслатадиган букри тепаликни ва ўйноқлаб юрган ўз сурувига кўзи тушиб, қаттиқ кишинаб юборди. Сурувдаги отлар таниш овозни эшитиб бошларини кўтаришди, чипор отнинг қайттанини кўриб хурсандчилик билан уни ўраб олишди. Ҳамма отлардан ҳам кўра Байшубарга ёниб турган ёллари ерга тегадиган, бўз байтал жуда яқин келиб саломлаша бошлади. Улар бурунларини бир-бирига текизиб ҳидлашишди, байтал ёлларини ҳурпайтириб бутун даштта боласининг қайттанини билдириш учун қаттиқ кишинай бошлади. Алпамис шундагина Байшубарни туққан, оқ сут бериб катта қилган онасини учратишганини, ўзи эса отаси Бойбўрининг уюри орасида турганини билди. У аввал енгил нафас олиб, эгарида бир қимтиниб олди-да, олдга юрмоқчи бўлди, аммо шу пайт уни Жидели Байсинга қайтишига мажбур қилган ўша машъум туши ёдига тушиб фикри ўзгарди. Алпамис овулга ҳеч кимга сездирмасдан боришга ва вазиятни яхшилаб ўрганиб, кейин келганини билдиришга қарор қилди. Сафар халтасидан дарвишлар кийимини олиб кийимини ўзгартирди. У шундай кийиндики, энг яқин одамлари ҳам танимайдиган бўлди. Сўнг отининг бошини отбоқарлар ўтови томонга бурди.

Алпамис ўтовга етгач уни ҳеч ким сезмагани ва кутиб олмаганини кўриб ҳайратга тушди ва кириб ўзи ўтовга ичига қаради. Ўтовда кигиз устида бешта бек йигит чўзилиб ухлаб ётар, ўчоқ бошида эса бир чол кўзларидан ёш оқиб чой қайнатар эди. Афтидан чол жуда чарчаб кетган, уйқусираф ўтиарди. Алпамис

үйқусираб ҳиқиллаб йиғлаб ўтирган чолга яхшилаб қаради ва Қултой бобонинг ёлғиз ўғли Тортайни таниди. Ботир атрофни кузатди. Бундай ўтовлар даштда жуда күп, аммо ҳеч бирида бир вақтда бешта бек ётмайди. Хўш, бу йигитлар ким экан? Алпамис яхшилаб қараб, йигитлар отасининг олдинги отбоқарлари эканини билди.

Алпамис аста бориб Тортай билан саломлашди. Чол чўчиб тушиб, бошини кўтарди ва саломга алик олиб ботирга ёнидан жой кўрсатди.

– Хуш келдинг, болам, – илтифот қилди чол – Сени танимадим. Кимнинг боласи бўласан? Қаерларга отландинг?

– Йўловчиман, бобо, – жавоб қилди Алпамис. – Жидели Байсинга боряпман. Ўзим шу ерликман, етти йил аввал ота юртдан кетган эдим. Отамга нима бўлди, онамга нима бўлди? Билмайман. Ўтовингизни кўриб, сиздан сўрай, деб кирдим: овулда нима гаплар? Бу саноғи йўқ уюрлар кимники? Билгим келди.

– Эй, чироғим! – деди хўрсишиб Тортай. – Сен эл суйган бий Бойбўрининг уюрлари ҳақида эшитганмидинг? Бир замонлар Бойбўри элнинг энг бой, адолатли, иймонли одами эди. Бутун бир ёвқур қўнғирот уруғи унга бўйсунар, гапини икки қилмас эди. Етти йил олдин жунғорларнинг хони Тайшиқхон юртни босиб, Бойбўрининг олди молларини олиб кетди. Шундан сўнг бойнинг ўғли Алпамис Тайшиқхондан молларини қайтариб олиш учун изидан қувиб кетди. У худди ёлғиз бармоқдай ёв изидан бир ўзи кетиб, сувга тушгандан игнадай йитиб кетди. Алпамис кетгач, Бойбўрининг боқиб олган боласи Ултан унинг бойлигини ҳам, салтнатни ҳам тортиб олди.

Уйинг куйгур Ултан, ҳеч кимга кун бермайди. Унда на иймон бор, на инсоф. Бойбўрининг давлатини еб, кекириб ётибди. Ўз нафсидан у ёғини кўрмайди.

Унинг элга ўтказган зулми ва найрангларидан эл безиб бўлди. Аслида бу уюрлар Алпамиснинг уюрлари,

аммо у қаерларда юрибди, тирикми, ўликми? Ҳеч хатхабар йўқ! Шундай гаплар болам.... Сен кўп юртларни кезганга ўхшайсан, чироғим. Бизнинг қароғимиз Алпамис ҳақида ҳеч эшитмадингми?

Тортай билан бўлган суҳбат бек йигитларни уйғотиб юборди. Улар аста туриб қўноққа разм солишиди. Уларнинг орасида бир қорни каттаси Тортайнинг биқинига тепиб юборди. Шундай тепдики, тепкининг зарбида чол инграб юборди.

– Эй товуқмия, нима деб илжиллаяпсан? – бақирди у, – кўчада юрган дайди нимани ҳам биларди? Ундан кўра тезроқ чойни дамла.

– Нима, бирон гап сўрашга ҳам қўймайсанми?

– Ўв-в, сенинг тилинг чиқиб қолдими? – қўшилди беклардан яна бири. Беклар бир-бир ўрнидан туриб келиб, чолни ўраб олишиди ва тепа бошлишди.

– Йигитлар, ўзингизни босинг! – деди Алпамис ўзини тийиб туролмай. – Бу нима деган гап? Сизда заррача инсоф борми, ҳеч бўлмаса мендан, бегона одамдан ҳаё қилмайсизми? Ёки менинг кучимни кўрмоқчимисизлар?

Беклар қутуриб, чолни уришни бас қилиб, ортга бурилиб дарвишга ташланишиди. Шунда Алпамис ўзини тутолмай қолди, ҳассаси билан бир-бир уриб беш бекни ҳам беш томонга улоқтирди.

Тортай жандага ўралган дарвишнинг бу қилигини кўриб, Алпамисни таниди ва унинг бағрига ўзини отди.

– О, яратган эгам, тушимми ё ўнгимми? – у Алпамисни қуchoқлаганча йиғлашга тушди.

Алпамис чолнинг елкаларидан тутиб, унинг қоқсуяқ елкаларини кафтлари билан силади. Тортай шу туришда анчагача ўзини босолмади. Ўзига келгач Алпамис уни гапга тутди:

– Энди гапиринг, оға, мен йўқлигимда нималар бўлди?

– Сенга айтаримни айтдим, – гап бошлиди чол, ёши-

ни артиб. – Ултан, ўзини ўзи хон санаб, сенинг давлатингни әгаллади ва Алпамиснининг қайтишини худодан сўраб дуо қилгани учун Бойбўрининг ўзини ҳам айблаб, ўзидан нари қилиш мақсадида юртдан қувиб тяябоқар қилиб қўйди. Менинг отам, шу аплаҳни ҳам дунёга келтирган Қултай ҳам ўзи қилган зиноси ва гуноҳларининг азобини кўряпти. Даشتда қўй бўқиб юрибди. Сен кетганингдан икки ой ўтиб дунёга келган ўғлинг Жадигер эса ялангоч ва ялангоёқ юрибди. Уни аплаҳлар кишанлаб қўйган. Ҳозир бечора қўзиларни боқиб юрибди. Яна нимани айтай? Ултан хон бўлиб, сенинг хотининг Гулбаршинга уйланишни ният қилган. Аввал унаштириш учун у қирқ кун ҳаммага зиёфат берди. Бугун қирқинчи кун. У Гулбаршинни зўрлаб ўзига хотин қилишни ният қилган. Яхшиям сен келиб қолдинг!

Овулдаги гаплардан хабар топган Алпамис тинчини йўқотди ва йўлга отланди. Остонага етгач эса ортига қайрилиб:

– Нима ҳам дердим, Тортай оға, – деди у. – Илонни ўз бағримизда ўзимиз асраб келганмиз, ўзимиз ўлдирамиз. Фақат сиздан илтимос менинг келганимни ҳеч кимга айтманг.

Чол Тортай хурсандчилигидан гоҳи кулар, гоҳи йиғлар эди.

– О, яратган эгам! – дуо қилди у. – Наҳотки бу тушим эмас? Наҳотки бахтли кунларга яна етсак?..

Алпамис ҳамма орзуларига эришади

Сулув Гулбаршинга уйланиш орзузи қул Ултанга ҳеч тинчлик бермай, бошини айлантириб қўйди. Шу сабаб ўзини йўқотиб тинмай одамларга зиёфат берар, тўйга катта аҳамият қаратган эди.

Алпамис дарвиш кийимида овулга кириб келганда базм авжига чиққан эди. Оппоқ кигиздан тикилган, ҳашамдор ўтовнинг олдида, зарбоф гиламлар усти-

да, савлат тўкиб Ултан ўтирибди. У ҳаётидан мамнун, атрофга кулиб қарайди. Ҳаммага табассум қиласи. Кулганида оғзи қулоқларигача очилиб, тирқишдай қисиқ кўзлари ёниб турибди. Кўринишидан бугун у жуда баҳтли эди.

Бундай тантанали кунларда уйга дарвишларнинг келиши ҳам мезбонларга оғир ботмайди. Одамлар дарвишлардан янги гап, янги хабарлар кутади, уларни яхши меҳмон қилишади. Ўзларидан кимдир қўпол қилиқ қилса кечирмаслиги мумкин, аммо дарвишларнинг ёмон, қўпол қилиқларини ҳам кечиришади, уларга худонинг энг яқин бандалари, деб қарапашади. Даштнинг бундай одатларини яхши билган Алпамис, Ултаннинг ёнига яқин келиб, дўмбирасини чертиб қўшиқ айта бошлади. Одамлар кутганидай унинг қўшиқлари жуда қўпол, беўхшов ва ҳақоратли эди. Алпамис қўшиғида қўрқмасдан Ултанни ёмонлай бошлади, уни қул, деб айтди. Бугунги зиёфатга сарф бўлаётган ақчалар аслида ўзганинг давлатини эгаллаб олган Ултанники эмас, деб айтди. Ултан элни эзиб, ҳаммани ўзидан бездирди, деб айтди. У бундай ҳол узоқ давом этмайди, ёлғон давлат вафо қилмайди, яқинда ҳаммаси ўзгариб, Ултан ҳамма нарсасидан айрилади, деб айтди.

Уни тинглаган халқ, қўшиқни ҳазилга йўйиб роса кулишди. Ултанга эса дарвишнинг охирги гаплари ёқмади. Ўзининг ҳамма нарсадан айрилиши ҳақида айтилганда шотирларига дарров дарвишни бу ердан қувиб юборишга буюрди.

– Менга унинг қўшиқлари ёқмади! – қалбига кирган шубҳалардан холос бўлиш учун у қаттиқ бақирди. – Бу дарвишга ҳеч нарса берманг! У совға беришга арзимайди! Кўзимдан нарига йўқотинг уни!

Ултаннинг шотирлари унга қуллуқ қилиб, дарров дарвишни четга тортишди. Бу йигитлар Ултаннинг буйруғи билан кўпкарида Жадигерни улоқ ўрнида тортишга ва ўлдиришга келишиб олишган эди. Аммо бун-

дан ҳамма қатори Алпамис ҳам бехабар әди ва яхшиям уларнинг нияти амалга ошмади.

Ўзининг гуллар билан безатилган ўтовидан бўлаётган воқеаларни кузатиб ўтирган сулув Гулбаршин ҳам жулдур кийимдаги дарвишни кўрди. Кўриб, унинг юришлари, қилиқларини кимгадир ўхшатди. Дарвишнинг келбати, оёқ олиши етти йил один уни ташлаб кетган, севган ёри Алпамисни эслатди. У ҳаяжон билан дарвишнинг айтганларини, энди ҳамма нарса ўзгаради деганини эслаб, қувониб кетди. Аёллик ҳисси уни алдамаган, шунинг учун у канизаги Мапияни чақириб, дарвишнинг ортидан юборди. Гулбаршин унга саккиз дона тилла танга бериб, дарвишга етказишини айтди.

– Унга тилла тангаларни бериб, мен учун фол очиши ни сўра, – деб айтди Гулбаршин, Ултан қўйган соқчилари эшитмасин, деб хизматкорига шивирлар экан.

Мапия тангаларни олиб дарвишнинг ортидан югуриб кетди.

Бироқ ўтовдан узоқлашгач, қизнинг феъли айниди ва таққа тўхтади. Дирвишга тилло тангаларни беришга кўзи қиймади. “Нега шунча пулни бир дарвишга беришим керак? – ўйлаб қолди у. – бу дайдига ярмини берсам ҳам етади. Яхвиси ярмини ўзимга олиб қолиб, эртага уст бош сотиб оламан-да, кўча-куйда йигитларнинг кўзини куйдираман”. Мапия шундай қарорга келиб, тўрт тангани яширди-да, қолганини аста бориб дарвишга тутқазди. Сўнг бекасининг гапини ҳам етказди.

– Эҳ Мапия, нега сен ўзингга гуноҳ орттиридинг? – танбеҳ берди унга Алпамис. – Гулбаршиндай насл насли, ақлли аёл ҳеч бир замонда дарвишга тўрт танга бериши мумкинми? Ахир дарвишларни тўрт томонидан саккиз фаришта асраб юришини у билади-ку. Агар бериладиган пул саккиз тангада бир танга кам бўлса ҳам фаришталар унга ҳақиқатни айтмайди. Сен буни билмасмидинг? Ёки ҳозир дуо чаппасига кетиб,

сенинг ўзингга урса, чўлоқ ёки кар бўлиб қолишдан қўркмадингми?

Мапия қўркувдан қотиб қолди. Довдираб, бир нарсалар деганча белбоғидан уриб қолган тўрт тангани олиб Алпамисга тутқаздида, кўзларини ерга тикканча дарвишнинг фол очишини кута бошлади.

Алпамис эса пулни олгач, ўзини худди фол очгандай қилиб қўрсатиб, атрофни кузата бошлади. Атрофда қанча қариндошлари борлигини чамалаб қўрди. Ҳозир ҳеч кимга ишониб бўлмаслигини Гулбаршиннинг чўриси, ўз қилиги билан қўрсатиб турган бир пайтда Алпамис эҳтиёткорлик қилиш кераклигини янада хис этарди.

Бу пайт Ултан ҳаммани чақириб, тантаналарни янада қиздириш мақсадида янги қўрсатма берди:

– Эй одамлар! Ҳамма лочин кўзли мерганлар менинг ўнг томонимга йигилсин! – деди у томогини йиртгудек бўлиб бақириб, – мерганлар мусобақасини ўтказамиз. Ҳозир баланд устунга кумуш тангани осиб қўямиз. Ким ёйдан отиб ўқини ўша тангага текиза олса унга мукофот учун Бойбўри тuya боқарнинг қизи – Қарлуғашни хотинликка бераман. Қани, йигитлар мерганликда кучингизни қўрсатинг. Мени ва қўноқларимни бир хурсанд қилинг!

Бир нечта йигитлар мусобақа учун ҳозирланган майдонга чиқиб келди. Улар узун бир устунни келтириб, майдоннинг ўртасидан жой ковлаб, ўрната бошлишди.

– Мусобақа жойи тайёр бўлгунча, келинглар шоирларнинг мусобақаси – айтишни бошлаб турдами! – дей жар солди ичи сиқилиб бораётган Ултан. У шоирлар ўзини мақтасини, маддоҳлар олқашини жуда-жуда истар, шунинг учун жонини жабборга бериб жар solaётган эди.

Аммо биронта уни мақтайдиган маддоҳ топилмади. Шоир ва бахшилардан ҳеч ким халқ олдида ўзини шарманда қилгиси келмади. Ултанинг аслида қул экани, хонликни эса қаллоблик ва хиёнат билан эгаллаб олганини йигилганларнинг ҳаммаси билар, унинг

ўзбошимчалиги, ваҳшийлиги ҳам одамларнинг жонига теккан эди.

Шу пайт майдон марказига Ултанинг катта хотини Бадамша отилиб чиқди. Бадамша ҳам худди эри каби аҳмоқ ва товуқмия эди. У аввал элга қараб ўлан бошлар экан, нималардир деб валдиради аммо тили соқовлиги учун ҳеч ким гапига тушунмади. Кейин унинг гаплари ни англатишганда маълум бўлдики, у одамларнинг ўз эрига бўлган ҳурматсизлигини кўриб чидаёлмаётганини, аслида Ултан ҳамма хонлар тенги ҳурматга лойиқ арбоб эканини айтиб бақираётган экан. Уни айтганларини қувватлаб даврага Гулбаршиннинг чўриси Мапия чиққанда халқ чидай олмай уларнинг устидан кула бошлади.

Бадамша ва Мапия эгизак қизлар бўлиб, иккиси ҳам бир-биридан ўтган аҳмоқ ва шармсиз аёллар эди. Яна бу иккиси шунчалар даражада бефаросат эдики, оламларнинг улар ҳақидаги фикрини фаҳмлаб ҳам кўрмас эди. Икки аёл ўртада туриб Ултанни мақташга тушиди. Уларнинг тўмтоқ гапларига қараганды Ултан дунёдаги энг адолатли, ақлли ва бой ҳукмдор бўлиб, еру осмонда унга тенг келадигани йўқ экан. Уларнинг гапини эшитиб, одамлар оғзини енги билан ёпиб, кула бошлади. Кўпининг кула-кула ичаги узилди. Аммо ҳеч ким кулгусини сиртига чиқара олмади. Ҳамма Ултанинг ғазабига йўлиқишидан қўрқиб, юзларини яшириб кулди.

Аёлларнинг бу аҳмоқона ўланларини тинглаб ўтирган Алпамис охири чидағ турга олмади. Айтилаётган сафсаталар ва ёлғонларга жавоб бериш учун олдинга чиқиб келди ва Бадамшани мусобақага чақирди. У душманларини сўз айтишда ҳам енгишни истади. Анчадан бери ўзини дунёнинг биринчи хоними, деб биладиган Бадамша, турқини буриштириб, ўзига ишонқирамайтина дарвишнинг таклифини қабул қилди. Дарвиш жулдур кийим кийган бўлса ҳам унинг кўзига жуда басавлат, қадди ба-ланд, хўшрўй бўлиб кўринди.

Айтишувни ҳар доимгидай сўзларни бузиб, тушунарсиз талаффуз қилиб бўлса-да, биринчи Бадамша бошлаб берди:

*Серканинг қадри отарга
Бош бўлгандан, ёр-ёр.
Йигит шуҳрати элга
Нафи теккандан, ёр-ёр.*

*Ултсанхон мақтov қутар,
Қуллиқ қилинг, ёр-ёр.
Мақтасангиз, мен танга
Ташлай, олинг, ёр-ёр.*

Алпамис унинг айтганларини тинглаб, ўйчан ўтирди ва муносиб жавоб топиб ўтирганда Бадамша унинг олдига танга ташлади. Ботир Бадамшанинг садақасидан қони қайнаб, жаҳли чиқса ҳам, буни сездирмади, бoshини қўйи солиб тураверди. Кўп ўтмай жавоб қилиш пайти етди.

*Сен Бадамша қачондир
Чўри эдинг, ёр-ёр.
Эринг Ултсан қул эди,
Жулдор кийим, ёр-ёр.*

*Ўзгарибсан, аҳмоқдай
Валдирайсан, ёр-ёр.
Адабингни берсам мен,
Не қилгайсан, ёр-ёр.*

Алпамис худди осмонни булут қоплагандай хўмрайиб қўшигини тугатди. Бадамша унинг авзойини кўриб, дараҳт шохига илиниб қолган япроқдек титроққа тушди. Шарт ўрнидан туриб, усти бошини қоқди-да: “Мен бу дарвиш билан қўшиқ айтишда баҳслашмайман”, деб туриб олди. Яна дарров хон-

нинг шотирлари келиб, дарвишни четга чиқаришди ва тилини тиймаса жазолашини айтиб, құрқитиб ҳам қўйишди.

Навбат мерғанлик мусобақасига етиб келди. Йигитлар устунни ўрнатиб, устига мерғанлар уриб тушуриши керак бўлган кумуш тангани осиб қўйишди. Одамлар совринига сулув Қарлуғаш қўйилган, ҳамма учун қизиқарли туюлаётган мусобақани томоша қилиш учун ҳар томондан йигилиб кела бошлади. Ёшгина сулувга уйланишини хоҳловчи йигитлар роса кўп экан. Уларнинг орасида донғи кетган, мўлжалга бехато отадиган ботирлар ҳам бор эди.

Уларнинг ҳаммаси баҳтини синаб қўргиси келар, аммо нишон жуда баландда, унга ўқни текизиш осон иш эмаслигини ҳам ҳамма билар эди. Оломон гувиллаб, қўзғалар томошаталаблар нима бўлишини илҳақ кутишар эди. Алпамис бу вақт эътибордан четда қолди ва пайтдан фойдаланиб, Гулбаршиннинг ўтови ёнига келди. Бечора аёл ўтовдан туриб мунгли кўзларини ундан узмай қарап, бу жулдур кийимларга беркинган киши ким эканлиги билгиси келар эди. Дарвиш буни сезиб, Гулбаршин учун зиндондай туюлаётган ўтов эшигининг тўғрисига келиб, тўйларда айтиладиган ёрёни бошлаб юборди. Сулувнинг юраклари ҳапқириб, кўзларига ёш келди. Дарвиш қўшиқ айтар, унинг қўшиғи ҳам овози ҳам жуда таниш ва ёқимли эди:

*Жиделига билмасдан
Келибман мен, ёр-ёр.
Ажаб бир тўйга гувоҳ
Бўлибман мен, ёр-ёр.*

*Даштда удум келинга
Ўлан айтар, ёр-ёр.
Бахтлими ё баҳтсизми,
Билмай айтар, ёр-ёр.*

– Эй худонинг дарбадар бандаси! – деди унга талпиниб Гулбаршин, – мен ҳақимда нима биласан? Мен худодан ўзимга эр сўраб эмас, киришга гўр сўраб илтижо қилиб ўтирибман. Мен минг ўлиб, минг тирилиб, етти йил ёримни кутиб ўтиридим, аммо умид узмадим. Бу тўй менинг тўйим эмас, энг ёмон куним бўлди. Мен бу кунни кўрганимдан ўлишни афзал билдим.

– Нега бундай дейсан, келинжон? – хавотир билан, сал чўчиб жавоб қилди Алпамис, – нега ҳар сўзингда ўлимни эслайсан? Ёки юрагингда қул Ултанга шунчалар катта нафрат борми?

– Эй худойим! – йиғлаб юборди Гулбаршин. – Бу дунёда менинг Алпамисимдан бошқа ҳам қалби эгри бўлмаган, бошига қилич келса ҳам тўгрисини айтадиган бир зот борми? Фақат угина қўрқув нималигини билмайди ва қўрқмай Ултанни қул деб аташи мумкин.

Гулбаршин ўкириб йиғлаб, ташқарига чиқди.

– Жавоб бер менга, эй дарабадар банда, кимсан ўзи? Сен мени бу зулматдан қутқариш учун келмадингми? Агар шундай бўлса, сен менинг севгилим Алпамис эмасмисан?..

Алпамис юзининг ярмини ёпиб турган, устидаги тўнининг ёқасини четта сурди, пешонасини ёпган кулохини тепага кўтарди ва ўзини танитиб хотинини қучогига олди. Улар бир-бирининг бағрига кириб, бир тан бўлдилар. Юраклари бирга урди, кўзлари фақат бир-бирини кўрди, сўzlари бир қалбдан чиққандай чиқди.

Улар бир-бирига сўз айтар, тинглар, бир-бирига дардини айтар, етти йиллик азобларга, соғинчларга, изтиробларга бир-бир тўхтар, йиғлар эдилар. Улар шу ҳолда қанча туришди. Ўзлари ҳам билмади. Бир маҳал, четдан мунгли, ҳиқиллаган йифи овози эштишилди. Севишиганлар сергак тортиб, овоз келаётган тарафга қарашди. Тахлам турган кигизлар ортидан орқасида шох-шабба кўтарган бир жулдур кампир кўринди. Бу бутунлай

кучдан қолгани ва бошқа иш қўлидан келмагани учун Ултан томонидан ошхонага хизматчи қилиб қўйилган, Алпамиснинг онаси – Аналиқ эди.

Гулбаршин бечора онанинг етти йил ичида бир марта ҳам қўзидан ёши тўхтаган кун бўлмаганини билар, аммо унинг бугунги йиғиси бошқача эканлигини ҳам сезган эди. Унинг йиғисида дард ҳам, ҳасрат ҳам аралаш, бу дард-у ҳасратлар аввалгиларга асло ўхшамас эди. Гулбаршин Аналиқнинг ўзидан хафалигини, бугунги кўз ёшларнинг сабабчиси ҳам ўзи эканини билди. Чунки она Алпамиснинг йўқлигига чидаган, аммо Алпамиснинг уйи – қўргони бўлган оиласи йўқ бўлаётганига, ёлғиз келинининг эса душманига келин бўлаётганини кўтара олмаётган эди.

Уч кун олдин бечора она туш кўрган, тушида унинг қўлига оёғига оппоқ ипак боғич боғланган бургут кўнибди. Бу тушдан кейин Аналиқ ўғлини эслаб баттар қайғуга ботди. Бойбека Аналиқ ўша куни бутун қайғусини, дардини илтижо қилиб, худога айтди. Худодан боласини, боласининг ўтовини ва шаънини асрарини сўраб, дуолар қилди.

Бойбека Аналиқ, бутун кучини йиғиб келар, оёқлари чалкашиб кетарди. У ҳамон Аллоҳдан ёрдам сўрар, тинмай илтижо қилар эди. Алпамис онасини таниб, юрак бағри ўртаниб, бутун вужуди билан отилиб, онasi томонга югорди. Ҳаяжондан юраклари тўхтаб қолгудай бўлиб сўз айтди:

– Она!..

Секингина айтилган бу сўз Аналиқ кампирнинг кар бўлиб қолган қулоқлари очиб юборди. У эшита бошлиди. Унинг назарида гўёки бутун дунёда фақат шу сўз жаранглаётгандай туюлди.: “Она!..”

Она ва бола шундай учрашишди. Душманнинг етказган заҳмати, яқинларнинг хиёнати, зулм ва жаҳолат шундай барҳам топди. Алпамис учун энди ўзини яширишга ҳожат қолмаган эди. У ўзини баҳтли ҳис қилар,

чунки унинг энг яқин кишилари уни сотмаган, аксинча, интиқ бўлиб қутган эди. У ким дўст, ким душман эканини ўзи эл ичига кириб кўрди ва ҳаммасига ўзи гувоҳ бўлди.

Алпамис шу он Байшубарга миниб, халқ тўпланиб турган, мерғанлар камондан ўқ отишда куч синашаётган майдонга йўл олди. Ултан уни кўриб, бугун икки марта жиғига теккан бўлса-да хурсанд бўлиб бақирди:

– Манави дарбадар дарвишга ҳам навбат беринг! Унинг ҳам кучини бир кўрайлик! Сулув қизга балки шу эга чиқар! – Ултан шундай деб тили узун дайдини мот қилмоқчи бўлди.

Алпамис одамларни куттириб қўймади. Эгари ёнида осилиб турган ўқдан бирини олиб таранг тортилган камонига жойлади. Шу маҳал осилиб турган танга жаранглаб кетди ва чирпирак бўлиб ерга тушди.

Аниқ нишонга теккан ўқни кўриб, олмон ларзага келди. Ултан ўзининг олдида турган дарвиш қайсиadir бир дайди эмас, Алпамиснинг худди ўзи эканини энди англаб етди. Юраги қўрқувдан товонига тушиб кетди. У нима дейишни, қаерга қочишини, қандай қутулишни билмас қотиб қолган эди. Сўнг ўзини тутиб, аста ўрнидан турди-да ўтовга кирмоқчи бўлгандай силжиб, қочиб қолмоқчи бўлди. Аммо Алпамис уни бутун вужуди билан кузатиб турган эди.

– Тўхта, қул Ултан! – бақирди у момоқалдироқдек овози билан. – Тўхта, менинг қулим! Сен бу дунёга шунчалар тўйиб кетдингки, бундан қорнинг тутул бошинг ҳам шишиб кетганга ўхшайди. Бу катта қовоқбошинг билан хайрлашадиган пайт келганга ўхшайди.

Ултан қўрқувдан дағ-дағ титраб, күшхонага келган туюдай ўкириб йиғлай бошлади. Алпамис унга қаратадай эканини кўтарди ва отмоқчи бўлди. Аммо шу пайт бошқа нарса уни чалғитди. У ёнида турган ўғли Жадигерни кўриб қолди ва найзасини пастга туширди.

– Ота! Уни менга қўйиб бер! – сўради бола. – Қўрқма. Сенинг душманларингга мен ҳам бас кела оламан. Мен бу онни узоқ кутдим.

Алпамис ўғлиниңг кўнглига қаради, найзани унга берди...

Ултан қилмишига яраша жазо топди. Эл “бировни зор қақшатиб топилган баҳт, одамга татимайди”деб, бекорга айтмайди.

Одамлар ўз халоскорини таниди, ҳамма бирбиридан суюнчи тилаб, Алпамиснинг ёнига ошиқди. Аммо ҳамма ҳам бир хил эмас, кимдир Алпамиснинг қайтганидан хурсанд бўлса, кимдир қилган ишлари учун ундан уялиб бошини эгди. Яна кимдир қўқувдан зир титраб, худди тулки каби думини қисиб қолди.

Алпамиснинг қайтгани ҳақида хабар Қарлуғашга ҳам етиб борди. Қарлуғашнинг қувончининг чеки йўқ эди. Эл орасида йигиттаг ўз синглисидан ҳам меҳрибон ҳеч ким йўқ, деган гап юради. Чин гап экан. Акасининг қайтгани ҳақида хабар келтирган одамга Қарлуғаш суюнчи учун бир от ва бир түя инъом қилди. Ўзи эса қанот чиқариб учиб келди ва акасининг бўйнига осилди.

– Алп акам, арслон ака, мард акам, сиртлон акам, наҳотки сен қайтиб келдинг! Сенсиз нима бўлганини кўрдингми? Халқ эзилди, ўғлинг Жадигер дунёдаги бор ситамларни тотиб кўрди, – у дардини акасига айтиб йиглай бошлади. – Сенинг ўтда ёнмас, сувда чўқмас эканингни биз биламиз. Аммо бу сафар тақдир бизни қаттиқ азоблади. Сенинг ўзинг бўлмасанг ҳам овозинг қулоғим тагида жаранглаб турди. Ўзга юртларда мени соғиниб айтган: “Қарлуғаш, синглим!” деган сўзларингни эшитиб турдим, ака...

Қарлуғашнинг айтганларини эшитиб ҳамма йиглади. Аммо бу йигидан чиққан кўз ёшлар бошқа, севинч ёшлари эди.

Хотима

Жидели Байсинда ҳақиқий баҳт ва шукронага түлди. Ҳамма бирдай яйрайдиган тантаналар, байрамлар энди, Алпамис ботир қайтганидан сүңг бошланди. Алпамис, энг аввало, овуллардан ҳамма уруғлар ва аймоқларнинг оқсоқолларини йиғиб келиб, уларни бир мақсад олдида бирлаштириди. Ултаннинг зулмидан қочиб ўзга юртларга кетиб қолган қочоқларни Ватанга қайтарди. У кетган пайтда йўлдан чиқсан, ўғрилик, босқинчилик ёки зўравонликка ўрганиб ўзбошимчаликка ўрганган йигитларнинг попугини пасайтириб, ҳунар ўргатди ва тўғри йўлга солди.

Жидели Байсинга яна олдингилик ота-боболардан қолиб келаётган ва даштнинг муқаддас қонунига айланаб кетган қоидалар ва одатлар қайтарилиди: Катталар ҳурматда, кичиклар иззатда бўладиган, ёшлар катталарнинг хизматини қилиб дуосини, катталар ёшларга одоб ва ҳунар ўргатиб савобини оладиган бўлди. Асрлар давомида ҳалқнинг ўзи яратган аммо ўзбошимча Ултан йўқотган қадриятлар яна ҳалққа қайтарилиди.

Алпамис ўз отаси ва онасидан Ултан етказган заҳмларни кетгазиш ва тушда кечгандай унуттириш учун, уларни оқ байталнинг сутида чўмилтиришларини буюрди. Сўнг энг яхши ишак матолардан кийим кийдириб, меҳрибонлик кўрсатди. Байсинда Бойбўри ва Аналиқ ҳамда унинг тенгдошлари кўриб қолган, бир хон ўтган ва ўша хондан бир тахт қолган эди. Хон бутун умр яхши яшаб, умри охирида ҳажни зиёрат қилиб келган ва вафот этиб кетган эди. У ўтирган тахт ҳозиргача бўш турар, унга ҳеч ким ўтириб кўрмаган эди. Одамлар ўша тахтда ўзлари билан яхши ва ёмон кунларни бирга тортган, оқил ва доно Бойбўрини кўришни исташди. Бойбўри Жидели Байсин ҳалқининг хоҳишини инобатга олиб, яна мамлакат жиловини қўлга олишга рози бўлди. У шу куни ўзини анча кучли сезди. Ўта

машаққатли, шу билан биргә халқнинг фаровонлиги ҳамда юртнинг осойишталигини таъминлашдек ушбу хайрли вазифани бажаришига ҳам кўзи етди ва ишонч ҳосил қилди.

Алпамис ботир Жидели Байсинда узоқларда яшаётган, уни зиндандан күтқарган ва ёмон куниди ёнида турган севгилиси Қаракўзойимни ҳам, қалби тоза ва саховатли Кейқуватни ҳам унутмади. Йилда икки марта, икки мамлакат орасини яқин қилувчи тулпори, Байшубарга миниб, Қалмоқлар юртига ҳам бориб-келиб турди. У ҳар бориб келганда кўнгли ўсиб, юзлари ёришиб қайтар, жуда ҳам баҳтли эди.

Қолган воқеларни Алпамиснинг авлодлари яхши билишади. Айримлар Алпамис абадий ёш бўлиб қолган дейишишса-да, тўғрисини айтиш керак: Алпамис баҳтли яшаб, узоқ умр кўриб, вафот этган.

СҮНГСҮЗ

“Алпомиш” достони – ҳалқимизнинг хотирасида ўчмас из қолдирган, аждодларнинг содда ва бегубор тилида яратилган бебаҳо меросидир. Бу мероснинг буғунгача етиб келишида ҳалқ бахшиларининг хизмати беқиёс. Улар достонларни авлоддан-авлодга ўргатиб, миллий маданиятимиз ва қадриятларимизни минг ийллик довонлардан олиб ўта олган миллатнинг чин маънодаги маърифат дарғаларидир.

Мозийда туркий ҳалқлар вакиллари учун достон айтиш улуғ иш саналган. Шунинг учун достоннинг кўплаб версияларида Алпомишининг ўзи ҳам айтишувларда иштирок этганини кўриш мумкин. Зеро, Алпларнинг кучи ва қудрати уларнинг билагида, чаққонлиги от минишдаги маҳоратида кўринса, донолиги қўлига дўмбира тутиб, достонларни ёд айтиши ва топқирлигида кўринган.

Туркий ҳалқлар бахшиларни оқин, жиров, кайчи (куйчи), ҳаким, ошиқ, ҳикоятчи, ривоятчи, чечан, сесенчи, тарихчи, каби турли номлар билан атаб келишган. Бундан кўринадики, бахшилар қўшиқ айтиш билан бирга тарих, адабиёт, тиб илмини ва бошқа соҳаларнинг ҳам билимдони бўлишган экан.

XX асрга қадар туркий тилли бахшилар бир-бирларини тилмочларсиз тушуна олишган. Тўйларда, байрамларда ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, туркман ёки бошқа ҳалқнинг бахшилари достон айтса, уларни ҳамма бирдай тушуна олган. Аммо XX асрга келиб, Марказий Осиёда рўй берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар сабаб, туркий ҳалқларнинг миллий қадриятлари, адабиёти, санъати таназзулга юз тутди. Марказий Осиё билан бир қаторда Сибир, Олтой ўлкаси ва Кавказ ерларининг миллий республикаларга бўлинниб кетиши натижасида юзага келган ҳудудий

парчаланишлар, умумтуркий маънавий бойликларга ҳам зарар етказмай қолмади.

ХХ аснинг 20–30-йиллари ўтказилган “саводхонлик” ислоҳотлари натижасида туркий халқлар бир-бирларининг алифбосини ҳам, тилини ҳам тушунмайдиган ҳолатга келиб қолди. Натижада, негизи битта бўлган достонлар, эртаклар, ривоятлар, мақоллар ва маталлар кимўзарга ўзлаштириб олина бошланди. Халқ оғзаки ижоди намуналари турли алифболарда чоп этилиши оқибатида, ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгариб борди.

“Олтовлон ола бўлса”, шундай бўлади. Бу “олалик” оқибатида, “қирқинчи йилларнинг охирларидан бошланган маданий меросга нисбатан нигилистик муносабатлар интенсив ривожланаётган фольклоршуносликка жиддий зарба бўлиб, нашр этиш ишлари тўхтатиб қўйилди. Уларни ёппасига қоралаш авж олди”⁶⁰. Минг йиллик тарихга эга бўлган, ҳали халқнинг тилидан ўчмаган, “Алпомиш” достони ҳам бундан четда қолмади. Достон феодал-хонлар муҳитида яратилган, халққа қарши қаратилган асар сифатида талқин қилиниб, унга хонлар ва бекларнинг улуғланиши, босқинчилик ва зўравонлик тарғиб қилиниши, ислом динига мансуб бўлмаган бошқа халқларга душманлик кайфиятини уйғотиши каби беўхшов айбловлар юкланди. “Алпомиш”га қўшилиб уни тадқик қилишда иштирок этган ўнлаб баҳшилар, миллат зиёлилари ҳам ёмонотлиқ қилинди. Достонни чоп этиш тақиқланди.

Мустақиллик йилларига келиб эса “Алпомиш”га бўлган муносабат яна ўзгарди. Ўзбекистон, Туркия, Ко佐ғистон, Қирғизистон, Татаристон, Бошқирдистон ва Олтой республикаларида достоннинг турли версиялари чоп этилиб, улар асосида кино, ҳужжатли ва мульти фильмлар ҳам суратга олинди. Миллий йўналишда

⁶⁰ Тўра Мирзаев . Ҳоди Зариф суҳбатлари. “Shams-Asa” МЧЖ бос. Тошкент, 2013. 178-бет

достонни ўрганиш ва тадқиқ қилишга ҳам эътибор анча кучайди.

Аммо шундай бўлса-да, олимлар ва китобхонларнинг фойдаланиши учун достоннинг турли тиллардаги версияларини қардош тилларга таржима қилиш, уларни тарихий-қиёсий жиҳатдан ўрганиш бўйича етарли-ча ўзгаришлар қилинмади. Қардош халқлар олимлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам яхши йўлга қўйилмади. Шунинг учун туркий халқлар олимлари томонидан “Алпомиш” достонининг умумтуркний контекстда ҳамкорликда тадқиқ қилиниши долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Зоро, биз Алпомиш достонини умуммерос сифатида қанчалик кенгроқ миқёсда ўргансак, миллийлигимизни ҳам шунчалик кенгроқ ва теранроқ англаган бўламиз.

Анвар Бўронов

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. “Алпомиш” – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. Тошкент: Фан, 1999 й.
2. Алпомиш. Достон. Тошкент: Шарқ НМАК, 1998.
3. Қарақалпақ фольклоры. Алпамыс. Қарақалпақ баспасы. Нокис, 1981.
4. Алпамыс Батыр. Қазақ эпоси. Изд.Жазушы. Алматы. 1981.
5. Башкорт халық ижады. «Алпамыша менән Барсынылыгу». Эпос. Китап. Өфө, 2006.
6. Татар халық ижаты: Әкиятләр. “Алпамыша” Изд “Китап” Қазан, 1977.
7. Н. У. Улагашев. “Альп-Манаш”. 1-том. Аллатайдинг битиктер чигарар издателствозининг Туулу-Алтай болгуга. 1985 жыл.
8. Манас. Киргизский героический эпос: в 4 книгах. – Москва, 1984.
9. Манас эпосунун тарыхый өнүгүшүнүн негизги этаптары . Э. Абдылбаев. – Фрунзе, 1981.
10. Жирмунский, В.М. Киргизский героический эпос Манас. – М., 1961.
11. Жирмунский, В.М. Вопросы генезиса и истории эпоса «Алпамыс» Тезисы докладов и сообщений регионального совещания по эпосу Алпамыш. – Ташкент, 1956.
12. Жирмунский, В.М. Народный героический эпос. Сравнительно-исторические очерки / В.М. Жирмунский. – М.-Л., 1962.
13. Жирмунский, В.М. Сказание об Алпамыше и богатырская сказка. – М., 1960.
14. Жирмунский, В.М. Тюркский героический эпос. Л., 1974.
15. Жирмунский, В.М. Эпическое сказание об Алпамыше и Одиссея Гомера .Изв. Ак. Наук. Отд. литературы и языка, 1957. – Т. 16, вып. 2.

16. В.М. Жирмунский, Х.Т. Зарифов. Узбекский народный героический эпос. – М., 1947.
17. Зарифов Х.Т. Основные мотивы эпоса Алпомыш. Об эпосе «Алпамыш». – Ташкент: Фан, 1959.
18. Афзалов М. «Алпомиши» достонининг вариантлари ҳақида. Шарқ юлдзузи – 1956. – 7–сон.
19. Тўра Мирзаев. Ҳоди Зариф сұхбатлари. “Shams-Asa” МЧЖ бос. Тошкент – 2013
20. Мирзаев Т. «Алпомиши» достонининг ўзбек вариантлари. – Тошкент: Фан, 1968;
21. Сагитов И.Т. Қарақалпақ халқының қаҳарманлық эпосы. – Нөкис: ҚҚМБ, 1963;
22. Дәүқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977.
23. Мақсетов Қ.М., Қарақалпақ фольклористикасы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1989;
24. Мирзаев Т. «Алпомиши» нашрининг ўзбек достончиларига таъсири. Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1965.
25. Мирзаев Т. «Алпомиши» достонининг ғоявий йўналиши ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1965.
26. Мирзаев Т. «Алпомиши» достони вариантларидағи бир хусусият түғрисида Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент, 1970. Зәкиев, М.З. Татар халкы теленең барлыкка килүе. – Казан, 1977.
27. Metin Ergun. Altay Türklerinin karaman destani. Alip manas. konya -1997.
28. Фатых Урманче. Тюркский героический эпос. Сравнительно – исторические очерки. Казань. 2015г.
29. Н.Н.Поппе. Халха- монгольский героический эпос. издательство Академии наук СССР. Москва, 1937 .
30. Габдуллин М., Сыдықов Т., «Қазақ халқының батырлық жыры», Алматы, 1972.
31. Валирова А.А. О версиях татарской прозаической сказки «Алпамша». Алпамыш. Тезисы докладов и сооб-

щений регионального совещания по эпосу «Алпамыш». Ташкент, 1956.

32. Д.А. Алибековна. Феномен утопии в казахском миропонимании: историко-философский анализ. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата философских наук Республика Казахстан. Алматы, 2007.

33. Н.Г.Алламбергенова. «Алпомиш» достони ўзбек-қорақалпоқ версияларида бош қаҳрамон шажараси ва «қўнғирот» этноними талқини. – Илим хам Жамийет журнали. Нукус. 2019 йил 3-сон.

34. Алексеев, Н.А. Традиционные религиозные верования якутов в XIX – начале XX в. Н.А. Алексеев. – Новосибирск, 1980.

35. Алексеев, Н.А. Шаманизм тюркоязычных народов Сибири / Н.А. Алексеев. – Новосибирск: Наук, 1984.

36. Алтайские героические сказания. – Москва, 1983.

37. Культ святых в Исламе. В.Н. Басилов. – М., 1970.

38. Валиханов, Ч.Ч. Собрание соч. в пяти томах . – Алма-Ата, 1964.

39. С.А. Галин. Башкирский народный эпос. Уфа, 2004.

40. Гумилев, Л.Н. Древние тюрки. – М., 1967.

41. Джангар. Калмыцкий народный эпос. – Элиста, 1973.

42. Жирмунский, В. Народный героический эпос. – М.-Л.: Гос. издво художеств. лит., 1962.

43. Батырлар жыры. – Алматы, 1963. – Т. 1.

44. Казахская народная поэзия (из образцов, собранных и записанных А.А. Диваевым). – Алма-Ата, 1964.

45. Радлов, В.В. Наречия северных тюркских племен. I отделение. Образцы народной литературы северных тюркских племен. Собраны В.В. Радловым. – СПб., 1885.

46. Суразаков, С.С. Алтайский героический эпос. – М., 1985.

47. Татар мифлары: 2 китапта. Г. Гыйльманов хи-
кәяләвендә. – Казан, 1996.
48. Татар эпосы. Бәетләр / төз. Ф.В. Әхмәтова-Урманче.
– Казан, 2001.
49. Улагашев, Н.У. Героические сказания. – Горно-Ал-
тайск, 1961.
50. Харисов, А .И. Башкирская народная поэма в русс-
ком издании 1812 года.

МУНДАРИЖА

Анвар Бўронов: Сўзбоши	3
Анвар Бўронов: “Алпомиш” достонининг туркий халқлар версияларидағи умумийликлар ва фарқлар ..	6
Алп Манаш.....	28
Алпамиша ва Барсинхилу	43
Алпамаша ва довюрак Сандуғач.....	61
Алпамиш Батир	78
Сўнгсўз	172
Фойдаланилган адабиётлар:.....	175

АЛПОМИШ ДОСТОНИ

туркий халқлар версиялари

Мұхаррір:
Фафур Ұмурзοқов

Техник мұхаррір:
Файзулла Азизов

Дизайнер:
Василий Берцев

Мусаққұх:
Муқаддас Оқмаматова

“Muhammarr nashriyoti”
Лицензия: AI № 309. 2017 йил 22 июн.

Теришга 2020 йил 15 июнда берилди.
Босишига 2020 йил 13 августда рухсат этилди.
Бичими: 84x108 1/32 “Noto Serif” гарнитурасыда
офсет босма усулида оғет қоғозида босилди.
5,63 шарт. б.т. 10,85 хисоб нашр. таб.
Адади 500 нұсха. 52-сон буюртма.

“Мұхаррір нашриеті” матбаа бўлимида чоп этилди.
100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20^А-мавзеи,
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй. E-mail: muhammarr@list.ru